



@mahalladoshuz



@mahalladosh_uz



www.mahalladosh.uz

№49-50

(1979-1980) 2020 йил

17 — 24 декабрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

«БУ ЙИЛ ҚИШНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАМИЗ?»

Бугун ҳамма раҳбарлар шу саволга жавоб бериши керак» 2.



«МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ» ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ 3.

«Mahalla» газетаси ўқувчилари диққатига!

2021

ХОЛИС НАЗАР

ЙИЛ

ЯНВАРЬ ОЙИДАН

Мазкур рукн остида газета саҳифаларида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларга бағишланган таҳлилий, очик ва ошкора руҳдаги куйидаги йўналишларда туркум мақолалар чоп этилади:

- ✓ «МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ» ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?
- ✓ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МУАММОЛАРГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПМОҚЧИ?
- ✓ МАҲАЛЛА МУАММОСИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ЭЪТИБОРИДАМИ?
- ✓ АҲОЛИ ИСТАГИДАГИ МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ БўЛИШИ КЕРАК?

Агар Сизни ушбу йўналишда тайёрланадиган мақолалар бефарқ қолдирмайдиган бўлса, ҳозирданок @xolis_nazar телеграм гуруҳига ўзингизни қизиқтирган савол ва таклифлар, шунингдек мавжуд муаммолар хусусида мурожаат қилишингиз мумкин.

@xolis_nazar

«MAHALLA» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна
индекси 148

«БУ ЙИЛ ҚИШНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАМИЗ?»

Бугун ҳамма раҳбарлар шу саволга жавоб бериши керак»

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу йил кузда кескин совуқ тушиб, об-ҳаво аввалги йилларга нисбатан эрта пасайди. Электр энергияси, табиий ва суултирилган газ, иссиқлик таъминотида тез-тез узилишлар бўлди. Бу вазият тармоқлар ва ҳудудларнинг қиш мавсумига тайёр эмаслигини яққол кўрсатиб берди. Яқинда бензин нархи ҳам ошди. Булар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

– Менга баландпарвоз гаплар ва рақамлар керак эмас. Жойлардаги раҳбарларнинг ишлари натижасига ижтимоий тармоқларда халқимиз ўзи ҳолис баҳо бермоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, энергия ресурслари таъминотини яхшилаш чоралари муҳокама қилиниб, қиш мавсумида тармоқ ва ҳудудларда узлуксизликни таъминлаш учун суткасига 10-12 миллион киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Бу қувватни «Тошкент», «Сирдарё», «Янги Ангрэн» электр станцияларидаги 900 мегаваттлик 5 та энергоблокни ишга тушириш ҳисобидан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Узилишларга, асосан, тақсимловчи тармоқларнинг 60 фоизи эскиргани ҳамда электр энергиясига талаб ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис паст ва ўрта кучланишли тармоқларни босқичма-босқич модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросига тезроқ киришиш зарурлиги таъкидланди.



Мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида суткасига 20 миллион куб метр танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган.

– Газ тизими билан боғлиқ муаммолар бугун юзага келмагани, балки ўттиз йилдан бери бизни қийнаб келаётганидан барчамиз хабардормиз. Лекин буни баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Халқимизга газ керак, уларнинг кўпчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда, – деди Президент.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан кўрсатма берди. Бунинг ҳисобига кунига 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда ҳудудларга йўналтирилади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суултирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга «риск-сервис контракт» шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги айtilди.

60 минг тонна кўмир ўз эгаларига етказиб берилмаган

Жойларда табиий газ ва кўмир таъминотида ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилаётгани билан боғлиқ эътирозлар ҳам борлиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли ва ижтимоий объектлар учун ажратилган маҳаллий кўмирнинг 60 минг тоннаси ҳали эгаларига етказиб берилмаган. Муборакда ғишт ишлаб чиқариш заводи ер остидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланиб, 4,3 миллион куб метр газни талон-торож қилган. Бу 8 мингта хонадоннинг бир ойлик газ таъминотидир.

Шунингдек, жорий йилда 74 та тумандаги йирик газ тармоқларига замонавий ўлчагичлар ўрнатилгани натижасида 2 мингдан зиёд улгуржи истеъмолчилар томонидан 7 миллион куб метр табиий газ ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланган.

Шулардан келиб чиқиб, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш таклифи билдирилди.

Қиш мавсумини беталафот ўтказиш вазифаси қўйилди

– Бу йил қишни қандай ўтказамиз? Бугун ҳамма раҳбарлар шу саволга жавоб бериши керак. Ҳақиқатан ҳам, муаммолар жуда кўп. Уларни фақат маҳаллабай кесимда чуқур ўрганиш ва ҳал қилишгина натижа беради, – дея таъкидлади Президентимиз.

Иссиқлик таъминотидаги 153 та қозонхона ва 2 минг 802 километр тармоқларни таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ис газ ва чақнашлар билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларга тўхталиб ўтди. Фавқуллодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғинга қарши курашиш бошқармаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, тубдан ислоҳ қилиш, ёнғинга қарши профилактика ишла-

рини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бош вазир ўринбосарига мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар этиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича вазифалар қўйилди.

Нарх-навонинг ошиши кескин танқид қилинди

Йиғилишда яна бир долзарб масала – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифалари атрофлича муҳокама қилинди.

Нарх-навонинг ошиши кескин танқид қилинди. Бунинг олдини олиш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Мутасадди идораларга ҳар бир ҳудудда штаблар ташкил қилиб, бозорларда нарх-наво спекуляцияси ҳолатларининг қатъий олдини олиш вазифаси қўйилди. Ички ва ташқи бозорларда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари айланмасини, нарх-навосини, мавжуд эҳтиёж ва талабларни кунлик таҳлил қиладиган идораларо ишчи гуруҳ тузилиши белгиланди.

Янги йил байрами арафасида талаб ошишини инобатга олиб, расталарни маҳсулотлар билан тўлдириш, деҳқон бозорлари ва йирик савдо объектларида ярмаркалар ташкил этиб, уларга товарларни арзонлаштирилган нархларда етказиб бериш муҳимлиги қайд этилди.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўзгариши прогност қилинмоқда. Шу боис ички бозорга асосий турдаги товарларни кафолатли етказиб бериш учун махсус жамғарма ташкил қилиниб, 50 миллион доллар ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда ўсимлик ёғи ва бошқа зарур маҳсулотларни сотиб олиб, камида 3 ойлик захира яратиш бўйича кўрсатма берилди. Худди шундай ишлар ҳокимликлар қошида ташкил этилган жамғармалар орқали ҳам амалга оширилиб, ҳар бир ҳудуд ўз захирасини шакллантириши кераклиги таъкидланди.

Бош вазирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш, ички бозорларни таҳлил қилиб, уларга зарур озиқ-овқат маҳсулотларини интервенция қилиш, бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.



Шавкат Мирзиёев ЕОИИ саммитида иштирок этди.



Авваллари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш дастури «тепадан – пастга» тизими асосида шакллантириллар эди. Хоразмда илк бор жорий этилаётган янги тизимга кўра, эндиликда туманлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради.

«МАҲАЛЛА РАИСИ – ИСЛОҲОТЧИ» ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида мазкур янги тизимни йўлга қўйиш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳалланинг ролини ошириш, тизимдаги ишларни «маҳаллабай» ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бу борадаги вазифаларни аниқлаш учун вазирлик ва тармоқлар, банклар вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи вилоятдаги 519 та маҳалланинг муаммоларини ўрганди. Маҳаллаларда яшовчи аҳолининг имкониятлари, уларнинг даромадини ошириш, қайси йўналишлар бўйича иш олиб бориш кераклигидан келиб чиқиб, ўсиш нуқталари белгиланди. Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳар ва туманлардаги 54 та сектор ҳам худди шундай таснифланди. Хўш, маҳаллаларда ўсиш нуқталари қайсилар?

– Вилоят маҳаллаларида чорвачилик, паррандачилик, хунармандчилик ёки бошқа ишлаб чиқариш истаги билдирилган 11 та «ўсиш нуқталари» аниқланди, – дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов. – Эндиликда фуқаролар йиғини раислари йирик тадбиркорларни аҳоли хонадонларига касаначилик тизимида ишлаш учун бириктириб беради. Бу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларнинг реал даромадлари ортишига эришилади. Мазкур тизимни йўлга қўйиш учун дастлаб Богот тумани мисолида 46 та маҳаллага 3 та банк бириктириладиган бўлди. Шу тариқа ташкилот ходимлари маҳаллаларга бориб, аҳолининг муаммо ва таклифла-

рини хонадонма-хонадон юриб ўрганади ва маҳалланинг иқтисодий ривожланиш чоралари кўрилади.

«Маҳалла раиси – ислоҳотчи»

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундан буён давлат ташкилотлари вакиллари ҳамда вилоят ва тумандаги маҳаллий раҳбарлар маҳалла раислари билан бирга маҳаллада ишлаши, улар фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарларига кўмакчи бўлиши, «маҳалла раиси – ислоҳотчи» тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этилади. Шу билан бирга, мазкур тизимни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳалла раисларини шу бўйича ўқитиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

– Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан ўтказган йиғилишда «маҳалла раиси – ислоҳотчи» тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тизим жорий қилиш ғоясини ўртага ташлади, – дейди Хонқа туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умид Нуруллаев. – Демак, Президентимиз бошчилигида синовли даврда эътироф этгулик натижаларга эришдик. Шу маънода «маҳалла раиси – ислоҳотчи» тамойилининг пойдевори қўйилганини эътироф этиш керак. Эндиликда Президентимиз шу эзгу ишларни давом эттириш, маҳалла кесимида фуқаролар муаммоларини тезкор ўрганиш, ҳал қилиш учун ўз имкониятидан кенг фойдаланиш, керак бўлса, муаммони тегишли мутасаддилар олдига қўйиш каби янги тизимни шакллантириш вазифасини олдимишга қўймоқда. Бу, бир томондан, бошқарувнинг

энг куйи бўғини – маҳалла учун ишонч бўлса, бир томондан, масъулият ҳамдир.

Маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммолар бўйича талаб қўяди

Афсуски, маҳалла тизими ходимлари ҳамон ваколатига кирмайдиган вазифаларни бажаришга мажбур бўлмоқда. Натижада маҳалла ходимлари аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, томорқачиликни ривожлантириш, маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби ўзларининг бирламчи вазифалари билан шуғулланишига вақт ажрата олмаяпти.

Президентимиз бу борада ҳам алоҳида тўхталиб, ислоҳотларни энг куйи бўғинга етказишда маҳалланинг вазифалари нимадан иборат эканини маҳалла раислари тугул, туман ҳокимлари ҳам яши тушунмаслигини танқид қилди. «Маҳалла раисларини сайлаймиз, улардан кўп нарсани талаб қиламиз. Лекин бунинг учун маҳаллий раҳбарлар нима қиляпти, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Энди давлат идоралари ходимларининг моддий манфаатдорлиги одамларнинг розилигидан келиб чиқиб белгиладиган тизим қиламиз. Солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъул раҳбарлар маҳаллаларда ишлайди. Маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммолар бўйича уларга талаб қўяди. Ислоҳотларни энг куйи тизимда бажаришнинг асоси шу...», дея таъкидладилар Президентимиз.

Шу боис бу каби мавжуд муаммоларни буткул бартараф этиш ҳамда давлат идораларининг маҳаллада ўз ишларини тизимли равишда амалга оширишлари кераклиги бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди.

Маҳалла тизими ходимлари ойлиги оширилади, фақат...

– Қолаверса, муҳтарам Президентимиз юртимиздаги қайси оилага кирилмасин, аёлларни қийнаётган муаммо, албатта, ижобий ҳал қилиниши зарур экани, шу пайтга қадар бу жиддий масалага панжа орасидан қараб келингани, хотин-қизлар ҳолидан фақат байрамлардагина хабар олинганини куйиниб гапирдилар, – дейди вазир Раҳмат Маматов. – Шу боис мамлакатимизда «Аёллар дафтари» жорий этилгани, бундан буён хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг кайфияти, руҳий ҳолати билан тизимли равишда ишланиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла ходимлари ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликдан хабардор бўлиши, ушбу салбий ҳолатни жиноят содир этган шахснинг ота-онаси билан муҳокама қилиши кераклигини ҳамда бундан буён маҳалла тизими ходимларининг ойлик маошлари ҳудудда жиноятнинг жиловлангани, «темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари» билан ишлашдаги натижаларига қараб ошириб борилишини қайд этдилар.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари айтганидек, Президент бир йилда бир келиб, кўриб кетгани билан натижа бўлиб қолмайди. Ҳар бир ҳоким, иқтисодий комплекс раҳбарлари ҳудуддаги муаммолар бўйича тизимли ишлаши керак. Одамлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Маҳаллий кенгашлар, маҳаллалар талаб қилиши лозим.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиришлар киритилмоқда.

ЙИГИНЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИ... (МИ?)

Бугун камбағалликни камайтириш, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ҳамда «Темир дафтар»га киритилган фуқароларга ёрдам бериш муҳим масалага айланди. Уларга нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда ўз иш ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш орқали ушбу рўйхатдан чиқариш лозим. Шу мақсадда туманда ташкил этилган секторлар билан мунтазам иш олиб бормоқдамиз. Иш қизғин, режалар кўп бўлса-да, натижани кўриб руҳланамиз, фуқароларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлашга, кўмак беришга интиламиз.



Муҳиба МИРСАЙДОВА,
Чилонзор тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ўтган икки ҳафталик иш жараёнига назар солсак, қисқа вақтнинг ўзига 315 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар бандлиги таъминланди. Улар ўзига мос ишга жойлашди, шундан 3 нафари тадбиркорлик қилишни истади ва ўз бизнесини йўлга қўйишига амалий ёрдам берилди. Тадбиркорликка кенг имконият яратиш ҳар томонлама фойдали. Биргина фуқаронинг ташаббуси орқали бир нечта бекор юрган маҳалла аҳолиси ишли бўлади, ҳар иккала томон ҳам даромад қилади. Шу боис ҳозирда тумандаги ҳар бир маҳаллага бориб, тадбиркорликни ривожлантириш, ана шундай ташаббус билан чиққан фуқароларга керакли имкониятни бериш бўйича суҳбатлар ўтказмоқдамиз.

Кўп қаватли биноларнинг аксариятида ертўла қисми бўш турибди. Ҳеч ким фойдаланмайдиган ана шундай жойларни шахсан ўзим бориб кўрмоқдаман. Шароитни ўрганиб, фойдаланса бўладиган, ҳаво айланиши яхши, қуруқ, иссиқлиги етарли даражада бўлган жойларни тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган аёлларга беряпмиз. Улар билан биргаликда тикув цехи ёки бирор ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз.

Очиғи, жараён осон кечаётгани йўқ. Боиси бунга маҳалла аҳлининг розилиги ҳам керак. Уларда норозилик уйғотмаслик учун, аввало, бўш жой қайси маҳаллага қарашли бўлса, биз ўша маҳалла аҳолиси билан суҳбатлашяпмиз. Бундан маҳаллага нима фойда бўлишини тушунтириб, розилигини оляпмиз. Масалан, биргина маҳаллада кўплаб бекор ўтирган аёллар бўлади. Тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқарога кредит олишида ва ўша жойда иш бошлашида кўмак бериш орқали аёлларни иш билан таъминлаймиз ва «Аёллар дафтари»дан чиқаришга эришамиз.

Қолаверса, мазкур цехнинг даромади маҳалла фуқаролар йиғини ҳисоб-рақамига туширилади. Бу маблағ, ўз навбатида, тадбиркорга ва унинг ходимларига берилишидан ташқари, ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида ҳам ажратилади. Шунингдек, бу билан маҳалла фуқаролар йиғини ўзини ўзи таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Тадбиркорликка ўқитилмоқда

Айни пайтда туманда мавжуд 51 та маҳалланинг барчасида бу иш йўлга қўйилмоқда. Масалан, «Шарқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ободонлаштириш бўйича раис ўринбосари Камола Султонова ташаббуси билан йиғиннинг бўш хоналаридан бирида тикув цехи ишга туширилди. 60 мил-

лион сўм миқдорида кредит олиб, керакли тикув машиналари олиб келинди. Ҳозир маҳалладаги 5 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Иш кўламини ҳали кенгайтириш ниятидаги ходим ўзига ҳам, маҳаллага ҳам фойда келтиришга бел боғлаган.

«Хирмонтепа», «Катта Хирмонтепа», «Баҳористон» ҳамда Шухрат номли маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам шу каби тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган. Дилрабо Килдиева ҳам ўз қизиқиши ва интилиши билан тадбиркорликни йўлга қўйган аёлларимиздан бири. Бугун Шухрат номли маҳалла фуқаролар йиғини биносининг бўш жойидан унумли фойдаланаётган бу аёл нафақат хотин-қизларни, ҳатто йигитларни ҳам иш билан таъминлади. 12 нафар ходимни бошқараётган тадбиркоримиз болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Миллий маҳсулот сифатида ҳам арзон, ҳам сифатли болалар кийимлари маҳаллий бозорларда савдога чиқарилмоқда. 10 та тикув машиналарининг бирортаси бўш қолгани йўқ. Аёллар уйдаги юмушларидан бўш вақтида келиб, ишламоқда. Икки йигитимиз эса кийимларни қадоклаб, чиройли, бозорбоп кўринишга келтирмоқда. Очиғи, ана шундай натижани кўриб биз ҳам ишимиздан севинамиз.

Туманда Реабилитация маркази мавжуд бўлиб, унинг қошида Тадбиркорлик маркази ҳам фаолият юритиб келмоқда. Мазкур марказда хотин-қизларга бизнес қилишни ўрганиши учун шароит етарли. Куни кеча 18 нафар аёлни шу ерга тадбиркорлик сабоқларини олиши учун бепул ўқишга юбордик. Энди улар ишни нимадан ва қандай бошлаш ҳақида бир ҳафта давомида дарс олишади. Сўнг ўз бизнесини йўлга қўйишлари мумкин. Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда очилган ўқув марказида ҳам ёшлар турли йўналишларда ўқитилиб, касбга йўналтирилмоқда.

Ходималар малакиси оширилди

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан 51 та маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинари ташкил этилди. Унда маҳалла раислари, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила, хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар қатнашди. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарлар, ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлар ва ёшлар масалалари ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиларига ҳам алоҳида семинар ташкил қилинди.

Уч кун давом этган ўқув-семинарлари қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Асосийси, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари бугунги кунда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш баробарида, улар зиммасига юкланадиган вазифаларни чуқурроқ англадилар. Қандай қилиб иш самарасини ошириш, яхши натижага эришиш бўйича фикр ва мулоҳазаларга эга бўлдилар.

Биз фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Шу ўринда тумандаги депутатлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Ҳар гал депутатлар кенгашига моддий ёрдамга муҳтож оилалар ҳақида маълумот берамиз. Сўнг керакли ёрдамни кўрсатиб, муаммоларни бартараф этамиз. Ҳозир ҳам айнан шундай масала устида иш олиб боряпмиз. Тумандаги дори-дармонга муҳтож, кам таъминланган 70 нафар оиланинг рўйхатини ҳамда тегишли ҳужжатларини тайёрляпмиз. Депутатлар кенгаши тасдиқлаганидан сўнг уларнинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан пул маблағи ажратиб, керакли дориларни олишига кўмаклашамиз.



Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, бугун барча маҳаллаларда «Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» мезони жорий этилмоқда. Биз ҳам фармонда белгилаб берилган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда тумандаги 21 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳаммасида бирдек мазкур мезонни татбиқ этишга бел боғладик.



ЖИНОЯТЛАРНИ

ЖИЛОВЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ



Мураджон ЗУФАРОВ,
Яккасарой тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Аввало, ишни оилалардаги муҳитни соғломлаштиришдан бошладик. Боиси хонадон тинч, муҳит яхши бўлсагина уни обод дея оламиз. Шу мақсадда ажралиш ёқасига келиб қолган ва ҳали иши судгача етиб бормаган оилалар аниқланиб, тўлиқ назоратга олинди. Бу оилалар билан суҳбатлар ўтказилди, муаммолари ўрганилди. «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ҳамда «Бувижонлар мактаби» аъзолари ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришди. Ажралиш арафасидаги оилаларда тарбияланаётган 43 нафар вояга етмаган ёшларнинг келажақда баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун ҳам бу оилалар яралиши кераклиги аниқлаштирилди. Натижада 12 та оила мурасага келтирилди ва яраштирилди.

Хонадонларни обод ҳамда кўркам қилиш маданиятини тарғиб қилишга қаратилган тарғибот ишларида тумандаги 366 нафар кекса отахон ва онахонлар фаол иштирок этиб келмоқда. «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ва «Бувижонлар мактаби» жамоатчилиги кенгаши аъзолари ҳамда ижтимоий фаол нурунийларнинг хонадонма-хонадон юриб, суҳбатлар ўтказишда қатнашаётгани фойда бераётир. Қўллаб келишмовчиликлар жойида ҳал этилиб, оилалар ободлиги, озодлиги, осойишталиги таъминланмоқда.

Айрим хонадонлар турли хилдаги таъмирлаш ишларига муҳтож ҳолатда эди. Жорий йилда ана шундай хонадонларнинг барчасида 100 фоиз таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, тумандаги 245 та кўча тартибга келтирилди ва ободонлаштириш мақсадида 21 минг 450 туп дарахтга шакл берилди, оқланди. Бундан ташқари, 369 километр ариқ ва зовурлар тозаланиб, чиқиндихоналар тартибга келтирилди. Болалар ва спорт майдончаларини ободонлаштириш ҳам эътибордан четда қолмади. Боиси ёшлар, болалар бизнинг келажагимиз, эртамиз эгаларидир.

Профилактик тадбирлар кучайтирилди

Маҳаллаларда ёшлар билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, маънавиятини юксалтириш ва турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Қолаверса, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам тадбирлардан кўзланган яна бир мақсад ҳисобланади. Зеро, ёшлар билимини тўғри йўналтириш, уларни келажақда жамиятга ҳам, оиласига ҳам фойда келтирадиган касб эгасига айланишида катталарнинг ўрни бекиёс.

Афсуски, туманимизда жиноят содир этилаётган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Биз ана шундай криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллалар билан мунтазам ишлаб келмоқдамиз. Хусусан, «Жиноятларни жиловланишнинг янги тизимини жорий этиш тўғрисида» Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Миллий гвардия бошқармаси ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан

ҳамкорликда кўшма қарор имзоланди. Унинг ижроси доирасида Тошкент шаҳар ИИББ ва туман ИИБларининг навбатчилик қисмларида ишчи гуруҳлар тузилди. Мазкур ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллаларда содир этилаётган жиноятлар таҳлил қилинмоқда. Таҳлиллар натижасига кўра, туманимиз бўйича жами 4 та криминоген вазияти оғир маҳаллалар мавжудлиги қайд қилинди.

Ана шундай маҳаллаларда профилактика инспекторлари,

асосида «Меҳр-саховат» кўкрак нишони таъсис этилди. Яқинда тумандаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида жонкуярлик ва фидоийлик кўрсатиб келаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишлари билан кўпчиликка намуна бўлаётган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ходимлари, маҳалла

раислари ва уларнинг ўринбосарларига ана шундай «Меҳр-саховат» кўкрак нишони топширилди.

Жамиятимиз ривожига ва халқимиз фаровонлигига бефарқ бўлмаган мукофот эгаларига билдирилган ишонч келгусида соҳа доирасида ходимларнинг бундан-да ортиқроқ ютуқларга эришишида куч берса ажаб эмас. Айниқса, яратилаётган шарт-шароит, берилаётган имкониятлар маҳалла фуқаролар йиғинларида иш унумини оширади. Жумладан, туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими томонидан барча маҳаллаларга замонавий компьютер, принтер қурилмалари топширилди. Шунингдек, интернет тармоғи билан тўлиқ таъминланди.

Мазкур имконият ва имтиёзлар самараси ўлароқ, шу кунга қадар «темир дафтар»га киритилган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун берилаётган кўмак натижасида 1268 нафар фуқаро «темир дафтар»дан чиқарилди. Бу жараён ҳали давом этмоқда. «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқаролар билан ҳам мунтазам иш олиб борилмоқда ва бу бошқа туманлардаги сингари ўз самарасини бермоқда.

ДАРВОҚЕ...

«Саломатлик учун беш минг қадам» шиори остида ташаббускор нурунийлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкил этилган бўлиб, унда 1200 нафардан зиёд нуруний отахон ва онахонлар қатнашиб келмоқда.

Миллий гвардия ходимлари ва маҳалла раислари иштирокида ҳар куни йўриқнома ўтказилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, Жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тиғ», «Тузоқ», «Хавфсиз ҳудуд» ва бошқа комплекс тезкор-профилактик тадбирлар кучайтирилди. Ўтказилган чора-тадбирлар натижасида 17 та маҳаллада жиноятлар сонини камайтиришга эришилди.

Интернет тармоғи билан тўлиқ таъминланган

Президентимиз томонидан 2020 йил 26 майдаги «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармони



Тадбиркорлик соҳасида «ақлли назорат» модели жорий қилинади.

ШАҲАР ИЧИДАГИ «ШАҲАРЧА» БАРЧА СОҲАГА АЛОҚАДОР



Бугун ҳар бир соҳада олиб борилаётган ишлар бевосита маҳаллалар фаолияти билан алоқадор. Қайси йўналишда ислохотлар амалга оширилмасин, қандай лойиҳани амалиётга татбиқ этиш мўлжалланмасин, аввало, маҳаллалар билан боғланишади. Боиси фуқаролар айнан маҳаллада яшайди, фаолият юритади, кези келганда муаммоларини ҳам шу ерда ҳал қилишади.



Алишер ХОТАМОВ,
Бектемир тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Оддийгина мисол, ёшларнинг бандлигини таъминлашни олайлик. Ёшлар қаерда яшайди? Албатта, маҳаллада. Уларни кимлигини, қаерда, қандай оилада вояга етаётганини маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ва раиси билади.

Маҳалласиз ҳеч бир ташкилотнинг иши битмайди, доим нима масала бўлишидан қатъи назар, йиғин фаолларига мурожаат қилинади. Ечими ҳам айнан шу ерда кўрилади. Демак, маҳалла фақатгина йиғин эмас, у ҳар бир соҳага алоқадор, жамиятимизнинг муҳим бўғинидир. Биз ана шу бўғинни «шаҳар ичидаги шаҳарча», деб атаёмиз. Маҳалламизнинг ободлиги, унда олиб борилаётган ишлар, келгусида шаҳар, туман ва мамлакатимиз ривожланиши, равнақ топиши йўлида қўйилган мустақам пойдевор бўлади. Шундай кезларда Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлашга тизимга берилган эътибор нечоғли тўғри ва узоқни кўзлаб қилинаётганига яна бир бор амин бўламиз.

Кўп қаватли уйлар таъмирланди

Туманимизда 12 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Худудда 46 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва улар билан доимий иш олиб борилмоқда, аниқланган муаммолар ҳал этилмоқда. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳам юқори даражада бўлди, дея оламиз. Тумандаги 195 та кўп қаватли уйларнинг барчаси тўлиқ таъмирланди ва қишнинг совуқ кунларида аҳоли учун қулайликлар яратилди.

Биз ишсизлик масаласи билан алоҳида шуғулланяпмиз ва ҳозир ишсизлик деярли йўқ, бу бизнинг ютуғимиз. Шунга қарамай, хотиржамликка берилмаймиз, аксинча

аҳолига янада кўпроқ ёрдам беришга интиляпмиз. Бироқ ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ёрдам кўрсатиш натижасида фуқароларда боқимандаликни юзага келтирмаслик лозим. Шу сабабли, биз уларни ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши, бирор иш билан машғул бўлишига кўмаклашяпмиз. Керакли ускуналар учун кредит ажратишдан тортиб, бўш жой ижарасини ҳам ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламиз. Очиғи, туманимизда корхоналар, завод ва бошқа кичик ишлаб чиқариш цехлари мавжудлиги ишсизликни камайтиришда қўл келмоқда. Улар томонидан таклиф қилинаётган маош ҳам қониқарли даражада ва бу кўпчиликти бандлигини таъминлашда асқатмоқда.

Тадбиркорлик жиноятларнинг олдини олади

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида тумандаги тадбиркорлик қилиш истагини билдирган фуқароларнинг яшаётган хонадонининг маълум қисмини банкдан кредит олиш орқали «уй-меҳмонхона»ларга айлантириш таклифини бердик. Боиси худудда мавжуд бозор ва корхоналардаги иш имкониятлари вилоятлардан ҳам кўплаб одамларни жалб қилади. Бу эса, ўз навбатида, жиноятлар ортиб кетишига, аҳоли орасида турли муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Уй-меҳмонхоналар ана шундай инсонларга қулай, арзон ва хавфсиз бошпана вазифасини ўтайди. Қолаверса, келиб-кетувчилар ўша худуд маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва профилактика нозирлари назоратида бўлади. Бу ҳам тадбиркорликни кучайтириш, ҳам жиноятларни камайитиришга хизмат қилади деб ҳисоблайман.

Бўлимимиз ташаббуси билан туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва Миллий гвардия ходимлари билан худудимиздаги криминоген вазият таҳлил қилинди. Ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири, жиноятчилик ва унинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида «Нурафшон» ҳамда «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини худудлари ўрганилди. Маҳаллаларда юзага келаётган вазиятлар ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида қилиниши керак бўлган ишлар яна бир бор аниқлаштирилди. Бу кенг қамровли ишларни самарали олиб боришга йўл очди.

Ёшлар билан учрашув

Бугунги кунда вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш, улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ана шулардан бири ҳисобланади. Мазкур учрашув ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, «Суд ва ёшлар» учрашуви ҳам муҳим ибрат мактаби бўлди. Боиси учрашув давомида сайёр суд ташкил қилинди ва гиёҳванд моддаларни сақлаш, истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди. Таъсирли, мулоҳазага ундайдиган ҳамда ёшларни жиноят содир этишнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлашга йўналтирадиган видеоролик ҳам намойиш этилди. Учрашувда иштирок этган 150 нафар ёш ўзини қизиқтирган савол-

ларга жавоб олиш орқали керакли хулосани чиқарди ва таклиф ҳамда фикрларини билдирди.

Жиноят йўлига кириш сабабларидан бири бекорчиликдир. Ёшлар орасида жиноятларнинг олдини олишда, аввало, уларни нима билан машғуллигини аниқлаш зарур. Ишсиз йигит ва қизлар шу сабабли «Ёшлар дафтари»га киритилган. Уларнинг бандлигини таъминлашда туман Маданият марказида ташкил этилган бўш иш ўринлари «Меҳнат ярмаркаси» фойда берди. Ярмаркада «Ёшлар дафтари»га киритилган, вақтинча ишсиз бўлган мактаб битирувчиларига корхона ва ташкилотлар томонидан турли иш таклифлари берилди. Кўплаб ёшларимиз қизиқишидан келиб чиқиб, ўзига мос иш топди. Бу ёшлар бандлигини таъминлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ёшларни банд қилиш орқали уларни турли ҳуқуқбузарликдан йироқлаштириб, жиноят йўлига кирмаслигига эришяпмиз.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари учун «Инновацион ғоялар» кўрик-танлови ўтказилди. «Ёшлар ойлиги» доирасида бўлиб ўтган танловда ўқувчилар фаол иштирок этди. Ҳолибларга эсдалик совғалари ҳамда махсус диплом берилди.

Буларнинг барчаси ёшлар онгида ёт ғоялар шаклланишининг олдини олиш, илм олишга, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Зеро, биз ҳар бир ёш авлодни ана шундай тарбия қилсак, келгусида улар мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўлишига ишонамиз.



Тошкент шаҳрида ичимлик суви нархини ошириш таклиф этилди.



Кейинги йилларда маҳалла институтига қаратилган эътибор сабаб аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари фаоллари жойлардаги ҳар қандай муаммога ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, оилалар тинчлигини сақлаш, обод ва тинч маҳаллалар сафини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг ўзиёқ кўплаб муаммоларнинг олдини олишга замин яратмоқда. Бу борада Нукус шаҳрида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЖИНОЯТЧИЛИК ҲОЛАТИ ҲАР БИРИМИЗНИ ТАШВИШГА СОЛИШИ КЕРАК



Арманбай БЕКМУРАТОВ,
Нукус шаҳри ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ҳуқуқбузарликлар қачон камаяди?

Маҳаллаларда содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш доимий диққат-марказимизда. Хусусан, «Обод ва хавфсиз маҳалла», «Обод оила» шиорлари остида маҳалла фуқаролар йиғини раислари, мутахассислари, профилактика инспекторлари ҳамда уларнинг ёрдамчилари, маҳалла нуронийлари, «Фидокор ёшлар» гуруҳи аъзолари, кўчабошилари билан биргаликда худудда истиқомат қилаётган, айниқса, профилактик ҳисобда турган фуқаролар, нотинч ва ноқобил оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар билан мунтазам профилактик суҳбатлар ўтказилиб келинмоқда.

Таъкидлаш керак, инсонларни қийнаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар ўз вақтида ҳал этиб борилса, ҳуқуқбузарликлар ҳам камаяди. Шу боис Нукус шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи Перигул Абдимуратовнинг уйи ҳомийлар ва маҳалла фаоллари томонидан ҳашар йўли билан қайта қуриб берилди. Тўрт хонали уйнинг 2 хонаси тўлиқ битказилиб, уй томи шиферланиб, эшик-ойналари ўрнатилди. Иссиқлик ва сув тармоғи билан

таъминланди. Афросиёб кўчаси 25-уйда истиқомат қилувчи Мирзабой Ўтебаевнинг 5 хонали уйи ҳам тўлиқ ҳомийлар томонидан қайта қурилиб, битказилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун ердан унумли фойдаланишга ҳам эътибор берилляпти. Шаҳримиздаги 51 та маҳалладаги 49 минг 294 та томорқа ер эгаларига 1241,1 гектар экин майдонлари ажратилган. Шундан 625 гектарига сабзавот маҳсулотлари, 192 гектарига картошка, 84 гектарига донли, 30 гектар ёғли ва 138 гектарига бошқа экинлар экилди. «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида ўтган йили учта маҳалла, жорий йилда яна 4 маҳалла полиз экинларини экишга ихтисослаштирилди. Шунингдек, 1,2 гектар майдонда 102 та иссиқхона қуриб берилди.

Жиноятчилик ҳолатлари қандай?

Йил бошидан буён ўтказилган профилактик тарғибот ишлари натижасида «Қизилқум», «Жанна базар», «Дарбент», «Шиғис», «Ҳаво йўли», «Чимбой чойхона», «Дўстлик», «Сарбиназ», «Турон» ва «Боз овул» маҳалла фуқаролар йиғинларида жиноятлар сонини камайтиришга эришдик. Шунингдек, «Темир йўл», «Аланияз қаҳрамон», «Бойтерек», «Қос булақ» ва «Амударё» маҳалла фуқаролар йиғинларида жиноятлар сони барқарорлашди. Ушбу кўрсаткичларга эришиш йиғинлар раислари кенг жамоатчилик иштирокида кечки соат 18.00 дан 24.00 гача махсус рейдлар ташкил қилинди.

Рейдлар одамлар гавжум жойлар — бозорлар, савдо марказлари, байрамлар ташкил қилинадиган жойларда, спиртли ичимликлар

сотишга рухсат берилган дўконлар, кафе-ресторанлар, шаҳарнинг марказий кўчалари ва кўп қаватли уйлар атрофида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тадбирлар давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тегишли чоралар кўриломоқда, маст ҳолда жамоат жойларида юрган фуқаролар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, спиртли ичимлик сотиш билан шуғулланувчи дўконлар ва кафе-ресторанларнинг ўз вақтида ёпилиши назоратга олинмоқда.

Маҳаллалар бўйича содир этилган жиноятлар ҳақида гап кетганда, мақтанишга шошмас-

ДАРВОҚЕ...

Нукус шаҳрида бугунги кунда 41 та фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас. Шундан келиб чиқиб, дастур асосида 2020 йилда 6 та маҳалла идораси иморатларини қуриш, янги мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳозир 22 та маҳаллага ер ажратиб берилган. 2021 йилда яна 14 та йиғин учун янги бино қуриб битказилади.

лик керак, деган қарорга келамиз. Негаки, шаҳар худудида 65 нафар фуқаро руҳий касалликлар диспансерига мажбурий тарзда даволашга юборилган. Шу кунга қадар 504 нафар фуқаро пробация ҳисоби учун рўйхатга олинган. Жорий йилнинг 11 ойи давомида 23 та нотинч ва ноқобил оила аниқланган. Ушбу кўрсаткичлар бажаришимиз зарур бўлган ишларимиз кўп эканини, бу борада янада фаол, сергак бўлишимиз лозимлигини кўрсатади.

Таҳлиллар нимани кўрсатмоқда?

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролар йиғинларида, ўқув масканларида бой ҳаётий тажрибага эга нуронийлар, намунали инсонлар, спортчилар билан суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, жорий йил декабрь ойидан бошлаб Нукус шаҳри худудида «Тозалаш-анти-террор» махсус тадбири жорий қилиниб, барча маҳалла фуқаролар йиғинларида бу бўйича чоратадбир ишлаб чиқилди. Натижада ўтказилган тадбир давомида бир қатор жиноятларнинг, тартиббузарликларнинг олди олинди.

Масалан, битта хонадонда ўнга яқин фуқаронинг тўғлиниб, қимор ўйинини ташкил этгани аниқланди ва ҳолатга барҳам берилди. Айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, тадбирлар давомида спиртли ичимлик ичиб, жамоат жойларида тартибсизликни келтириб чиқарган, маст ҳолатда бир нечта оилавий можароларни юзга келтирган фуқароларга маъмурий қамоқ жазолари тайинланди.

Содир этилган жиноятлар таҳлил қилинганда, шу нарса ойдинлашдики, сўнгги пайтларда ўғрилиқ, хотин-қизлар ўртасида фирибгарлик жиноятлари кўпайган, спиртли ичимлик таъсирида тартибсизлик келтириб чиқариш ҳолатлари сони ошган, улар орасида ёшларнинг ҳам борлиги ачинарли, албатта. Шунингдек, ўтган йилга нисбатан ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари кўпайган. Бу, албатта, ҳар бир маҳалла ходимини мушоҳадага ундаши лозим.

Шу боис профилактик тадбирлар кучайтирилмоқда. Худудлар кесимида маҳалла фаолларининг иштирокида ҳам кечки сайр, ҳам назорат тамойили асосида тадбирлар амалга ошириляпти. Қилинаётган кенг кўламли ишларимиз ўз самарасини беришига ишонамиз.



Ўзбекистонда ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони икки баравар ошди.

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ ДОИМО УЙҒОҚ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Бугун жамиятимизнинг барча соҳаларида эркаклар билан бирдек хотин-қизлар ҳам ривожланишга, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшиб келяпти. Маҳалла тизими фаолиятида ҳам улар муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, Шуманай туманида давлат бошқарув органлари, корхона ва ташкилотларда 55 нафар аёл раҳбарлик лавозимида фаолият юритмоқда. Биргина олис тумандаги бу рақам юртимизда гендер тенглик тамойили ошиб бораётганини кўрсатади.



Дина ИБАДУЛЛАЕВА,
Шуманай тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ажралишларга нима сабаб бўляпти?

Тан олиш керакки, аксарият муаммолар оилавий низолардан келиб чиқади. Айнан шундай муаммолар сабаб кўп ҳолларда аёллар қийин вазиятда қолади. Шунини инобатга олиб, туманимизда, аввало, оилавий масалаларни ҳал этишга эътибор қаратяпмиз. Жумладан, ҳудуддаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирида «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилган.

Унинг муҳокамаларида эрта никоҳнинг олдини олиш, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, оила тушунчаси бўйича тажрибали ва намунали оила етакчилари, тиббиёт ходимлари иштирокида тушунтиришлар берилмоқда. Бу учрашувлар давомида фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фаол иштироки ва берган саволларидан уларга оила қуриш, фарзандли бўлиш, оила мустаҳкамлигига эришиш борасида кўпроқ тушунтиришлар бериш кераклиги ойдинлашмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда қиз олиб қочиш, қалин пули тўлаш, сарполар бериш, дабдабали тўйлар ўтказиш, келин-куёв ва куёв жўраларининг 14-15 та машинада айланишга чиқиши сингари одатларга барҳам берилмоқда. Чунки бу тўйларнинг кимўзарга ўтказилиши айрим «қўли калта» оилалар ўртасида тушунмовчиликлар, низоларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Бу борада фуқаролар йиғинлари фаоллари зиммасига

катта масъулият юкланган. Муаммо борми, демак, бу бизни янада сергак торттириши, масъулиятни бир сония бўлса-да, унутмасликка ундаши зарур.

35 нафар бола ота-онаси бағрида қолди

Рақамларга юзлансак. 2020 йилнинг 9 ойи мобайнида 270 та никоҳ қайд этилган. Жорий йилда 18 та оила ажралиш учун Фуқаролик судига ариза топширган, 13 таси яраштириш учун фуқаролар йиғинларига муурожаат қилган, 51 та оила қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётган бўлса, тушунтиришлар натижасида шу йилнинг 11 ойи мобайнида 18 та оила қонуний рўйхатдан ўтишига эришилди.

Афсуски, жорий йилда 28 та оила ажралиш ёқасига келиб қолгани аниқланган. Олиб берилган чора-тадбирлар эвазига уларнинг 16 тасини яраштиришга эришдик. Бу — шунчаки рақам эмас, уларнинг ортида 35 нафар бола ота-онасининг бағрида, ўз оиласида қоладиган — тирик етим бўлишининг олди олинди дегани!

Албатта, бундай масалалар ечимида катта ҳаётий тажрибага эга, ёши улуг отахон ва онахонларнинг кўмагига суянамыз. Масалан, яқинда худди шундай ажралиш ёқасига келиб қолган оиланинг аҳволи ўрганилди. Аниқланишича, жанжалнинг келиб чиқишига эркакнинг спиртли ичимликка ружу қўйиши оқибатида оиланинг моддий аҳволи оғирлашиб қолгани сабаб бўлган. Ушбу вазиятда маслаҳаттўй нуронийларнинг кўмаги билан оила сақлаб қолинди. Шунингдек, маҳалла томонидан оила аъзоларидан бирини ишга жойлаштириш ва ҳомийларнинг моддий ёрдами билан иқтисодий аҳволи яхшиланишига эришилди.

Ёшларга ўз вақтида тўғри йўл кўрсатиш керак

Туманимизда жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш

борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Шуманай тумани суди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари билан биргаликда фуқаролар йиғинларида «Менинг маҳаллам — менинг судьям» ғояси остида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбирларда кўпроқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг, ёш оилалардаги ажралишларга барҳам бериш борасида тушунтиришлар олиб борилди. Бунинг натижасида фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини таниши билан бирга, бурч ва масъулияти ҳақида ҳам тушунчага эга бўлди.

Яна бир жиҳат: туманимизда инсонлар, оила саломатлигига

вонтирди.

Албатта, соғлом она соғлом фарзандларни камол топтиради. Ана шундай баркамол авлодга тўғри йўлни кўрсатиш, ўз вақтида уларнинг кучини тўғри йўлга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабаб туманимиздаги мактабларда «Касбим — келажагим» шиори остида юқори синф ўқувчилари учун Мамий овулидаги синтетик халта ишлаб чиқарувчи «Пром-сервис» МЧЖга, туман марказидаги «Шуманай экотех» МЧЖга саёҳатлар ташкил қилиниб, уларнинг касбга бўлган тушунчаси шакллантирилди.

Аёллар тадбиркорлиги — эътиборда

Туманимизда ишлайман, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деб интилаётган ёшлар, хотин-қизлар жуда кўп. Улар билан суҳбатлар ўтказилиб, муурожаатларининг ижобий ечилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 11 ойи мобайнида туман банклари томонидан 74 нафар хотин-қизга 1 млрд. 568 млн. 346 минг сўм, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 6 нафар аёлга 163 млн. 200 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, Хотин-қизлар жамоат фонди томонидан 24 нафар аёлга 296 млн. сўм маблағ ажратилди.

Умуман олганда, тадбиркорликка берилаётган кенг имкониятлар сабаб бугунги кунга келиб, Шуманай туманида тадбиркорлар сони 678 нафарга етди. Шундан 223 нафари хотин-қизлар экани янада қувонарлидир. Тадбиркорларнинг кўпайиши янги иш ўринлари яратилиши, оилаларнинг фаровонлиги ва дастурхонимиз тўқинлиги гаровидир. Бунда эса маҳалла тизими ходимларининг ҳам ўрни борлиги бизни қувонтиради. Шу билан бирга, келгусида ушбу ишларни изчил давом эттириб, мавжуд муаммоларнинг барчасига барҳам беришни ўз бурчимиз, деб биламыз.

ДАРВОҚЕ...

Шуманайлик тадбиркор Шаҳрибану Юсупбаева 200 млн. сўм кредит олиб, «Шуманай Шаменай» МЧЖда 26 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Шунингдек, Гулимхон Юсупова 100 млн. сўм кредит эвазига корхона ташкил этиб, 11 нафар аёлнинг бандлигини таъминлашга эришди.

ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг асосида жисмоний тарбия, оиладаги соғлом муҳит катта аҳамиятга эга. Шу йўналишда тумандаги 50 дан зиёд корхона ва ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар ўртасида «Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадам» шиори остида тадбир ва жисмоний машқлар олиб борилди. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлари ўртасида волейбол бўйича, оилалар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ташкил этилди. Бунда хотин-қизларимизнинг фаол иштирок этгани бизни ку-

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида 37 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Худудда ўн минг нафардан зиёд ишсиз фуқаро бор. Ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг 11 ойи давомида 9 минг 494 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан, 2 минг 427 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.



ОДАМЛАР МАҲАЛЛА КЎМАГИНИ ҲАР ҚАДАМДА СЕЗИШИ КЕРАК



Эргашбай ҲАЛИМБЕТОВ,
Тўрткўл тумани ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Иш билан таъминлаш — бирламчи масала

Туманда хотин-қизлар бандлиги бўйича жорий йилда бир қанча ишлар амалга оширилди. Оилада аёлнинг иш билан таъминланишини рўзгорнинг бир тарафини кўтаришга қиёслаш мумкин. Чунки оилада аравани эр-хотин биргалликда тортиши кўп муаммоларнинг олдини олишга асқатади. Аммо ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ёлғиз қолган аёлларга ҳам жамиятимизда эътибор қаратиш биринчи ўринга қўйилган.

Бугунги кунда туманимизда 108 минг 530 нафар хотин-қиз бўлиб, шундан 2 минг 856 нафари ишсиздир. Ўрганишлар натижаси улар-

нинг аксарияти ишлаш фикрида эканини кўрсатмоқда. Шу боис жорий йилда 2 минг 856 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш борасида дастур ишлаб чиқилиб, бугунги кунда 2 минг 112 нафар аёл ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 894 нафари доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, «Устоз-шогирд» тизими асосида 44 нафари хунармандчиликка жалб этилди. Ўзини ўзи банд қилиш орқали 219 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Худуддаги аёлларни ҳаётга мотивациялаш ва касб ўрганиш бўйича маҳаллалар кесимида ишсиз, ишлаш истагини билдирган 169 нафар хотин-қизни касбга қайта ўқитиш мақсадида манзилли рўйхат шакллантирилди. Шу мақсадда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида «Марказобод» маҳалласида касб-хунарга ўқитиш маскани ташкил этилиши режалаштирилган. Бошланган ушбу саъй-ҳаракатлар келгуси йилда ҳам давом эттирилади.

Томорқа — ҳазина манбаи

Тумандаги 33 минг 379 та хонадонда 4 минг 345 га томорқа ерлари мавжуд. Ердан унумли фойдаланиш ҳам оиланинг иқтисодий кўрсаткичини яхшилаши мумкин. Бунинг учун меҳнат қилиш талаб этилади. Шундайлар борки, томорқаси катта бўлса-да, ундан фойдаланмайди. Аксинча кичкина томорқадан йил давомида уч марталаб фойда кўрадиган ишбилармонлар ҳам йўқ эмас. Биз ана шундай инсонларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашишни ҳам йўлга

қўйганмиз. Натижада бугунги кунда ўз томорқасидан яхшигина фойда олаётганлар сони кўпайган. Айниқса, иссиқхона ҳадисини олган оилалар даромади йилдан-йилга яхшиланиб бораётир.

Худудда чорвачилик ҳам ривожланган. Чунки бизда қадимдан чорва билан шуғулланиш анъанага айланган. Ҳар бир хонадонда чорва молларининг бўлиши оила бойлиги ҳисобланади. 25 мингта хонадон айнан чорвачилик билан шуғулланиб, қорамолдан тортиб, туягача парваришлайди. Бу дега ни, гўшт маҳсулотлари туманнинг ўзида етарли. Шунингдек, паррандачилик, қуён етиштириш, асаларичилик ва балиқчилик тармоқлари ҳам ривожланган.

Фуқароларнинг бандлиги таъминлангани, улар доимий равишда меҳнат билан машғуллиги туфайли худудда жиноятчилик кўрсаткичлари камайди. Хусусан, қасддан одам ўлдириш, талончилик, товламачилик ва босқинчилик жиноятлари содир этилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, «Наврўз», «Анҳорли», «Ёнбошқалъа», «Пахтаобод», «Атауба», «Машъал», «Богёп», «Отаюрт», «Туркистон» ва «Янгиобод» маҳаллаларида умуман жиноят содир этилмади.

Спорт — узоқ умр гарови

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқаролар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Файратли кексалар» спорт гуруҳлари тузилиб, кексаларнинг ёши ва ҳолатига қараб, улар жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳамда фаол турмуш тарзини юритишга жалб этилмоқда.

Спорт — узоқ умр кўриш кафолатидир. Шу боис аҳолининг мунтазам спорт билан шуғулланиши борасида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада нуронийларимизнинг фаолияти ўрнак бўлаётир. «Ёшлик» истироҳат ва дам олиш маскани, «Богёп» канали, фуқаролар йиғинларида жойлашган 65 та мактабнинг

спорт майдончаларида ҳар куни кечки пайт «Саломатлик учун 5000 қадам» шиори остида 1 соат пиёда юришлар ташкил қилинган бўлиб, 20 та маҳалладан 200 нафарга яқин фуқаро ҳар куни иштирок этади.

Шунингдек, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратилмоқда. Маҳаллаларда «Футболимиз келажаги», «Маҳалла футболу» ва «Чарм тўп» мусобақаларини ўтказиш доимийлик касб этган. Ютуқлар ҳам кўп куттириб қўймапти. Жумладан, 13-14 ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган «Маҳалла футболу» мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида туманимизнинг «Туркистон» йиғини ёшлари жамоаси 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

Қолаверса, «Обод ва хавфсиз маҳалла» мезони асосида маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ёшларда она табиатга, ерга меҳр уйғотиш, уларда боғ яратиш кўникмасини ҳосил қилишда кекса авлод вакилларининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда «Фарзандларимга мендан боғ қолсин!» акцияси доирасида жорий йилда 9 та боғ барпо қилинди.

Бундан ташқари, туман маданият бўлими билан ҳамкорликда «Нурли наволар» фольклор фестивали ўтказилиб, 37 та фуқаролар йиғинидан кўғирчоқбозлар ва фольклор жамоалари иштироки таъминланди. Унда Уллибоғ овули фольклор жамоаси 1-ўринни эгаллади.

* * *

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳада ишлар авж палласида. Барчаси инсон манфаатлари учун қилинмоқда. Тизимда шаффоқлик, адолат ва жонқуярлик бўлар экан, халқнинг жамиятга ва эртанги кунга ишончи янада ортаверади. Бунинг учун бор имкониятларни ишга солиб, халқ манфаати учун сидқидилдан хизмат қилиш керак.

ДАРВОҚЕ...

Тўрткўл туманида 1 минг 288 та эҳтиёжманд ва камбағал оила мавжуд бўлиб, мазкур оила аъзоларининг 1 минг 342 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 35 нафари бўш иш ўринларига, 76 нафари ўзини ўзи банд қилиб, 45 нафари бошқа ишларга жойлаштирилди.

Бюджет ходимларига 1 январдан моддий рағбатлантириш пули тўланиши тикланади.



Бугунги кун ҳар биримизни замон билан ҳамнафас, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашга ундаяпти. Бу ўринда, аynикса, бир маҳаллада жамланган турли-туман кишиларнинг қувончу ташвишлари билан елкадош бўладиган инсонлардан кўпроқ малака, маҳорат, масъулият ва фидойилик талаб қилади. Маҳалла идорасини, таъбир жоиз бўлса, «маҳалланинг дарсхонаси» деб атаган бўлардим.



ОДАМЛАРНИ ШУНЧАКИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР БИЛАН АЛДАБ БЎЛМАЙДИ



Муқаддасхон ҚУРБОНОВА,
Асака тумани ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Фаолиятимизнинг асосини аҳоли билан ишлаш ташкил қилади. Биз уларнинг саволларига жавоб, муаммоларига ечим топиб бера олишимиз учун ҳамқадам, керак пайтда улардан бир қадам олдинда бўлишимиз зарур. Бунинг учун ҳар бир ходим ҳар куни ўз устида ишлаши, изланиши керак. Зеро, бугун халқимизнинг тафаккури, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Одамларимиз сиёсий жараёнлар, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар шиддатида анча тобланган, улар ҳар қачонгидан кўра фаол, ўз фикрини бемалол очиқ айтиб, керак бўлса, раҳбарларга ҳам баҳо берадиган даражага етган. Бу, албатта, энди одамларни шунчаки қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмаслигини, уларга амалий ишларимизни кўрсатиш вақти келганини англатиб, олдимизга катта масъулият ва вазифаларни кўяди.

Қарийб 2,5 мингта иш ўрни яратилди

Асака тумани саноатлашган ҳудуд саналади. Деярли ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқариш корхонаси, паррандачилик, чорвачилик комплекслари, қайсидир соҳага ихтисослашган цехлар фаолият юритади. Шунга кўра, аҳолининг аксарият қисми ана шу йўналишларда меҳнат қилиб, оиласи фаровонлигини таъминлаётир. Янги иш ўринларининг кўпчилик қисми ҳам шу соҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Рақамларга юзлансак. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманни комплекс ривожлантириш дастури доирасида 52 та лойиҳа

амалга оширилиб, 2 минг 497 та янги иш ўрни яратилди. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасида 746 та янги иш ўрни ташкил этилди. Мисол учун, «Меҳнатобод» маҳалласи ҳудудида «Барака ҳамкор парранда» хусусий корхонаси томонидан 80 миллиард сўм маблағ ҳисобига паррандачилик комплекси ташкил этилиб, бу ерда 250 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди.

Худди шундай, «Қамолот» маҳалласида «Асака текстил» МЧЖ томонидан умумий қиймати 468,7 миллиард сўм бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 800 нафардан ортиқ ишсиз аҳоли бандлиги таъминланади. Бу — қисқа муддат ичида шунча оиланинг рўзғори бут, дастурхони тўқин, хонадонига барака киради, дегани.

Қармоқ эмас, балиқ беринг!

Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули — аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бошқача айтганда, камбағалликни камайтириш учун одамларга балиқ эмас, қармоқ бериш керак. Хўш, биз қайси йўлни танладик?

Ўрганишлар давомида «темир дафтар»га киритилган оилалардаги 24 минг 950 нафар аҳолининг 5 минг 864 нафарини меҳнатга лаёқатли ишсизлар ташкил этади. Бугунги кунгача 5 минг 624 нафар (95,8 фоиз) фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. Бунда улар ишлаб чиқариш корхоналарига жалб қилинди, имтиёзли кредитлар эвазига оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди, ўзини ўзи банд қилиш орқали рўзғорини бутляпти.

Яна бир гап: аксарият аҳоли ўз хонадонидан чиқмаган ҳолда ишли бўлмоқда. Гап шундаки, туманда кам таъминланган ва «темир дафтар»га киритилган аҳолига янги ташкил этилган кластер корхоналари томо-

нидан кооперация усулида 775 минг бош гўшт йўналишидаги парранда, 1 минг 404 та куён ҳамда 1 минг 61 бош эчки тарқатилди. Бунинг ҳисобига 600 тонна парранда ва 25 тонна куён гўшти етиштириш билан йиллик истеъмол талаби ҳам ортиғи билан бажарилиши кутиляпти. «Сендан угина, мендан бугина» деганлари бу.

Шароит яхши бўлса, хотиржамлик бўлади

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, яшаш учун, ишлаш учун қулайликлар яратиш ҳам доимий эътиборда. Жумладан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида Амир Темур, Улуғбек ва Бобур номли маҳаллаларда намунавий лойиҳалар асосида 90 та хонадондан иборат

39 минг 690 та хонадон суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Жорий йилда табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 2,8 километр ўрта босимли газ тармоғи жорий таъмирланди.

Ҳисобот даврида 5 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳомийлик асосида таъмирланган бўлса, яна 11 та йиғин биноси давлат-хусусий шериклик асосида қайта қурилмоқда. Бугунгача «Ғанчиюз», «Юқори Бўз», «Қовоқ тўпи», «Қамолот» ҳамда Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар «Навкан» ва «Эргашобод» маҳаллалари биноси фойдаланишга топширилади.

«Ерни боқсанг, ер сени боқади»

Асакаликлар орасида «Ерни боқсанг, ер сени боқади» деган нақлга амал қилиб, томорқасидан йил давомида уч-тўрт марта ҳосил етиштираётган, ҳатто уларни чет элга экспорт қилаётган омилкорлар ҳам кам эмас. Томорқачиликнинг ривожланиши одамларнинг яхши турмуш кечириши, қўшимча даромад олиши, озиқ-овқат мўл-қўлчилигига эришиш, оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Боғдорчилик борасида ҳам асакаликларнинг олдига тушадигани йўқ. Худуддаги узумчилик хўжаликларидега етиштирилаётган маҳсулотлар нафақат туман, вилоят бозорларига, балки қўшни республикалар аҳолисига ҳам тортиқ этилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва таҳлилга тортилган ишлар денгиздан томчи, холос. Каттагина туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монелик қиладиган катта-кичик муаммолар ҳам йўқ эмас. Бўлимимиз томонидан тизимнинг паст-баланд жиҳатлари чуқур ўрганилиб, 2021 йилдаги давлат дастурлари орқали адо этиш вазифалари режалаштирилмоқда. Асосийси, биз ҳаракатдамиз ва маҳаллани халққа янада яқин қилиш йўлида ҳамisha изланамиз.

ДАРВОҚЕ...

«Саховат ва кўмак» жамғармасига саховатпеша тадбиркорлар томонидан шакллантирилган 3 миллиард 390 миллион сўм ҳомийлик маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд ва оғир аҳволга тушиб қолган 4 минг 713 оилага озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли дори-дармонлар етказиб берилди.

5 қаватли уйлар қурилди. Миллий меъморчилик асосида қурилган тураржойлар қанчадан-қанча уйга эҳтиёжманд, йиллар давомида ижарама-ижара сарсон юрган оилаларга муносиб совға бўлди.

Шунингдек, жорий йил туманда 160 километр автомобиль йўллари, жумладан, 28 километр қисми мукамал, 132 километр узунликдаги кўчалар эса жорий таъмирланди. Туман бўйича 53 минг 659 та хонадон бўлиб, шундан 13 минг 964 та хонадон табиий газ, қолган

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ ҚУЙИ БЎГИНДАН БОШЛАНАДИ

Бир инсоннинг ҳаётдан мамнун яшаши учун нима керак? Тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, дерсиз?! Тўғри, булар — бирламчи омиллар. Бироқ одамлар билан мулоқот қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш, оғирини енгил қилишда ҳикмат кўп. Буларсиз юртдошларимиз қалбида шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш бир қадар мушкул. Бугун Бўстон тумани маҳаллаларида ана шу тамойил асосида иш фаолияти юритилмоқда.



Камолиддин МАҲАММАДЖОНОВ,
Бўстон тумани ҳокими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Муносиб шароит ишчанлик қобилиятини оширади

Албатта, шароит бўлмаган жойдан натижа кутиш ноўрин. Қачонки, ишлаш учун қулай муҳит, етарли шарт-шароит, имкониятлар бўлсагина, киши ўз ишидан роҳатланади, янада ғайрат билан меҳнат қилади. Буни, айниқса, маҳаллалар мисолида олсак, аҳамияти янада ортади. Шу мақсадда туманда ҳам йиғинлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими фаолиятини самарали ташкил этиш учун 10 та хонадан иборат, барча қулайликларга эга бўлган янги бино қурилиб, 22 март — «Маҳалла тизими ходимлари кунини» да фойдаланишга топширилди. «2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур»га кўра, жорий йилда тумандаги 6 та маҳалла биносини қуриш белгиланган эди.

Айтиш керакки, жорий йил давомида «Янги қишлоқ», «Гузар»,



«Янгиобод», «Наврўз», «Бўстон», «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси замонавий тарзда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, барча йиғинлар замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланди. Албатта, бу каби шароитлар эндиликда маҳаллани том маънода халқчил тузилмага айлантириб, одамларга янада яқинлаштиради.

Бўз ерлар обод масканга айланди

Бир замонлар шўр босган, қум барханларидан, ботқоқликлардан, қамишзор ва бўз ерлардан иборат бўлган бу жойларга одамларнинг кўчиб келиб, ерларни ўзлаштириши натижасида гуллаб-яшнаб, аввалги чўл номидан асар ҳам қолмаган. Тумандаги бўз ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли ҳудуд нафақат обод масканга айланди, балки бу ерда томорқадан фойдаланиш бўйича ўзига хос тажриба мактаби ҳам яратилди.

Бунда аҳолига томорқа хўжалиklarини юритишда яқиндан кўмак берилаётгани айни муддао бўляпти. Яъни махсус ишчи гуруҳлари хонадонларга кириб, ердан фойдаланишдаги самарали усуллар, имтиёзли кредитлар ажратиш, томорқа эгаларига арзон баҳоларда уруғлик ва мевали дарахт кўчатлари, минерал ўғитлар етказиб бериш каби масалалар бўйича тушунчалар беряпти, бу борада мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Ҳар бир оилада ўтказилган мулоқотлар, табиийки, ўз самарасини кўрсатмоқда: чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона қуриш, боғдорчилик, асаларичилик тармоқларини йўлга қўйиш учун кредитлар йўналтирилди.

Жумладан, ўзини ўзи банд қилиши учун кластерлар томонидан 729 та оилага 49,6 минг бош товук, 120 та оилага 240 бош эчки, 133 та оилага 665 та қуён, 4 та оилага 40 та асалари оиласи ҳамда 201 та оилага 573,8 млн. сўм миқдоридидаги субсидия маблағ-

лари ҳисобидан иссиқхона қуриб берилди. Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган 207 та оилага такрорий экин экиш учун ғалладан бўшаган майдонлардан 15-20 сотихдан, жами 28,2 гектар ер майдони ажратиб берилиши натижасида уларнинг иқтисодий шароити яхшиланди.

Муаммоларга ечим топиш вақти келди

Инсон ҳаётда доимо яхши яшашни истайди. Оиласи тинч, дастурхони тўкин, фарзандларининг қорни тўқ, усти бут бўлса, ўзини бахтли санайди. Бунинг учун нима керак? Албатта, бунда унинг бирор касб-хунарга эга бўлгани, бандлиги таъминлангани муҳим роль ўйнайди.

Туманда 11 та касб-хунарга ўқитиш маркази, 10 та маҳалла

дардини айтолмай юрган қанчадан-қанча аёллар кўз ўнгимизда гавдаланади. Боқувчисини йўқотиб, жўжабирдай жон бўлган болаларининг кўзига термилиб, ғойибдан умидвор бўлиб турган оналар жонланади ҳаёлимизда. Одам савдоси қурбони бўлган, оилавий зўравонликлардан эзилган опа-сингилларимиз ёдга тушади. Санайверсак, саноғи тугамай-диган муаммоларга ечим топиш вақти келди.

Жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган хатлов натижасида туман бўйича жами 362 нафар ишсиз аёл «Аёллар дафтари»га киритилди. Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 89 нафари ишлаб чиқариш корхоналарига, 17 нафари мебель цехига, 29 нафари таълим, 16 нафари тиббиёт муассасаларига, 7 нафари туман ободонлаштириш бўлимига, 20 нафари бошқа йўналишларга йўналтирилди ҳамда 15 нафар аёлга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди.

Худди шундай, «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 1 минг 472 нафар аъзоси ҳам оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, ўзини ўзи банд қилиш, такрорий экин экиш каби йўналишларда ишга жойлаштирилди.

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

Инсон ҳаётдан қачон рози бўлади? Қачонки, у ўз уйига эга бўлса, оиласи билан тинч-тотув яшаса. Халқимизнинг яхши одати бор — топганини тўйга, иморат қуришга сарфлайди. Фарзандлари келажак учун пойдевор қўяди. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Кундалик турмушимизда оғир ижтимоий вазиятда яшаётган, йиллар давомида ижарама-ижара сарсон бўлган оилалар ҳам кам эмас.

Бўстон туманида ана шундай оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 5 нафар аёлни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Хўжаобод тумани А.Набиев массивида қурилаётган уйлар учун туман ҳокимлиги томонидан бошланғич бадал маблағлари молиялаштирилиб берилди. Шунингдек, «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кўп қаватли уй қурилиб, 2020 йил бошида фойдаланишга топширилди. Бу билан уй-ташвишлари енгиллашган, мушкулга ечим топган оилалар янги орзу-умидлар билан яшайди, эртанги кунга ишончи янада ортади. Куч-ғайрати, билими, шижоатини эл-юрт фаровонлиги йўлида сарфлайди.

ДАРВОҚЕ...

Бўстон туманида 25 та маҳалла фуқаролар йиғинида 14 086 та хонадон, 17 999 та оила, 71 961 нафар аҳоли истиқомат қилади.

аҳолисини касб-хунарга ўқитиш маскани фаолияти йўлга қўйилгани айни мақсадларга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, бугунгача касб-хунарга ўқитилганларнинг 65 нафари ишга жойлашган бўлса, 23 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Шу билан бирга, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 570 нафар фуқарога тавсиянома берилиб, шу асосда бугунгача уларнинг 411 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди.

«Аёллар дафтари»... Шу онда бу дафтар орқали олис ҳудудларда ўз ташвиш-ўйларига ўралашиб,

Сўнгги йилларда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш, уни том маънода халқчил тузилмага айлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилдики, бунинг натижасида бугун маҳалла аввалгидек одамлар шунчаки келиб-кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди.



ИСЛОҲОТЛАР

ҲАР БИР ХОНАДОН, ОИЛАДА БЎЙ КЎРСАТАЁТИР

Ўз навбатида, маҳалла тизимига ишга келган ҳар бир шахс, аввало, ҳудуддаги аҳоли фаровонлиги, кишилар турмуш шароитини яхшилаш, барчани бир мақсад сари бирлаштириш сингари вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу ишлар эса табелда кўрсатилган саккиз соатлик иш вақтига сиғмайди. Шу боис ҳар бир йиғин ходими ишнинг барча масъулиятини ҳис этган ҳолда ишга киришган.

Аёллар бандлиги — оилалар фаровонлиги демакдир

Аёлга бўлган муносабат оила ва жамиятдаги маънавият ва маданият даражасини белгиловчи омиллардан биридир. Шу боис биз оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллани обод ва хавфсиз ҳудудга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз негизда бу масалага алоҳида эътибор қаратяпмиз. 100 нафардан зиёд фаол аёл жамоатчилиги асосида ижтимоий кўмак кўрсатиш учун нотинч оилаларга бириктирилди.

Ёшлар ўртасида эрта турмушнинг олдини олиш, ёш оилалар ўртасида оилавий ажралишларга йўл қўймаслик мақсадида «**Фахрийлар ибрати**» маслаҳат кенгаши ташкил этилиб, профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «**Оилаларни мустаҳкамлаш кун**» сифатида белгиланиб, ажралиш ёқасига келиб қолган ёш оилалар муҳокама этилиб, яраштириш чоралари кўрилмоқда. Биргина жорий йилда «**Фахрийлар ибрати**» маслаҳат кенгашида 48 та ёш оиланинг оилавий келишмовчиликлари муҳокама этилиб, 35 таси яраштирилди, 9 тасига муддат белгиланиб, 4 та оиланинг иши фуқаролик судига ҳавола этилди.

Аёллар бандлиги — оилалар фаровонлиги демакдир. Шу боис ҳисобот даврида 7 минг 314 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Шундан жорий йилда 28 та кичик тикувчилик цехи ташкил

этилиб, 286 нафар аёл ишга жойлаштирилди. 158 нафар хотин-қиз «Хунарманд» уюшмасига аъзоликка жалб қилинди. Хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига туманда хотин-қизлар учун 316 та иш ўрни яратилиб, хунарманд аёллар томонидан «Уста-шогирд» йўналишида ўқув қўрсатилган ташкил этилди, 357 нафар қиз хунармандларга бириктирилди.

Шунингдек, 2020 йилнинг 11 ойи давомида 63 та йиғин ҳудудда субсидия асосида 312 та иссиқхона ташкил қилиниб, 312 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Пиллачилик соҳасида эса 3 минг 200 нафар опа-сингилларимиз банд.

«Жиноятни жиловла» — қандай тамойил?

«Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!» Бундай юксак туйғу ҳар бир фуқаро тафаккуридан чуқур ўрин олиши зарур. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда «**Жиноятни жиловлаш**» тамойили асосида иш



олиб борилмоқда. Жиноят содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида ички ишлар органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва мутасадди идоралар ҳамкорлиги тизими яратилган.

Хусусан, 2020 йил 11 ой давомида жиноят қилган шахсларнинг рўйхати **маҳалла кесимида** шакллантирилиб, содир этилган жиноятларни **маҳалланинг ўзида**

муҳокама қилиш бўйича **кунлик назорат** ўрнатилди. Унга кўра, ҳудудда ҳисобот даврида жиноят қилинув соҳасида содир этилган **161** та жиноятдан **158** таси кенг жамоатчилик жалб қилинган ҳамда сектор раҳбарлари бошчилигида муҳокама қилинди. Бу эса ўз самарасини бермасдан қолмаяпти.

ДАРВОҚЕ...

Туманда **63** та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, **61** минг **496** та оилада **236** минг **401** нафар аҳоли истиқомат қилади.

Одамлар розилиги қачон таъминланади?

Ободлик, орасталик, бунёдкорлик — халқимизга хос фазилатлардир. Буни ҳар ким, ҳар кун амалга ошириши одатга айланган. Агар бу ҳолат оммавий ҳаракатга айланса, нафақат хонадонлар, балки бутун маҳаллалар, туман ва вилоятлар ҳам ободликка юз тутаяди. Шу жиҳатдан, «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «**Обод хонадон**», «**Обод кўча**», «**Обод маҳалла**» тамоилларини амалга ошириш мақсадида уч ойлик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Ушбу

ҳаракат давомида 2 минг 37 та хонадонда жорий таъмирлаш ва тартибга келтириш, 537 та кўча, 54 та қабристон, 3 та зиёратгоҳ ва муқаддас қадимжон ҳамда 108 та ижтимоий соҳа объектида ҳашар йўли билан жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Одамларнинг кундалик муаммоларига ечим топиш, яшаш шароитларини яхшилаш — бугунги кун

Қаҳрамон АКБАРОВ,
Избоскан тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

талаби. Зеро, ҳар ким яхши шароитда, қулай муҳитда яшаш ҳуқуқига эга. Айни жиҳатдан қараганда, йил бошида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси туманда 68,2 фоизни ташкил этарди. Бу эса, ўз навбатида, қанчадан-қанча оилалар ичимлик сувига зор яшаётгани, қанчадан-қанча томорқалар сувсизликдан қақраб ётганини англатади.

Айни ҳолат ҳисобга олиниб, йил давомида 21 та маҳаллага пудратчи ташкилот бириктирилиб, 12 та сув қудуғини қуриш, 11 тасини реконструкция қилиш, 170 км. сув тармоғини яхшилаш ишлари олиб борилмоқда. Белгиланган ишлар охирига етказилса, туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 21 фоизга ортиб, 89 фоиз аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.

Шунингдек, жорий йилда ички хўжалик йўлларида 10 минг 475 км. масофада 1 млрд. 140 млн. 140 минг сўмлик ишлар бажарилди. Жумладан, 4 минг 160 км. йўллар асфальтланди, 6 минг 315 км. масофага шағал тўкилди. Қолаверса, сектор раҳбарлари ҳомийлигида 1 минг 397 км. масофадаги ички йўлларда шағаллаш ишлари амалга оширилди.

* * *

Бугун ҳар бир раҳбарнинг ҳар бир хонадонга кириши, одамлар дарду ташвишларини ўз муаммосидек чуқур ўрганиши ҳаётий заруратга айланди. Зотан, қаерда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилса, хатоликлар камаяди, ҳудуд ривожланади. Бу эса ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётдан мамнун бўлиб умргузаронлик қилишини таъминлайди. Жумладан, избосканликлар ҳам бугунги ўзгариш ва янгиланишлардан мамнун. Зеро, ислоҳотлар бугун уларнинг ҳар бирининг оиласида, хонадонидан, маҳалласида бўй кўрсатаётир.

«Mahalla» мухбири
Санжар Исмаилов ёзиб олди.



Тошкент кўчаларида тирбандликларни камайтириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

МИНГГА ЯҚИН ФУҚАРО ЁЗИНИ ЁЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАҲС СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТДИ

«Кнауф Бухоро гипс» (Германия) хорижий корхонаси нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорида ўзининг қуруқ гипс аралашмалари ва гипсокартон қопламалари билан машҳур. Одатда, бундай замонавий корхона яқинидаги унга муносиб рақобат қилишга чоғланган ишлаб чиқариш субъектига осон эмас. Лекин масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон–Хитой «Бухоро Гипсум» қўшма корхонаси раҳбарияти етти ўлчаб, бир кесган ҳолда қийин ишга қўл урди.



транс», «Trans Tehno Injenerinc», «Ҳайдарбек Парвинабону» сингари 11 та корхонада умумий қиймати қарийб 54 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳалари якунланди. Улар самарасида мебель, бўёқ, майдаланган тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш, металл буюмларга ишлов бериш ва қатор

Мусаввира ШАЙДОЕВА,
Когон шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Қўшма корхона ўтган йилнинг декабрида умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларилек бунёдкорлик лойиҳасини амалга оширди. Бу – вилоятда хорижий инвестиция иштирокидаги энг йирик бизнес ҳамкорлик самараларидан бири.

– Мамлакатимизда қурилиш қўлами тобора кенгаётгани боис замонавий ва тежамкор бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда, – дейди қўшма корхона раҳбари Жамҳур Мажидов. – «Бухоро Гипсум» ҳам мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш бозорида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилляпти. Бу борада катта захирага эга хомашё конимиз борлиги ва цехларимиз замонавий хориж технологик ускуналари билан жиҳозлангани муҳим омил бўлаётир. Корхонамиз йилига 160 минг тоннагача қуруқ гипс аралашмаси ва 10 миллион погонometr гипсокартон қопламалари ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Пандемия шароити қийинчиликларига қарамай, корхонада ишлаб чиқариш қуввати босқичма-босқич ўзлаштирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида «Бухоро Гипсум» 100 минг тоннадан зиёд қуруқ гипс аралашмалари ва 6 миллион погонometr гипсокартон қопламалари тайёрлади. Мазкур маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топди. Хорижий буюртмачилар рўйхатидан Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистон мустақам ўрин олган. Дарвоқе, уларга кейинги 8 ойда 900 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб берилди.

Айтганча, сифат ҳар қандай корхонанинг обрў-эътиборини белгилайди. Истеъмол бозорида «Бухоро Гипсум»нинг нуфузи

баланд. Айна пайтда бу субъект ўз маҳсулотларининг қалбакилаштирилиши олдини олиш мақсадида уларни «Демир Бренд» тамғаси билан ишлаб чиқармоқда.

Яна бир жиҳат. Қўшма корхона жамоаси бозор талабларини ўрганган ҳолда ва гипсокартон ишлаб чиқариш ҳажминини яна 10 миллион погонometrга ошириш мақсадида янги цех фаолиятини йўлга қўйди.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Бизнес-режани амалга ошириш натижасида яна камида 40 кишининг бандлигини таъминлаш, умумий ишчи-мутахассислар сонини 108 нафарга етказиш кўзда тутилган.

Инвестиция – замонавий маҳсулот, бозор тўқинлиги, янги иш ўринлари

Кейинги саккиз ойда «Когон нон» хусусий корхонасининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин ошди. Бунинг асосий омил бу ерда инвестиция лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилгани билан боғлиқ.

– Корхонамизни кенгайтириш

“**Илгари корхона бир ойда 10 тонна унни қайта ишлаган. Жорий йилдан бошлаб, бу кўрсаткич 34 тоннани ташкил этаётир.**”

ва маҳсулот турларини кўпайтириш муаммоси кўп йиллардан буён кўндаланг турарди, – дейди кичик бизнес субъекти иш юритувчиси Мурод Шахдилов. – Аммо масалани ҳал этишга молиявий имкониятимиз чеклангани монелик қилди. Ниҳоят, масала шаҳар ҳокимлиги томонидан

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 4 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида Инвестиция дастурига киритилди. Банкдан олинган 300 миллион сўмлик кредит ва ўз маблағларимиз ҳисобига қайта қуриш эвазига корхонани кенгайтирдик. Унинг цехлари «Восход» (Россия) компаниясининг нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик ускуналари билан жиҳозланди.

Илгари корхона бир ойда 10 тонна унни қайта ишлаган. Жорий йилдан бошлаб, бу кўрсаткич 34 тоннани ташкил этаётир. Ёки бошқа мисол. Ҳозирги пайтда маҳсулот ассортимент рўйхати кенг. Бу ерда қолипчи нон, пишириқлардан ташқари, миллий оби нон, торт, булочка каби маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона фаолиятини кенгайтириш ҳисобига иш ўринлари 10 тага етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 8 тага кўп. Маҳсулот ассортимент кўпайгани ва сифати яхшилангани боис «Когон нон» истеъмолчилари сони ҳам ошиб бораётир.

Кези келганда, худуднинг бугун ва яқин истиқболга мўлжалланган Инвестиция дастури ижроси ҳақида тўхталиш жоиз. 2020-2021 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 408 миллиард 606 миллион сўмлик, жами 45 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилди. Уларни амалга ошириш натижасида 898 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Мазкур дастурга, жумладан, жорий йилда умумий қиймати 259 миллиард 76 миллион сўмлик жами 36 та инвестиция лойиҳаси киритилган. Улар ижроси таъминлини орқали 660 та янги иш ўринлари яратилади. Биз ҳар бир лойиҳа бажарилишини жамоатчилик назорати шаклида мониторинг қилиб бораёмиз.

Изданишлар ўз самарасини бераётир. Жорий йилнинг ўтган даврида «Когон нон»дан ташқари, «Кумуш пирамида», «Когон махсус

хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мўлжалдаги лойиҳаларни ўз муддатида ишга тушириш чоралари кўрилмоқда.

Йил якунига қадар 4 та қўшма корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фаолиятни кенгайтиришга қаратилган жами 4,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестиция киритиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бандлик таъминланди, пенсия ҳам тайин

Когон шаҳрининг «Бунёдкор» маҳалласида яшовчи Шерзод Ҳақимов ёшлигидан дурадгорга шогирд тушган, саккиз йилдирки, ёғоч ўймакорлиги, миллий меъморчилик билан шуғулланиб келади. Шунга қарамасдан, у расман ишсизлар қаторида, меҳнат дафтарчасига эга эмас эди.

Президентимизнинг шу йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, пандемия муносабати билан жорий этилган карантин кунларида айнан Шерзодга ўхшаган хунармандлар учун ҳам айна муддао бўлди. Эндиликда у мазкур қарор талабидан келиб чиққан ҳолда ёғоч ўймакорлиги йўналишида яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи сифатида рўйхатдан ўтди. Шу тариқа даромад манбаига эга бўлган йигит амалдаги тартибга кўра бир йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридаги тўловни амалга ошириб, меҳнат дафтарчасига бир йиллик иш стажини ёздирди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Когон шаҳри бўйича жорий йилда мингга яқин фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. Бу эса аҳоли вакилларининг расмий бандлигини таъминлаш орқали улар меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш, келажақда мунтазам пенсия тўловини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Тошкентда Хитойда ишлаб чиқарилган электробуслар синовдан ўтказилмоқда.

«Нурафшон» маҳалласи Куйи Чукати қишлоғида яшовчи М.Файзуллаев камбағаллик рўйхатига олинган. Эҳтиёжманд бу фуқаро ва унинг оиласига маҳалла-қўй, туман ҳокимлиги ва бошқа мутасаддилар томонидан тез-тез ёрдам кўрсатилляпти. Чунончи, афтодаҳол уйининг кам-қўсти тузатилди. Шунингдек, Т.Қосимов хонадонининг ичи ва атрофи ҳам уюлиб ётган ортиқча нарсалардан, чиқиндилардан тозаланиб, тартибга келтирилди.



1487 НАФАР ИШСИЗ ФУҚАРОНИНГ 1224 НАФАРИ ИШЛИ БЎЛДИ



Зухриддин АШУРОВ,
Когон тумани ҳокими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида айна шу қишлоқдаги ўн бешта хонадоннинг аҳволи, турмуш даражаси, яшаш шароитлари атрофлича ўрганилди ва шунга мувофиқ, зарур ёрдам берилиб, уйлар саранжом-саришта қилинди.

Тумандаги «Наврўз» маҳалласи ҳам бу йил «Обод қишлоқ» дастурига киритилган. Худуддаги 486 та хонадондан 81 таси кўмакка муҳтож. Мазкур камбағал оилаларнинг турмуш даражасини ошириб, камбағалликдан чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар доирасида уйларни ободонлаштириш, тозалашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, шу ҳудудда яшовчи О.Камоловга томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан зарур йўл-йўриқлар берилиб, амалий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Бундан ташқари, мутасаддилар билан бир қаторда, бир қанча саховатпеша кишилар ҳам моддий имкониятлари даражасида савоб ишларга бел боғлашган. Жумладан, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Акбар Турдиев ўз ҳисобидан хонадони олдидаги йўлга элик метр масофагача шағал ётқизди. Шу тариқа, яқин-яқингача уйдим-чуқур бўлган таъмирталаб йўл текис ҳолга келди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ғамхўрликни «Ҳукумат-обод» маҳалласидаги саъй-ҳаракатларда ҳам кўриш мумкин. Кўни кеча шу ҳудудга қарашли Юқори Қўнғирот қишлоғининг ички йўллари ободонлаштирилди. Йўл четлари хас-ҳашақлардан тоза-

ланди. Ўз навбатида, шу қишлоқда яшовчи камбағал фуқаро М.Жумаевнинг ҳовлиси таъмирланди. Маҳалла мутасаддилари ва ҳомийлар эҳтиёжманд хонадонга зарур жиҳозларни ҳам олиб беришди.

Файзиевлар оиласи «темир дафтар»дан чиқмоқда

«Чолоки» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Қасри Орифон қишлоғида яшовчи Қосим Файзиев туғма ногирон, оқсаб юради. Аммо расман ногиронлар рўйхатида турмайди. Бинобарин, давлатдан нафақа олмайди. Айрим ўзига тўқ, аммо у етишмаяпти, бу етишмаяпти, дея турли идоралар остонасидан бери келмаётган кишиларга ўхшаб боқимандалик қилаётгани йўқ. «Билагимда кучим бор экан, ишлашим керак», деган ақида билан яшаяпти. Қурилишда баҳоли қудрат меҳнат қилиб, рўзғор

«Ҳозир масканда кунига 1000 дона қоғоз кути тайёрланяпти. Кунлик ўртача даромад 400-500 минг сўмни ташкил этапти.**»**

тебратяпти. Икки норасида боласи бор. Турмуш ўртоғи Назира Тошева бўқоқ деган касалликка чалинган. Оғир меҳнатга ярамайди.

Файзиевлар учун ёмғир ёғинининг ўзи ҳам турган-битган ташвиш эди. Чунки томдан чакки ўтарди. Уй зах. Ошхонага кирган кишининг ранг-қути ўчади. Ўзини ўтган асрнинг 50-йилларига тушиб қолгандек ҳис этади.

Ушбу хонадоннинг оилавий шароитини атрофлича ўрганиб, нафақат уй том қисмини таъмирлаш, балки қўшимча хона қуриб бериш фикрига келинди. Зарур қурилиш материаллари етказиб берилди. Айна пайтда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан олиб борилаётган қурилиш ишлари поёнига етмоқда. Хона-

донга саховатпеша тадбиркорлар томонидан ун, ёғ, 10 бош товук ҳадя қилинди. Оиланинг мўъжазгина томорқасида иссиқхона ҳам барпо этиш кўзда тутилган. Натижада хонадонни доимий даромад манбаини яратиш орқали «темир дафтар»дан чиқаришни мақсад қилганмиз.

Аҳоли бандлигини таъминлаш – муҳим масала

Туманда айна пайтда 2487 фуқаро расман ишсиз ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 1224 нафар фуқаро ишли бўлди. Хусусан, оилавий тадбиркорликка жалб этиш орқали 118, хунармандчилик йўналишида 35, жамоат ишларида 353, ўзини ўзи банд қилиш орқасида 27, карантин чоралари бир қадар юмшатилиши билан аввалги иш жойларига қайтишлари ҳисобидан 335, инвестиция лойиҳалари сабаб 187, қишлоқ хўжалигида эса 52 нафар кишининг бандлигига эришилди. Бундан ташқари, пандемия шароитига қарамасдан «Когон текс» МЧЖ негизида умумий қиймати 31 миллиард сўмга тенг ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 110 киши фойдала ва даромадли меҳнатга жалб қилингани диққатга молик.

Айна пайтда ишсиз бўлган 6071 нафар фуқарони оилавий тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш, қишлоқ хўжалиги, даврий муомаладан чиқарилган ерлардан фойдаланиш, жамоат ишлари, қурилиш соҳаси, инвестицион лойиҳалар тадбиқи орқали ишга жойлаштириш кўзланмоқда.

«Ёшларга қўл-қанот бўляпмиз»

Йигирма олти ёшни қаршилаган Суннатулло Исмамов – «Kogon gofra yashik» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари. Корхонада айна пайтда турли хил ўлчам ва кўринишдаги қоғоз кутилар ишлаб чиқариляпти. Таъкидлаш жоизки, корхона 2017 йилнинг июнь ойида ташкил топган. Ўшанда атиги уч нафар ишчи билан фаолият бошланган корхонада дастлаб миҳ ва сим

маҳсулотлари тайёрланган. Кейинчалик тадбиркор йигитда янги ғоя туғилди. «Yoshlar — kelajagimiz» дастури асосида олинган 950 миллион сўмлик кредит эвазига картон кути ишлаб чиқариш лийниси харид қилди.

Ҳозир масканда кунига 1000 дона қоғоз кути тайёрланяпти. Кунлик ўртача даромад 400-500 минг сўмни ташкил этапти. Икки сменада меҳнат қилаётган 19 нафар ишчи оғир пайтларда бандликларини таъминлаган тенгқурларидан миннатдор.

– Айна пайтда қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ушбу тармоқдаги фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда Чин юртидан зарур технологияларни, асбоб-ускуналарни олиб келиш ҳаракатида миз, – дейди **Суннатулло Исмамов.** – Насиб қилса, янги йил бошидан қоғоз маҳсулотлари тайёрлашни тўлиқ йўлга қўямиз. Шу тариқа корхонамиз ходимлари сонини ҳам кўпайтириб, бандликка кўмаклашишни ният қилганмиз.

Туманда жорий йилнинг ўтган даври давомида 1400 нафардан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди. Пандемия бошланганидан бери йигирма чоғли йигит-қиз дезинфектор бўлиб ишга жойлаштирилди. Маҳаллаларда жамоатчилик ишларига жалб этилганлар эса 33 нафарга етди. «Когон ёшлар мева экспорт» ишлаб чиқариш кооперативига 30, «Когон аҳоли томорка экспорт» ёшлар иссиқхонасига 64 нафар ёшлар ишга олинди.

Бундан ташқари, туманда амалга оширилаётган қурилиш, бунёдкорлик юмушларида, озиқ-овқат, қандолатчилик, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, автомобиль, компьютер ва техникаларга хизмат кўрсатиш, гўзаллик салони, сартарошлик сингари хизмат кўрсатиш, хунармандчилик соҳаларида ҳам ёш авлод вакилларининг фаоллиги ошиб бормоқда.

Бу каби самарали ҳамда хайрли чора-тадбирлар рўёбида «Ҳар бир ёшга — бир гектар», «Yoshlar — kelajagimiz», «Ҳар бир оила — тадбиркор» каби лойиҳа ҳамда дастурларнинг кўмаги асқатмоқда.



**Ўзбекистон инсон камолоти индексида
106-ўринни эгаллади.**

Кадимда ота фарзандини муаллимга олиб борар экан, «Эти сизники, суяги бизники» дея унинг тарбияси мукамал бўлишига ишора қилган. Эт деганда, боланинг устоздан илму ҳунар, одоб-ахлоқ ўрганиши назарда тутилган. Ана шу кўҳна таомилнинг замонавий кўриниши мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги орқали намоён бўлгандагина ёш авлод камолотида кўзлаган мақсадимизга эриша оламиз.



ТАРБИЯНИНГ ЭНГ ТАЪСИРЧАН УЧ ҲАЛҚАСИ фарзандларимиз ҳаётида қай даражада ўз аксини топяпти?



Шаҳноз РАҲМОНОВА,
Қоровулбозор тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Дарҳақиқат, маҳалла ҳудудида жойлашган оила ўз дилбандини таълим даргоҳига беради. Бу уч ҳалқа — маҳалла, мактаб, оила бир-бирига камарбаста ва ҳамкор бўлиши учун шарт-шароит яратилди, деганидир. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги сингари Қоровулбозор туманида ҳам ана шу уч тизим ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қоровулбозор тумани — вилоят марказидан 70 км. узоқликда жойлашган. Бу эса маҳаллий бошқарув идоралари билан алоқа ўрнатишда анча мушкуллик туғдиради. Аммо туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўзининг кўп қиррали фаолиятида ёш авлод таълим-тарбиясини яхшилаш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларни асло сусайтиргани йўқ.

Туман марказида 3 та, ундан 10-40 км. узоқликда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари 4 та бўлиб, аҳоли сони ҳам шунга яраша, яъни 20 минг 216 нафардир. Шундан 4 минг 92 нафари мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади. Умумтаълим мактабларининг 1-11-синфида ўқиётган ўғил-қизларимизга карантин туфайли 2019-2020 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб анъанавий ўқитиш жараёни тўхтатилди. Бу эса уларнинг мактаб таълимидан ажралиб, ота-онаси бағрида кўпроқ бўлиши учун шарт-шароит яратди. Фарзанди тарбиясини буткул мактаб зиммасига юклаб қўйган ота-оналар учун ҳам юзага келган беқарор вазият синовга айланди. Шукрки, янги 2020-2021 ўқув йилида мактабларимиз яна ўқувчилар шовқинсуронига тўлди.

Мактаб — жамоатчилик назоратида

Агар ўсиб келаётган авлодни мустақил ҳаётга тайёрловчи мактабни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, унда жамоатчилик назоратини ўрнатмасак, ёшлар тарбиясида салбий натижа қайд қилинади. Жамоатчилик таркибига эса кўп сонли ота-оналарни, маҳалла фаолларини, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, кўпни кўрган ёши улуг инсонларни киритамиз.

Янги ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, хотин-қизлар бўйича ҳоким маслаҳатчиси, «Нуронийлар» кенгаши раиси ҳамда тегишли маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари-нинг мактабга назорати кучайтирилмоқда. Улар иштироки билан ҳар чоракда барча мактабларда

«Оилада отанинг ўрни», «Балоғатга етган фарзандга муносабат», «Қиз бола — элнинг номуси», «Ўсмир жиноятга қўл урмасин», «Йигит кишига қирқ хунар оз» каби долзарб мавзуларда давра суҳбати ва жонли учрашувлар ўтказилаётгани жамоатчилик ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётганини кўрсатмоқда.



Ҳар бир мактабда ота-оналар йиғилишини чорак охирида ўтказиш, асосий диққат-эътиборни боланинг юриш-туришига қаратиш бирламчи вазифа бўлмоқда. Ўқувчининг давомати қандай, унинг хатти-ҳаракатида хулқий оғишлар йўқми? Педагог ўсмир феъл-атворидан ота-онани бохабар қилдими, шунга яраша иш тутилиши керак. Онлайн таълим жараёни давом этган ойлarda 600 нафардан кўпроқ ўқувчи маҳалла ходимлари, участка нозирони томонидан назоратга олинган, улар ножиоиз иш билан шуғулланмаслигига имкон яратилди. Агар улар ўз ҳолига ташлаб қўйилганида эди, ўсмир жиноятчилиги қайд қилинган бўларди.

«Маҳалла — менинг тақдиримда»

Ҳар бир инсон маҳаллада туғилади, вояга етади. Киндик қони тўкилган маҳалласи ўтмиши, бугуни ҳақида эса ҳар бир киши билиши керак. Айниқса, ҳаётини тушунчаси шаклланаётган ўсмир ўз кадрдон

масканини қандай тасаввур этади, бу — янада муҳим.

Ҳар йили «Маҳалла — менинг тақдиримда» кўрик-танловининг мавжуд умумтаълим мактаблари 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиши тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Бу мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги яна бир қадамдир, аслида. «Тинчлик», «Навбахор», «Бўзачи», «Бўстон», «Жарқоқ», «Имом Бухорий», «Чўлқувар» маҳаллаларида туғилиб, вояга етаётган мактаб ўқувчиларининг мазкур кўрик-танловга жалб этилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги ижтимоий тасаввурини янада кенгайтиради. Маҳалла — ҳар бир инсоннинг кичик Ватани, усиз ҳеч кимнинг тақдир йўли бошланмайди.

Ҳар бир мактаб замонавий қиёфада

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этар экан, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ва оқилона сиёсатда ёшларга эътибор, ғамхўрлик муҳим ўрин тутади. Туманимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ёрқин намунасини умумтаълим масканлари қиёфаси тубдан ўзгараётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

2020 йил эпидемиологик вазият ҳукм сурса-да, маҳаллий ҳокимият томонидан таълим даргоҳлари имконияти бир мунча кенгайтирилди. «Бўстон» маҳалласидаги 6-умумтаълим мактаби учун замонавий кўшимча ўқув биноси қурилди. Шунингдек, «Бўзачи», «Навбахор», «Жарқоқ» маҳаллаларидаги мактаб бинolari «Обод маҳалла» давлат дастури асосида қайта мукамал таъмирланди. Бирорта мактабимиз йўқки, замонавий қиёфага келтирилмаган бўлса.

Эндиги вазифа нимадан иборат бўлиши керак? Дўппини бошдан олиб, мулоҳаза қиладиган бўлсак, шарт-шароитдан нолишга ҳаққимиз йўқ. Пандемия эса ўткинчи ҳодиса, вақти келиб, вазият барқарорлашади. Мактаб иши фақат педагогик жамоанинггина эмас, балки ота-оналар, маҳалла фаоллари ва барча-барчанинг диққат-эътиборида турган масалага айланиши керак. Мақсад яқдиллик билан қўйилгандагина ёш авлодни мустақил ҳаётга муносиб тайёрлаган бўламиз.

Мавзуга оид маълумот:

Қоровулбозор тумани мактабларида 229 та тўгарак ташкил этилган бўлиб, 164 таси фанга, 47 таси спортга, 18 таси эса касб-ҳунарга йўналтирилган ва жами 2035 нафар ўқувчи қамраб олинган.

ҲАР ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТ ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТГА БОҒЛИҚ

Ўзёвон — Фарғона вилоятининг кенжа тумани ҳисобланади. Кейинги йилларда одамлар ҳаётида юз берган ўзгаришлар чўл ҳудудига янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Аҳоли турмуш тарзида яратувчилик, ташаббускорлик хислатлари кундан-кунга бардавом бўлиб бормоқда. Туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи **Зулфия ТЕШАБОВЕВА** билан ўзёвонликлар ҳаёт тарзидаги ташаббус ва ислохотлар самараси, истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашдик.



Зулфия Тешабоева билан ўзёвонликлар ҳаёт тарзидаги ташаббус ва ислохотлар самараси, истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашдик.

— Ўзёвонликларнинг ҳар бири кунини янгилик, ўзига хос ўзгаришлар билан бошланади, десам муболага бўлмайди, — дейди **Зулфия Тешабоева**. — Жорий йилда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, қишлоқ жойлардаги ёшларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка жалб этиш мақсадида «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» ва вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан 40 нафар хотин-қиз (шундан 12 нафари оғир ижтимоий вазиятда рўйхатга олинган) учун бир ҳафталик ўқувлар ташкил этилди ва ўқув якунида тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аёлларга сертификатлар топширилди. Имтиёзли кредит олишлари учун уларнинг рўйхати шакллантирилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг тавсияномасига асосан, 34 нафарига 413 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада юздан ортиқ аёллар иш билан таъминланди.

Эътиборли жиҳати, ижтимоий ҳимоя қўлами бу билан чекланиб қолгани йўқ. Туман ҳокимлиги, Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонаси билан ҳамкорликда «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, 3 нафар



вояга етмаган фарзанди бор фуқаро Гулнозахон Дониёрова имтиёзли уй-жой билан таъминланди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш бўйича туман ҳокимлиги ҳузуридаги талабгорларни танлаш комиссияси хулосасига асосан, 10 нафар ёлғиз аёлга Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан имтиёзли уй-жойларнинг бошланғич бадали тўлаб берилди.

— Оғир кунларда кўнгли сўраш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш халқимизга хос фазилатлардан. Бу борада амалга оширилган ишлар кўламига тўхталсангиз.

— COVID-19 инфекциясини юқтирган бемор туманимизда аниқланганидан сўнг, мазкур касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида мавжуд 33 та маҳаллада карантин эълон қилинди. Бу даврда кам таъминланган фуқароларнинг ҳолидан доимий хабар олиш, уларни озиқ-овқат ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 975 та кам таъминланган оилага ун, ўсимлик ёғи, ниқоблар бепул тарқатилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлигида «Саховат ва кўмак» омбори ташкил этилди. Шундан қадар туманимиздаги кам таъминланган хонадонларнинг 3014 нафарига 322 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилиб, уларнинг ҳолидан доимий хабар олинди. Коронавирус инфекциясини бартараф этишда фуқароларга яқиндан ёрдам берган, фидокорона меҳнатлари

билан жонбозлик кўрсатган бўлим ходимларидан 10 нафари, маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарларидан 38 нафари «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Бугунги кундаги энг долзарб масала — «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари» билан боғлиқ. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

— Президентимиз раислигида 20 август куни ўтказилган видеоселекторда мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» юритилиши таъкидланди. Жорий йил 26 ноябрь ҳолатига кўра, тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида 48 минг 354 нафар ёшлар ва аёллар ўртасида



сўровнома ўтказилиб, анкета-сўровномалари «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га туширилди. Бунинг натижасида тумандаги барча аёллар ва ёшлар қамраб олинишига эришилди.

Шундан 24 минг 692 нафар ёш, 23 минг 662 нафар аёл электрон базага киритилди. Ўтказилган сўровномаларга кўра, бу дафтарларга киритилган фуқаролар томонидан билдирилган талаб ва таклифлар асосида секторлар кесимида иш олиб бориш ишларига эътибор қаратилиб, аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

— Ўзёвонда экобозорлар борми?

— Албатта. Аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилиши ва бозорларда нарх-наволар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида камида биттадан «Эко дўконлар» ташкил этиш вазифалари белгиланган. Шу кунга қадар 26 та маҳалла фуқаролар йиғинларида арзон ва қулай бўлган дўконлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кундалик маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилгани аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиш имкониятини бермоқда.

— Жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар ошгани қайд этилмоқда...

— Иш бор жойда камчилик бўлади. Лекин бу эътиборсизлик, лоқайдликка йўл қўйиш керак, дегани эмас. Ҳар қандай иш замирида масъулият ва ташаббус туради. Ўтган ойлар давомида туман ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганда, жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56 тага ошиб кетганини кўраман.

Фақат 11 та маҳалла фуқаролар

йиғинида жиноятчилик содир этилмаган. Албатта, бу олиб борилаётган ишларга танқидий кўз билан қарашга ундайди. Айниқса, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида бу каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани ачинарли. Ўз ҳудудида жиноят содир этилишининг олдини олишда сусткашликка йўл қўйган маҳалла фуқаролар йиғинлари иш фаолияти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан танқидий муҳокама қилиниб, ўз хизмат

вазифасига совуққонлик билан қараган маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг ўринбосарлари бу борада ишлар самарадорлигида яхши натижаларга эришмаса, ўз хизмат вазифасидан озод этиш каби чоралар кўриш бўйича жиддий огоҳлантирилди.

Мақсад — кимнидир жазолаш эмас, уларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартириш. Чунки ҳар қандай муваффақият ташаббус ва масъулиятга боғлиқ.

«Mahalla» мухбири
Расул КАМОЛ суҳбатлашди.

Бугунги тараққиёт одамларнинг ҳаётга бўлган ишончини оширмоқда, янги ғоя ва ташаббуслар сари даъват этмоқда. Қишлоққа саноат корхоналарини олиб кириш, ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция киритиш, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, кичик бизнес, томорқачиликни ривожлантириш, ички ва ташқи бозорга харидоргир маҳсулот етказиб бериш орқали йилдан-йилга ўсиб келаётган аҳоли бандлигини таъминлаш, уларга муносиб ша-роитлар яратиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Кўлами кенг эзгу ишларда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иш-тирок этаётгани аҳамиятлидир.



БАҲАМЖИҲАТ ҚИЛИНГАН

ИШДА ХАЙР-БАРАКА БЎЛАДИ



Бувайда ту-мани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бош-лиғи Олияхон АСКАРОВА бу борада қуйидаги-

ларни гапириб берди:

— Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ички бозорни товар ва хизматлар билан таъминлаш, аҳоли бандлиги ва реал даромад-ларини ошириш, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг ному-таносиблигини камай-тиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Туманимизда маиший хизмат, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш корхоналари, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлар-и ташкил этиш ташаб-бускорлари кўпайиб бормоқда. Ҳозирга қадар бу йўналишда 1553 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўзида эса бу йўналишда 300 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлаган «Сантекуз» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Ҳим-матхон дизайн» оилавий корхо-наси кўпга фойдаси тегмоқда. Шу кунга қадар бу ерда 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

— **Янги тизим маҳаллалар ҳаётига қандай ўзгаришлар олиб кирди?**

— Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижти-моий-маънавий муҳитни соғлом-

лаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан иш-лаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги фармони ҳамда «Ўзбе-кистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир-лиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори маҳалланинг ваколат ва имкониятларини кен-гайтди. 55 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қиз-лар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада



мустаҳкамлашга эътибор қаратил-ди. Шу мақсадда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлашти-ришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатган ҳолда «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Маҳаллаларда ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳуқуқий, услубий ва

амалий ёрдам кўрсатиш, нуру-нийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибаси орқали ёшлар маъ-навиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустах-камлаш мақсадида «Кексалар мас-лаҳати гуруҳи» ташкил қилинди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқ-тартибот масалалари бўй-ча ўринбосар — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, «Фидокор ёшлар» жамоат патруль гуруҳлари тузилди.

— **Тизимда моддий-техника базани мустаҳкамлаш бораси-да қандай ишлар қилинмоқда?**

— Ҳозирга қадар вилоят Маҳал-ла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 20 та ма-ҳалла фуқаролар йиғинига компь-ютер ва принтер, 10 тасига мебеллар жамланмаси берилди. Шунингдек, 25 та маҳалла биноси жорий таъ-мирланди, биноси мавжуд бўлмаган 7 та маҳалла фу-қаролар йиғини учун замо-навий бинолар қурилмоқда. Ҳозирга қадар «Қиловтепа», «Янги ҳаёт» маҳалла фу-қаролар йиғинлари учун замонавий услубда бинолар қуриб битказилди, «Чўм-боғиш» маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилиши учун ҳоким қарори билан ер майдони ажратилди.

— **Хотин-қизларни ижти-моий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз.**

— Эҳтиёжманд оилалар, камба-ғал, кам таъминланган, ногирон-лиги бор, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилалар рўйхати доимий равишда шакллантирилиб келин-моқда. Туманда 552 та эҳтиёж-манд, 1520 та камбағал, 2072 та кам таъминланган, 3110 та ноги-ронлиги бор оилалар, 173 нафар яқка-ёлғиз фуқаролар яшайди. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб

қолган 58 нафар хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан биргаликда 21 нафарининг бандлиги таъминлан-ди. Қолган 37 нафар хотин-қизни вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида ўқув курсларига жалб қилиб, тадбиркорлик фао-лиятини бошлашга кўмак берилди. Шу кунга қадар бу йўналишда жами 720 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

— **Маҳаллаларда йўлга қўйилган «Бувижонлар макта-би»нинг афзаллиги нимада?**

— Бу мактабнинг асосий ва-зифалари маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, бўлғуси қайноналар билан яқиндан ҳам-корликда ишлаш, эрта туғуруқ, аж-римларнинг олдини олиш, нотинч оилалар билан ишлаш, ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш кабилардан иборат. Аслида оила мустаҳкамли-гини таъминлашда ёш қизлар, бўлажак келинлар тарбияси, оналикка, қайноналикка тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Умуман ол-ганда, кекса авлод вакилларининг сабоғи ўзига хос ҳаёт мактабидир. Шу мақсадда узоқ йиллар турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилган фахрийлар, ўз касбининг устаси бўлган турли касб эгалари иштирокида «Ибрат мактаби», «Хонадон файзи», «Қариси бор уйнинг – париси бор», «Дониш-мандлик фасли», «Касбим менинг – фахрим менинг» каби мавзулар-да туркум тарғибот тадбирлари ва маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказиб борилмоқда. Шубҳасизки, оилалардаги аҳиллик, бир-бирини тушуниш, рўзғор юмушига удда-буронлик муҳити хонадонларда, маҳаллаларда файз-барака, фаро-вонликни таъминлайди.


Расул КАМОЛ
«Mahalla»



«Ақлли тиббиёт» тизими жорий этилмоқда.

МУРОЖААТГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ТИЗИМГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ЙЎҚОТАДИ

Ариза, шикоят сабабсиз ёзилмайди. Муаллифнинг бир дарди бўладики, кўлига қоғоз олиб, борини тўкади. Шахсий масалада ёки ижтимоий муаммоми, фуқаро мурожаатини ўрганиш ва натижаси ҳақида унга маълум қилиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Давлат идоралари ана шу қоғозда доирасида иш юритиши, фуқаро мурожаатини эътиборсиз қолдирмаслиги керак.



Маҳмуда КАМОЛОВА,
Ўзбекистон тумани ҳоқими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ана шу жараёни тартибга олишдаги асосий ҳужжатлардан биридир. Хўш, Ўзбекистон тумани маҳаллий бошқарув органларида ана шу қонун ижросини таъминлашга қай даражада эътибор қартиляпти? Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бу борада ўз ўрнини тўғри белгилаб олганми?

Қонун доирасида ҳал қилинган

Маҳалла, оила, хотин-қизлар, кексалар билан ишлаш тизимининг бирлаштирилиши фаолиятимизни бир қадар мураккаблаштиради. Аввал шикоят ва ариза ўз йўналиши бўйича жўнатилган бўлса, ҳозир бу мазмундаги ариза-

лар кўпроқ бизга келиб тушмоқда. Демак, масъулиятни кучайтиришимиз, ҳар бир шикоятни қонун доирасида, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилишимиз керак. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида қайд қилинганидек, «Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди».

Яқунлаб бораётган 2020 йилда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига фуқаролар томонидан жами 375 та ёзма, 625 та оғзаки мурожаат келиб тушгани янги тизимда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган анча-мунча муаммолар тўпланиб қолганини кўрсатмоқда. Шундан 420 таси ижтимоий нафақага оид мурожаат бўлиб, уларнинг 180 таси ижобий ҳал этилди. 220 нафар кишига Президентимизнинг 2020 йил 4 августдаги «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, ижтимоий нафақаларни тайинлаш жараёни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига ўтгани юзасидан тушунча берилди.

Оилани сақлаб қолишимиз керак

Баъзи ёшлар оилавий муаммоларга дуч келганда, иродасизлик

қилади. Йигитлар оилани моддий жиҳатдан таъминлай олмайди ёки келинлар рўзғор ишига уқувсиз. Нима бўлишидан қатъи назар, оилани таназзулдан сақлаб қолишимиз керак. Бўлимимизга эр-хотин ўртасидаги зиддиятлар юзасидан келиб тушган 219 та оилавий масаладаги мурожаат етти ўлчаб бир кесишга ундади. Можаро майда масалалардан келиб чиқмоқда. Лекин ана шу арзимас жанжал газак олиб кетса, оила жар ёқасига бориб қолади, бунинг жабрини



нафақат эр-хотин, балки бегуноҳ норасидалар ҳам тортиши мумкин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими қошида ташкил этилган «Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши», «Фабрилар жамоатчилиги кенгаши», профилактика нозирлари билан бамааслаҳат ҳар битта мурожаат чуқур ўрганилди. Ҳеч ким ўзини айбдор, деб ҳисобламайди. Лекин муаммога нуқта қўймасак, оила бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Мазкур кенгашларимиз мавжуд 72 та маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш» комиссияси билан келишган ҳолда ажралиш ёқасига келиб қолган оиладан 180 тасини яраштириб қўйишга бош-қош бўлди. 380 нафар фарзандни етим бўлишдан сақлаб қолдик. 110 та шаръий никоҳ асосида яшаётган оиланинг никоҳи қонунийлаштирилди. Оилавий масалага доир мураккаб мурожаатлардан 39 таси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга йўналтирилди.

Қийналганни қўллаб-қувватлаймиз

Ўзбек халқида йиқилганни турғазиб қўйиш, қийналганни қўллаб-қувватлаш қадрият ҳисобланади. Оилаларимиз даромади ҳар хил. Кимдир ўзига тўқ бўлса, биров қора қозонини қайнатишга қийналади. Ана шу тоифага мансуб оилалардан аксарияти пандемия даврида моддий қийинчиликка учраганини бўлимимизга келиб тушган мурожаатлардан ҳам билишимиз мумкин.

Даромади бўлмаган оила вакиллари уй-жой таъмирига қўли калталиқ қилаётганини маълум қилса, айрим фуқаролар уй-жойга муҳтожлиги юзасидан ёзма мурожаат қилишди. Ана шу мазмундаги 116 та мурожаатни манзилли ўрганиш ва 110 нафар фуқарога 4 та сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва ҳомийлар томонидан уй-жойларини таъмирлашга қўмаклашилди. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож хотин-қизлардан 6 нафарининг талабини қондирдик. Коронавирус инфекцияси оммавий равишда тарқалган бир пайтда 245 нафар фуқаро мурожаати қай даражада асосли эканига эътибор қаратдик. Ўрганилганда, улар ҳақиқатан ҳам, қийналган тоифага мансуб экани аён бўлди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати томонидан уларга зарурий озиқ-овқат турлари ва бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

Фуқаро мурожаати қай мазмунда бўлмасин, уни ўрганиш ва амалдаги қонунчилик доирасида ҳал этиш хизмат бурчимиз ҳисобланади. Мурожаат ёзма шаклда ёки оғзаки кўринишда, бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу тахлитда иш тутсақина, туман аҳолиси худуднинг ўзида ечимини топиш мумкин бўлган муаммолар бўйича юқори турувчи давлат идораларига эмас, фақат туман доирасидаги мутасаддиларга мурожаат қилади.

Мавзуга оид маълумот:

Ўзбекистон туманида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган аёллардан 9 нафари ўз мурожаатига кўра, ногиронлик аравачаси, 3 нафари эшитиш аппарати, 4 нафари бошқа реабилитация мосламалари билан таъминланди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликни қисқартириш масаласи қатъий кун тартибига қўйилгани мавжуд муаммоларни ҳаспўшламасдан, очик-ойдин айтиш ва уларни ҳал этиш чораларини белгилаш имконини берди. Буни туманимиз мисолида айтадиган бўлсак, дастлабки ўрганишлар натижасида эҳтиёжманд хонадонлар «Темир дафтар»га киритилди. Пандемия шароити бўлса-да, улар учун кредит маблағлари ажратилди. Меҳнатга яроқли, ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди.



БИРГАЛИКДА ИЗЛАНСАК, ҲАР ҚАНДАЙ МУАММО ЕЧИМ ТОПМАДИ



Гулбаҳор ХОЛМУРОДОВА,
Дўстлик тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Кўплари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оилаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга эришди. Айни кунларда эса «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» юритилиб, улар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклиги олиб борилаётган ишларимизда ҳар томонлама ўз ифодасини топмоқда.

Тезкор ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган

Маҳаллани кичик ватанга қиёслашимиз бежиз эмас. Чунки қўни-қўшни, маҳалла-қўй тинч бўлса, оиламиздан кўнглимиз тўқ, хотиржам бўламиз. «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили кўнглимиздаги айни шу истакни ифода этади. Мазкур тамойилга асосланган янги тизимни жорий этиш мақсадида туманимизда мавжуд 12 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратяпмиз.

Хусусан, 10 та маҳалла ҳозирда ўз биносига эга бўлиб, уларда тўлиқ реконструкция, таъмирлаш ишлари бажарилди. Жорий йилда 1 та маҳаллага хусусий тадбиркорлар билан шерикчилик асосида янги бино қуриб бериш ишларини якунлаш режалаштирилган. Мактаб ва хусусий тадбиркорларнинг биноларида вақтинча жойлашган 2 та маҳалла бўйича эса аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Туманимиздаги 9 та фуқаролар йиғинида назорат масканлари, 7

тасида назорат камералари ўрнатилди. «Хавфсиз маҳалла» тамойили асосида кунлик вазият бўйича тезкор ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғинлари раиси ва ўринбосарлари ўз ҳудудидаги кўп қаватли тураржойларнинг уйбошиларига кунлик тушунтириш ишларини олиб боради. Вазиятдан келиб чиқиб, тунги гуруҳ ва жамоатчилик вакилларига йўналишлар берилади. Узоқ муддат бошқа ҳудудда яшаб, қайтиб келган фуқаролар билан алоҳида манзилли шуғулланилмоқда.

Рейтинг баҳолаш фаолиятимизга асқатади

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, рейтинг баҳолаш тизими йўлга қўйилиб, қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда қатор ишлар амалга оширилди. Баҳолаш натижаларига кўра, бирорта маҳалла фаолияти «намунали» деб баҳоланмаган бўлса, 2 таси «яхши», 8 таси «қониқарли», 2 таси «қониқарсиз» деб топилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тегишли вазифалар белгиланди. Жумладан, фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилди. Дастур асосида амалга оширилган ишларнинг мониторинги юритиладиган, ҳар ой якуни бўйича ҳокимлик соатларида ва халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида масъул раҳбарларнинг ҳисоботи тинглаб бориладиган бўлди. Фаолияти «қониқарли» деб топилган 8 та ва «қониқарсиз» деб топилган 2 та фуқаролар йиғини ходимлари ва жамоатчилик асосида ишлаётган фаолларнинг иш фаолиятини яхшилаш, муаммоларини бартараф этиш бўйича услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

бўлими ходимлари, шунингдек, мутасадди идора ва ташкилотларнинг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди.

Мурожаатлар билан ишлаш тизими такомиллашса...

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади. Шу маънода умид билан йўланган ариза ва шикоятлар эътиборсиз қолдирилган тақдирда, одамларда давлат идораларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда ўзига хос тажриба ишга солинмоқда. Жорий йил декабрь ойининг 8 санасига

ушбу ресурслардан фойдаланиш имкониятини бермайди. Мазкур шароитда маҳаллий бюджет харажатлар параметрларига уларни киритиб бориш, банклар томонидан уй таъмири учун таклиф қилинадиган ипотека кредитлари сиёсатини кам фоизли ҳамда узоқ муддатга мўлжаллаб қайта кўриб чиқиш, кредитлардан фойдаланиш имкониятларини соддалаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Яна бир масала. Турли вазирлик ва идораларда «Ишонч телефон»ларининг мавжудлиги, бир фуқаронинг ўз муаммолари билан барча идораларга мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда. Ноқулай томони, уларни ўрганиб чиқиш, ҳал қилиш учун, асосан, қуйи тизим ташкилотлари (жумладан, ижроия ҳокимият, маҳалла фуқаролар йиғинлари)га тушириб берилиши муаммога ечим топишдан кўра, муддат чўзилишига хизмат қилмоқда.

Таклифимиз шундан иборатки, барча тизимлардаги мавжуд «Ишонч телефон»ларини (03, 02, 01 дан ташқари) фақат ўз фаолият йўналишидаги мурожаатларни қабул қилиш ва ҳал этиш тизимига ўтказиш ёки қисқартириш ҳамда жойлардаги Халқ қабулхоналари қошида қисқа рақамли кўнғироқлар қабул қилиш марказлари ташкил қилиш, барча мурожаатларни ягона тизим орқали тегишлилигича ижроичиларга йўналтириш ва назорат ўрнатиш, муаммоларнинг ҳал этилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида мурожаатларни секторлар ҳудудлари бўйича йўналтириш лозим.

* * *

Хуллас, маҳалла юмушини биргина тизим вакиллари зиммасига юклаб бўлмайди. Бирлашган ҳолда ечим изланса, ўйлаймизки, ҳеч қандай муаммо биздан қочиб кутулмайди. Шу маънода маҳалла фаоллари одамларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида, уларнинг бошини қовуштириб, хайрли ишларга йўналтириш орқали ҳудудларда ободлик, тинчлик-осойишталик, хурсандчилик муҳитини яратиш йўлида тинмай жонбозлик кўрсатишмоқда.

ДАРВОҚЕ...

Туманда «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларнинг 72 нафарига 792 млн. сўмлик кредитлар ажратилди, 30 нафарига оилавий тадбиркорлик учун кредитлар берилди. Шунингдек, 38 нафар хотин-қиз тикувчилик фабрикаларига ишга жойлаштирилди.

қадар жами 448 та мурожаат келиб тушди. Энг муҳими, улар ўз вақтида қонун доирасида кўриб чиқилмоқда ва 274 та мурожаат ижобий ҳал этилган бўлса, 154 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Шу ўринда мурожаатларни ҳал этиш билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам тўхталсак. Кам таъминланган оилаларнинг уй-жойини таъмирлаш, яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш бўйича ёрдам сўраш ҳолатлари кўп бўлади. Лекин ушбу йўналишда молиявий ресурсларнинг кўзда тутилмагани, банкларда уй таъмири учун йўналтириладиган кредитларнинг жуда қимматлиги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг

Зафаробод ўз номига мос тарзда барча соҳаларда ютуғу зафарларга интилаётган, ривожланиш белгилари яққол кўзга ташланаётган ҳудудлардан ҳисобланади. Туманимиздаги улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий номидаги хиёбон вилоят миқёсида адабий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган марказлардан бири, десак янглишмаган бўламиз. Буюк бобомиз ҳайкали қад кўтарган масканда таниқли ижодкорлар, зиёлилар иштирокида тез-тез учрашувлар ўтказилиб туради. Бу эса ёшларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди.



ЭЛ ЮМУШИНИ –

ВИЖДОН ИШИГА АЙЛАНТИРГАНМИЗ



Учқун АБДУРАХИМОВ,
Зафаробод тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Яқин вақт ичида туманимиз туристик салоҳиятга эга ҳудуд сифатида танилиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас. Чунки Чимқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган, мамлакатимиздаги энг катта қўл — Айдарқўл соҳили бўйида 10 гектар майдонда йилига 2 минг 500 нафардан ортик турист қабул қилишга мўлжалланган туризм маскани ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Лойиҳада Айдарқўл соҳил бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудда меҳмонхона, хиёбон, ресторан, қайиқда балиқ овлаш ва кичик чўмилиш оромгоҳини ташкил этиш каби режалар кўзда тутилган. Ушбу маскан 2021-2022 йиллар давомида ишга туширилади ҳамда 20 та янги иш ўрни яратилади. Табиийки, бу ўзгариш туманимиз номини сайёҳларга танитиш билан бирга, иқтисодий ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мажмуа қурилди

Халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, одамларимизга муносиб яшаш шароитларини таъминлаш борасида кенг қўлланма ишларни амалга ошириш жараёнида маҳаллалар асосий ўринни эгаллаётгани шубҳасиз. Ушбу тузилма фаолияти самарадорлиги

ошиши мазкур йўналишда кўплаб ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, соҳада катта ўзгаришлар амалга ошириляётганининг сабаби ҳам шунда.

Маълумки, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини кучайтирмасдан туриб, фаолиятда ижобий ютуқлардан умид қилиш фойдасиздир. Айни дамда туманимизда бу борада қатор ишлар амалга ошириляётир. Президентимизнинг тегишли фармони ва қарорида шаҳар ва туман марказларида 2020 йил 1 июлга қадар «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси билан жиҳозлаш вазифаси юклатилган эди.

Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида апрель ойида барча қулайликларга эга бўлган «Маҳалла маркази» мажмуаси ташкил этилди. Мажмуа зарур мебеллар жамланмаси, компьютер техникалари билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари иш фаолиятини юритишга етарли шароитлар яратиб берилди.

Бундан ташқари, берилган топшириқларга кўра, туманда 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, жорий йилда «Писталикент» ва «Чимқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини қуриш учун туман ҳокимлиги қарори асосида ер ажратилди.

Номли дафтарлар муаммоларга ечим бўладими?

Президентимиз топшириғи асо-

сида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимининг жорий қилиниши кўплаб муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Туманимизда жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб, туман штаби ташкил этилиб, фуқаролар йиғинларида кичик ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Ушбу ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир маҳаллада ҳудудлар бўлиб олинди ва анкета сўровномаларини тўлдириш асосида уйма-уй кириб ўрганиш ўтказилмоқда.

Ҳозирга қадар туманда мавжуд 7 минг 517 та хонадондан 6 минг 574 таси, яъни 86 фоизи ўрганиб чиқилди. Дастлабки маълумотларга асосан, хонадонларда 18-30 ёшгача бўлган ёшлар сони 12 минг 338 нафарни, 30 ёшдан юқори бўлган аёллар сони эса 8 минг 655 нафарни ташкил этди. Ижтимоий аҳволига кўра, турли тоифаларга ажратилган ҳолда, уларга зарурий кўмак кўрсатиш чоралари белгиланмоқда.

Жумладан, ўрганилган хонадонлардаги 30 ёшдан ошган аёлларнинг оилавий аҳволи таҳлил қилинганда, улардан 3 минг 819 нафариники яхши, 3 минг 554 нафариники қониқарли, 1 минг 282 нафариники қониқарсиз деб топилди. Маълум бўлишича, шундан 216 нафари «темир дафтар»га киритилган. Бандлик ҳолатига назар ташласак, 4 минг 186 нафари уй бекаси, 1 минг 663 нафари ўз иш ўрнига эга, 1 минг 598 нафари нафақада, 867 нафари вақтинча ишсиз, 341 нафари меҳнатга лаёқатсиз эканига гувоҳ бўламиз.

Кўринадими, дафтарлар орқали, энг аввало, қайси аёлларни қўллаб-қувватлашимиз, уларга қандай ёрдам кўрсатишимиз керак — барчаси беш қўлдай маълум бўляпти. Айни пайтда бу йўналишдаги ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда ва тез кунда охирига етказилиб, амалга оширадиган кенг қўлланма чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар

Бу борада бажарилиши лозим бўлган иккита энг муҳим вазифани санаб ўтишни жоиз деб биламиз. Биринчидан, туманда оилавий психолог хизматини йўлга қўйиш ва ҳар бир маҳаллада аёлларга психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этиш лозим. Шунингдек, психологлар, раҳбар аёллар билан турли тадбирлар, учрашувлар уюштириш лозим.

Иккинчидан, ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш учун ҳудудий жойлашув ва менталитетдан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга ўргатиш ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этишга аҳамият қаратиш фойдалидир. Қолаверса, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан илғор ва намунали тадбиркорлар билан доимий учрашувлар ҳамда кичик ишлаб чиқариш технологиялари кўргазмалари уюштирилса, аёлларда ўзига хос мотивация ва кўникма ҳосил бўлишига ёрдам берилган бўларди.

Албатта, мазкур йўналишда шу кунга қадар ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Ишсиз, яшаш шароити оғир, боқувчиси бўлмаган хотин-қизлар, ёлғиз оналар, ажрашган, ёлғиз ва ногиронлиги бўлган аёллар, нотинч оила аъзолари ҳисобланган 188 нафар ишсиз хотин-қиз бўйича «темир дафтар»лар шакллантирилиб, бугунги кунда 156 нафари ишга жойлаштирилган. Шубҳасиз, янги тизимлар бўйича йўлга қўйиладиган чора-тадбирлар кўмакка муҳтож барча опа-сингилларимизни қамраб олади.

Мухтасар айтганда, ҳозирги пайтда маҳалла тизими вакиллари бажарадиган ишлари жуда кўпайган. Бу ўзига хос масъулият, матонат, ғайрат-шижоатни талаб этади. Сафимизда эл-юртга фойда келтирадиган юмушга камарбаста инсонлар кўпаяётгани эса олданда турган шарафли ишларни муваффақиятли удаллашимизга ишонтиради.



2021 йилдан бошлаб апрель ойининг биринчи ҳафтаси «Китобхонлик ҳафтаси» этиб белгиланди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилиб ўсган ҳамда унинг номи билан аталувчи туманимиз аҳли мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим ишларни амалга оширган бу улуг инсон билан ҳақли равишда фахрланишади. Албатта, фақатгина ғурурланиш билан чекланиб қолмасдан, бу зотга муносиб ворис бўлишга интиладилар. Бугунги кунда туманимизда кўплаб соҳаларда эришилаётган ижобий натижалар одамларимиздаги тадбиркорлик, уддабуронлик, меҳнатсеварлик хислатлари туфайли қўлга киритилмоқда, десак хато бўлмайди. Айтиш жоизки, туманимиз иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, саноат салоҳияти ва бошқа кўплаб имкониятлари, аҳоли сони жиҳатидан вилоятда етакчи ўринларда туради.



БАРЧА САЎЙ- ҲАРАКАТЛАРИМИЗ

ФАЙЗЛИ ҲАЁТ БАРПО ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН

Кейинги йилларда ҳудудимизда ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпайиб бораётгани унинг саноат салоҳиятини намоён этмоқда. Кунча туманимизда замонавий Агрологистика комплекси барпо этиш мақсадида «BMB-NRC Agrolistics» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилгани ҳам фикримиз исботидир. Эътиборлиси, мазкур комплекс мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, сақлаш, божхона ва санитар ҳужжатларини расмийлаштириш, транспорт ва логистика хизматини кўрсатиш ҳамда Россияга тўғридан-тўғри экспортни йўлга қўйишга хизмат қилади. Ўйлаб кўрайлик, биргина шу корхонанинг тўлиқ ишга туширилиши туманимиз ривожига қанчалик аҳамият касб этади.

Умуман олганда, амалга ошириладиган бу каби ижобий ўзгаришлар туман маҳалла тизими фаолиятини ҳам янада жонлантириш, самарадорликни оширишни талаб этади. Чунки маҳаллаларда яшаётган одамларни замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ундаш, бу борада қўллаб-қувватлаш соҳа вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Томорқадан йилда бир неча бор ҳосил олиш сирлари ўргатилмоқда

Президентимиз ташаббуси билан соҳада янги давлат тузилмаси – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши ҳамда ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий қилиниши фаолиятимиз учун мустақкам таянч яратилганини тасдиқлайди. Оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини олиб борадиган тизим ягона мақсад йўлида, бир мушт бўлиб жипслашиш,

ўзаро ҳамжиҳатликда, таъсирчан куч бўлиб ишлашимизга шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Шароф Рашидов туманида жорий йил давомида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мева-сабзавотлар экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Ўн кунлар олдин республика ишчи гуруҳининг туманимиздаги «Олмачи» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, «Олмачи Шунқорлари» ишлаб чиқариш кооперативи билан яқиндан танишуви доирасида томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, тўқсонбости экинлар экиш мавзусига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Айниқса, иштирокчиларга ердан йил давомида бир неча маротаба ҳосил олиш имконини яратиш борасидаги тавсиялар фойдали бўлди. Энди олдимиздаги вазифа — маҳалла раислари ва уларнинг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, илғор деҳқонлар саъй-ҳаракати билан аҳоли ўртасида томорқачилик ҳаракатини янада ривожлантиришдир.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар қўллаб-қувватлов остида

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли шароитларни яратиб бериш давлатимиз эътиборидаги муҳим масалага айланган. Айни пайтда ижтимоий соҳаларда амалга ошириладиган ислохотлар доирасида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг таълим олиши, соғлиғини мустақкамлаш, бандлигини таъминлаш, касбга ўргатиш ва ҳоказо. Бугунги кунда туманимизда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 302 нафар хотин-қизнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Хусусан, 101 нафари тиббий ёрдамга

муҳтож ногиронлар ва ногирон парваришидаги хотин-қизлар, 103 нафари уй-жой таъмирига, 34 нафари моддий ёрдамга, 64 нафари эса уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда 69 нафарига даволаниш учун моддий ёрдам пуллари, 7 нафарига маиший-техника (тикув машинкаси ва газ плита), 3 нафарига катталар ногиронлик аравачаси, 1 нафарига болалар ногиронлик аравачаси, 3 тасига эшитиш мосламаси, 2 нафарига ҳасса ва қўлтиқтаёқлар берилди. Бундан ташқари, 95 нафар уй-жой таъмирига муҳтож хотин-қизларга 10 хил турдаги қурилиш материаллари тарқатилди.

“**Ҳозир масканда кунига 1000 дона қоғоз қути тайёрланяпти. Кунлик ўртача даромад 400-500 минг сўмни ташкил этапти.**”

Энг савобли ишлардан бири — уй-жойсиз кишини бошпанали қилишдир. 2019 йилда ногирон ва меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг 17 нафарига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, 10 нафарига Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Тоқчилик» маҳалла фуқаролар йиғини Отчопар массивида қурилган уй-жойларнинг бошланғич тўловлари тўлаб берилди. Жорий йилда эса 15 нафар аёл ана шундай қўллаб-қувватловга эга бўлди.

Туманда ижтимоий-маънавий, иқтисодий кўмакка муҳтож бўлган қизлар ва ўрта ёшдаги аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича 3 йиллик қузатув дастури ишлаб чиқилган. Ҳозирда ушбу дастурга

Норжигит РАҲМОНҚУЛОВ,
Шароф Рашидов тумани
ҳокими ўринбосари, Маҳалла
ва оилани қўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиғи.

киритилган 302 нафар ижтимоий-маънавий, иқтисодий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизларнинг барчаси билан индивидуал ишлар олиб борилмоқда.

Бандлик — аксарият муаммолар ечимидир

Аёлларни банд қилиш орқали кўплаб муаммоларга ечим топиш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқилган манзилли дастурга асосан, жорий йилнинг 10 ойи давомида оғир турмуш шароитида яшаётган 50 нафар хотин-қиздан 48 нафари ишга жойлаштирилди. Туманда бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда, ноябрь ҳолатига, 550 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, шундан 200 нафари корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига, 190 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 160 нафари касбга ўқитишга юборилди.

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган ресурс маблағи ҳисобидан «темир дафтар»га киритилган 9 нафар хотин-қизга тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Туманда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини янада ошириш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш борасида «Аёллар дафтари» тизими бўйича иш олиб борилмоқда.

Таъбир жоиз бўлса, бугун маҳаллаларда олиб бориладиган ишларни қизгин курашларга қиёслаш мумкин. Бу саъй-ҳаракатлар эса юзага келган муаммоларни йўқотиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, чиройли ҳаёт тарзини барпо этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



**Қорақалпоғистонда танксимон антиқа
автотранспорт яратилди.**

Ўтган ҳафта биз, хоразмликлар учун ўта муҳим сарҳисоб даври бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифи давомида амалга оширилган ишларга таҳлилий, танқидий баҳо берилди. Ютуқлар эътироф этилиб, келажак режалари белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбари барча тизим ходимлари, шу жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари фаолларини ҳам халқ, Ватан тараққиёти учун янада фидокорона меҳнат қилишга ундади.



ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ИНТИЛИШ, АЛБАТТА, САМАРА БЕРАДИ



Ихтиёр БОЛТАЕВ,

Тупроққалъа тумани ҳокими ўринбасари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Жумладан, фаоллар билан ўтган йиғилишда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Ҳар бир шаҳар ва туман, маҳаллада мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, «ўсиш нуқталари» белгиланди. Урганч шаҳрида тўқимачилик ва туризм, Хива шаҳрида туризм ва қурилиш материаллари, Гурлан туманида тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги, Янгибозор туманида иссиқхона ва мева-сабзавотни қайта ишлашни кучайтириш, шу орқали одамларни ишли, ҳудудларни обод қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Тўғриси, мени Президентимизнинг Тупроққалъа тумани келажак масаласидаги ташаббуслари жуда тўлқинлантириб юборди. Таъкидланганидек, туманимизда машинасозлик ва электр техникаси каби йўналишларни ривожлантириш имкони мавжуд. Бу йўл билан минглаб фуқароларни ишли қилиш мумкин. Масалан, режадаги лойиҳалар амалга ошгач, бутун Хоразм бўйича 16 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Эътибор берсангиз, лойиҳаларнинг бари сердаромад, ойлик иш ҳақлари юқори соҳаларда йўлга қўйилмоқда. Демак, яқин келажакда вилоятда камбағалликка барҳам берилиши, аҳолининг турмуш даражаси бир неча баробар кўтарилишига ишонил мумкин.

Эҳтиёжмандларга эътибор қандай?

Бевосита Тупроққалъа тумани

мисолида олсак, Президентимиз белгилаб берган масалаларда бир қанча ишлар амалга оширилганини айтиб ўтиш мумкин. Туманда 60 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги кунда «темир дафтар»га киритилганлар сони 1 минг 359 нафарни ташкил қилмоқда. Ногирон, кекса, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларнинг «темир дафтар»га кириши, камбағаллик домига илинишини тушунса бўлар. Бундайларга давлатимиз, маҳалла-қўй кўмак беришга ҳамisha тайёр. Уларнинг муносиб ҳаёт кечирилари учун шароит яратиш бевосита бурчимиз ҳамдир.

Шахсан мен туман ҳудудида қийналиб қолган ногирон ёки якка-ёлғиз кекса инсон, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган она тўғрисида эшитсам, айбдорлик ҳиссини сезаман. Дарров уларнинг аҳволини яхшилаш, турли йўллар билан кўмаклашишга уринаман. Биламизки, Президентимиз, ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳам айнан шунга йўналтирилган. Бўлимимизнинг барча ходимлари буни яхши англайди. Белгиланган вазифаларни аъло даражада удалашга уринишади.

Масалан, йилнинг ўтган даври мобайнида камбағал ва эҳтиёжманд оилаларга «Саховат ва кўмак жамғармаси» ва ҳомийлар томонидан жами 942 миллион 600 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан қиймати 338 млн. сўм бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, 53 млн. 500 минг сўм нақд (ёки пластик карточка) пул кўринишида, 7 млн. 100 минг сўм бўлган дори-дармон етказиб берилди, 326 млн. сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Аммо меҳнатга яроқли, туядек кучи бўла туриб, ўзини камбағал ҳисоблайдиганларни сира тушуна олмайман. Бу менинг шахсий фикрим. Ҳозирги кунда имкон топган киши борки, меҳнат қилиб, чиройли ҳаёт кечирishга ҳаракат қилмоқда. Фарзандларни илмли, фаросатли, элу юртга фойдаси тегадиган этиб тарбиялаш ҳар бир юртдошимизнинг бош мақсади. Шунга қарамай, Тупроққалъада ҳамон «темир дафтар»га кирган 354

нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқаро сақланиб қоляпти.

Сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари уларнинг ҳар бири билан учрашдик. Натижада бундай ишсизларнинг асосий қисми ўз яшаш ҳудудига яқин жойларда иш билан таъминланди. Уларга кўшимча даромад манбаларини шакллантириш мақсадида 13 та оилага бир бошдан қорамол, 36 та оилага 342 та қўй ҳамда 20 та оилага 150 та товук олиб берилди.

Иссиқхона аҳоли дастурхонини тўқин қилади

Иссиқхона ташкил қилиш, мана, бир неча йилдирки, ҳукуматимиз томонидан кўйилган асосий талаблардан бири бўлиб қолмоқда. Бу аҳолининг ўзини ўзи банд қилишида энг самарали ва тезкор усул. Зеро, томорқада қурилган битта 5 сотихли иссиқхонадан оила 20 миллион сўмгача ва ундан ортиқ кўшимча соф даромад кўриши мумкин.

Томорқаларда помидор, бодринг, кўкат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида Урганч туманида ташкил қилинган бешинчи авлод — энг замонавий иссиқхоналарни кўздан кечиргани ва бундай ташаббусларни қувватлагани ҳам бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда туманимизда 589 та иссиқхона мавжуд. Жорий йилнинг ўзида «темир дафтар»га тушган 171 нафар фуқарога 411 млн. сўмлик енгил конструкцияли иссиқхона ва 33 нафарига кредит ҳисобидан иссиқхона қуриб берилгач, мингга яқин фуқароимизнинг турмуш шароитлари яхшиланди. Чет элларда меҳнат мигранти сифатида ишлаб, оила тебратган шахслар ўз уйида, ўз томорқасида, оиласи бағрида тиркичилик қиладиган бўлди.

Шу каби 95 та кам таъминланган ва камбағал оилага ёрдам бериш мақсадида уларга ҳам жами 40,1 гектар бугдойдан бўшаган экин ер майдонлари тақсимлаб берилди.

Туркман гилами фақат Туркменистонда чиқарилмайди

Хотин-қизларни иш билан таъминлашда ўзига хос йўналишни танлаганмиз. Туманимизда чорвачилик, айниқса, туячилик ривожлангани маълум. Бир неча шундай фермер хўжаликлари ҳам фаолият юритади. Шу пайтгача улардан олинган жун маҳсулотлари ташлаб юборилган ёки арзон-гаровга сотиб келинади. Ҳудудда гиламдўзликни ривожлантириш орқали эса бу масала ижобий ҳал этилди.

Масалан, яқинда «Саримой Туркман гиламлари» кооперацияси ташкил қилиниб, қарийб 70 миллион сўм субсидия ажратилди. Бу маблағ эвазига қизларимизни гиламдўзлик санъатига ўргатиш, дастгоҳ билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Натижада 80 нафар, шу жумладан, 29 нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар бандлиги таъминланди. Ҳозирда гиламдўз қизларимиз турли мавзудаги қўл меҳнати билан яратилган гиламларни хорижий ва маҳаллий харидорларга етказиб беришмоқда. Бундан ташқари, 111 миллион сўмлик «Тупроққалъа ёшлар келажак» кооперациясида яна ўнлаб ёшлар ўз ўрнини топди.

Замонавий шароит меҳнат унумдорлигини оширади

Юқоридагилар билан бирга, маҳалла идораларининг моддий-техник базасини такомиллаштириб бориш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Масалан, Тупроққалъада 15 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлса, аммо шу пайтгача уларнинг фақат олтитасигина ўз биносига эга эди. Қолганлар ижара бинолар, мактаб, коллежлар таркибидаги хоналарда фаолият юритишга мажбур бўлган.

Тасдиқланган режага кўра, шу кунларда 9 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлар томонидан янгидан қурилмоқда. Шундан 2 та бино жорий йил фойдаланишга топшириб бўлинди. Тўртта маҳаллада қурилиш ишлари якунланмоқда.



Индонезия Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон зиёрат туризмни тарғиб қилади.

САХОВАТ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЛМАЙДИ

Президентимизнинг вилоятимизга бу галги ташрифи ҳар қачонгидан-да ўзгача ва самарали бўлди. Вилоят фаоллари билан ўтган йиғилишда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Ҳар бир шаҳар ва туман, маҳаллаларда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, асосли ривожланиш дастурларини, таянч нуқталарни белгилаш лозимлиги таъкидланди. Жумладан, 2021 йилда вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар бандлигини ошириш мақсадларига 500 миллиард сўм кредит ресурси ажратилиши маълум қилинди.



Отамурот ҚАЛАНДАРОВ,
Урганч тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Бу кам пул эмас. Бу маблағларга ўнлаб янги корхоналар, янги тадбиркорлик субъектлари, замонавий иссиқхоналар, туризм, хунармандчилик марказларини барпо этса бўлади. Шу йўл билан минглаб фуқароларни доимий, муносиб даромадга эга қилиш мумкин. Натижада жиноятчилик, миграция, ажралишларнинг олдини олиш каби масалаларда янада самарали ишлаш имкони яратилади. Энди маҳаллий раҳбарларнинг асосий вазифаси — мазкур маблағларни тўғри тақсимлаш, керакли тармоқлар, тизимларга йўналтириш ва пировардида тараққиётнинг янги босқичига кўтарилишдан иборат. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳам бу жараёнга ҳиссасини қўшиш, белгиланган топшириқларни ўз вақтида самарали амалга ошириш борасида барча имкониятларни ишга солади. Жумладан, бугунги кунда маҳаллаларда «темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар ўртасида тадбиркорлик, ташаббускорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ажратилган кредитлар, моддий ёрдамлар, ҳомийлар кўмаклари ўз эгаларига етиб бориши, мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат амалга оширилмоқда.

Касбга ўргатиш — ишсизликнинг самарали ечими

Туманимизда бу йўналишдаги ишлар қатъий жамоатчилик назорати тартиблари асосида боради. Зеро, маблағларнинг мақсадли сарфланишининг бош меъзони — жамоат назоратидир. Аҳоли томонидан билдирилади

тиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди. Марказлар тикувчилик ва бошқа йўналишлар бўйича керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича «устоз-шоғирд» анаънаси асосида яна 64 нафар ёш касб ўрганди.

Тадбиркорлик ривожини — муаммолар ечими... (ми?)

Асосийси, хунар ўрганганларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам алоҳида ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда туманимизда 630 та кичик бизнес субъектини ташкил этиш режалаштирилган эди. Пандемия шароитида режаларни амалга ошириш қийин бўлгани ҳам бор гап. Аммо ҳаракатларимиз натижасида ноябрь ойига қадар 580 та шундай субъектнинг тамал тоши қўйилди. Бу бора-

лар — kelajagimiz» дастури асосида 7 та субъектга 863 млн. сўмлик кредитлар ажратиб берилди.

Қанча оила дафтарга киритилди?

Бугун туманимизда 200 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сектор раҳбарлари, «Камбағалликни қисқартириш штаби» аъзолари, депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида 1 минг 280 та камбағал, эҳтиёжманд оила «Темир дафтар»га киритилди. Биргина Қурбон ҳайити арафасида улардан 774 тасига 639 миллион сўм пул тарқатилди.

Шу билан бирга, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида тегишли жамғарма ва саховатпеша тадбиркорлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан 1 минг 280 та оилага 2,19 миллиард сўмлик, шу жумладан, 21 та ногирон, ўзгалар қарамоғига муҳтож ва бошқа беморлари мавжуд оилаларга 3,1 миллион сўмлик дори-дармон олиб берилди.

Юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатлар ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсатнинг кичик бир қисми, холос. Амалга оширилаётган ишларнинг асл миқёси бундан бир неча баробар кенгрок. Аминманки, бу каби савобли ишлар ҳали давом эттирилади. Натижада яна бир неча йил ичида нафақат бизнинг туманда, балки бутун республикамизда камбағаллик, ишсизлик каби ҳолатларга барҳам берилиб, аҳоли турмуш даражаси бир неча баробар кўтарилади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бу йўналишда фаолиятини изчил давом эттиради.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 24 миллиард сўмдан ортиқ, «Yoshlar — kelajagimiz» дастури асосида 7 та субъектга 863 млн. сўмлик кредитлар ажратиб берилди.

ган ҳар қандай мурожаатга тезкорлик билан муносабат билдирамиз. Масаланинг ечими билан шуғулланилади. Фуқарони рози қилиш учун ҳаракат қилинади.

Одамни рози қилишнинг асосий йўналиши — муносиб даромад манбаини шакллантиришдир. Тўғриси, шахсан мен моддий ёрдамлардан кутилган натижа бўлишига ишонмайман. Зеро, «Қўлдан берганга қуш тўймас», дейдилар. Моддий ёрдамнинг ўз ўрни, пайти бор. У ҳақиқатда эҳтиёжманд одамларгагина берилиши лозим. Акс ҳолда, аҳолини боқимандаликка ўргатиб қўйишимиз мумкин.

Туманимизда 2020 йилнинг шу даврига қадар 283 нафар (шундан 268 нафари аёллар) фуқаро турли касбларга ўқитилди. Бунинг учун 2 та — «Қоромон» ва «Мевазор» маҳаллаларида касб-хунарга ўқи-



даги ишлар давом эттирилмоқда. Йил якунига қадар яна 50 та янги тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишга эришамиз. Умуман олганда, туманда бундай корхоналар сони 2 минг 239 тани ташкил этди. Кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 395 тага (121,4 фоиз) кўп демакдир.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 24 миллиард сўмдан ортиқ, «Yosh-

Болалар учун «Aqivoу» телеканали ташкил этилади.

Худудлардаги «ўсиш нуқталари»ни ишга солиш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда кичик саноат зоналари, технопарклар ташкил этилаётгани сир эмас. Бу жараёнлардан бизнинг шаҳримиз ҳам четда қолаётгани йўқ, албатта. Куни кеча Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида шаҳримизда бунёд этилган технопаркка ташриф буюриб, ташаббусни маъқуллади.



ХУДУДЛАРНИНГ «ЎСИШ НУҚТАСИ» ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Шу ўринда «Урганч» технопарки жами 6 та блокдан иборатлиги, бу ерда қисқа вақт ичида иккита корхона фаолият бошлагани, бу орқали 500 нафардан зиёд ҳам-шаҳримиз иш билан таъминланганини айтиб ўтиш жоиз. Германия, Италия, Туркия каби давлатлардан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари орқали ишлаб чиқарилаётган болалар ва катталар кийимлари, жинси шим каби 100 дан ортиқ турдаги тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фоизи экспортга йўналтирилган. Технопарк тўлиқ ишга тушгач, йилига қарийб 87 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 5,8 миллион долларлик товар экспорт қилиниши мўлжалланган.

Машинасозлик саноати ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Жумладан, Урганч шаҳридаги «UzXCMG» қўшма корхонасида 13 турдаги экскаваторлар, 10 турдаги қурилиш ва автомобиль йўллари таъмирловчи техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада айни пайтда 52 киши иш билан таъминланган. 2021 йилда қўшимча тармоқлар ишга тушиши натижасида яна 30 иш ўрни яратилади.

Ташаббус — муаммолар ечимига хизмат қилади

Дарҳақиқат, янги корхоналарнинг ишга тушиши, одамларнинг иш билан таъминланиши мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис бу каби ташаббуслар ҳаммиса Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимидининг диққат марказида бўлади. Бўлимимиз ишга қабул қилишда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, аёллар, ёшлар манфаатларининг ҳисобга олинишини таъминлаш йўналишида фаолият олиб бормоқда. Натижада юқоридаги корхоналарда иш билан таъминланганларнинг 75 фоизини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилмоқда.

Умуман олганда, жорий йил пандемия шароитига қарамай, шаҳримизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Урганч юқори даражада саноатлашган ҳудудга айланиб бормоқда. Мисол учун, шаҳарда 1 ноябрь ҳолатига кўра, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг сони 4 минг 523 тани ташкил қилган бўлса, шундан 701 таси саноат ишлаб чиқаришига тааллуқли.

Бу ўринда кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ҳам назардан четда



қолаётгани йўқ. Зеро, камбағалликни камайтириш, маҳаллаларда барқарор ижтимоий муҳитни яратишда бу йўналиш муҳим ўрин тутди. Мазкур соҳа туман ҳокимлиги, жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимидининг диққат марказидадир. Масалан, 2020 йил январь-октябрь ойлари давомида саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларидаги 649 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

Ҳар бир оила тадбиркор бўлмоғи лозим

Тадбиркорлик замонавий дунёнинг асосий талабидир. Бугунги кун одамлардан ташаббус, ҳаракатчанлик, шижоатни талаб қилаётгани рост. «Берсанг — ейман» деб, ўтирадиган давр эмас. Бундан ташқари, фуқаролар ташаббусларини рўёбга чиқариш учун ҳукуматимиз ҳам етарлича имкониятларни яра-

тиб берган. Жумладан, бўлимимиз тегишли ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликнинг бу борадаги хайрли амалларига доимо елкадош.

Шаҳримизда жорий йил «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 656 та субъектга 20,5 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада юзлаб оилалар ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлди. Булар қаторида тикувчилик, гиламдўзлик, пойабзаллар тайёрлаш, қандолатчилик корхоналари мавжуд. Натижада биргина шу дастур

асосида 742 та янги иш ўрни яратилди. Фуқаролар ўз оиласи бағрида, аксар ҳолларда ўз уйи, ўз томорқасида фаолият юритиб, тирикчилик қилишга, иш стажини ёзилишига ва вақтисоати келганида муносиб пенсия нафақаси олиш имконига эга бўлдилар.

Қатор бошқа лойиҳалар доирасида қилинган ишлар салмоғи ҳам катта. Мисол учун, «Хунармандликни ривожлантириш» дастури доирасида 70 та субъектга 2,3 миллиард сўм (133 та иш ўрни), Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 6 та субъектга 0,2 млрд. (6 та иш ўрни) ва «Yoshlar — kelajagimiz» дастури доирасида 16 та субъектга 4,0 млрд. сўм (66 та иш ўрни) имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Урганч шаҳрида 1 минг 715 нафар фуқарони ўзини ўзи банд қилиш орқали иш билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, 23 ноябрь ҳолатига яшаш манзили бўйича 2 минг 86 нафар фуқаро (121,6 фоиз) ва фаолият манзили бўйича 2 минг 236 нафар (130,4 фоиз) фуқаро ҳисобга олиниб, ўзини ўзи банд қилди. Уларнинг 455 нафари ижтимоий йўналишларда, 274 нафари саноатда, 103 нафари қишлоқ хўжалигида, 65 нафари ахборот-коммуникация, 899 нафари маиший хизматлар, 440 нафари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўналиши бўйича фаолиятини расмийлаштирди.

Алтибай РАДЖАБОВ,
Урганч шаҳри ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ижтимоий ҳимоя — фаолиятимиз асосидир

Яқунига етаётган йилда «Обод маҳалла» дастурига мувофиқ, амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам катта. Жумладан, ободонлаштириш ишлари доирасида 23 километрдан зиёд ички автомобиль йўллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Йўллар, маҳаллаларда 148 донга ёритиш жиҳозлари ўрнатилди.

Бугунги кунда «темир дафтар»га киритилган 1 минг 531 та камбағал оилада 6 минг 454 нафар киши яшамоқда. Уларнинг 344 нафари меҳнатга лаёқатли ишсизлар ҳисобланади. Юзма-юз учрашувлар, суҳбатлар жараёнида камбағал оилалардаги ишсизлардан 1001 нафари ўз ҳудудига яқин корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Уларнинг катта қисми ўз аризаларига кўра, халқ депутатлари туман Кенгаши қарори билан «темир дафтар»дан чиқарилди. Шаҳардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати натижасида 5,1 миллиард сўмлик озиқ-овқат, пул маблағлари ва бошқа зарур маҳсулотлар тарқатилиши таъминланди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг: «Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир. Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, Янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқишларига ишонман», деган сўзлари ҳар биримизнинг фаолиятимизда бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Марғилонда «Отабек ва Кумуш уйи» қурилади.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, кекса авлод ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таъсир кучи янада ошиб бормоқда. Маҳалла тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим, хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ мутахассис, барчаси бу масъулиятни унутмаслиги керак.



ЮТУҚЛАР КЎП, БИРОҚ МУАММОЛАР ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК



Насиба СОДИҚОВА,
Кармана тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Туманимизда 39 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, улардаги 38 минг 892 та оилада 142 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Биз бор куч ва маҳоратимизни ана шу фуқароларнинг тинч-тотув, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш, ҳар бир ҳудудда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизимни жорий этишга бағишляпмиз. Жорий йил баҳорида «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча ва ҳар бир хонадонни обод ҳамда кўркам ҳудудга айлантириш бўйича 29 банддан иборат медиа-режа ишлаб чиққан эдик. Шунга асосан,

жойларда «Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла» гоёси сингдирилган «Саломатлик учун беш минг қадам» акцияси, «Бизнинг саранжом хонадонимиз», «Намунали оиланинг ҳар ёни саришта», «Бир оила ибрати», «Бизнинг оила китобхон», «Кўчабоши (уйбоши) — ободлик ташаббускори», «Ободлик кўнгиладан бошланади», «Менинг обод кўчам», «Юрт ободлиги хонадондан бошланади» сингари кўплаб тадбирларни ўтказдик.

Шаффоф ижтимоий ҳимоя — бош мезон

Бахт нима? Ҳар ким буни ўзича талқин қилади. Бахтли бўлишнинг бир шарт борки, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Инсоннинг бошпанаси, яъни ўз уйи — ўлан тўшаги бўлса, бундан зиёда бахтиёрлик борми? Меҳр кўрғони, мурувват маскани — маҳалла кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга қўл-қанот бўлиш билан бирга, уй-жойга мухтож фуқароларни қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр. Жорий йилда маҳалла ходимлари тарғиботи билан 3 нафар чин етим тадбиркорлар ҳомийлиги билан уй-жойли бўлди. Камбағаллик рўйхатига олинган 6 та бошпанасиз оила Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич тўловсиз уй-жой билан таъминланди.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 62 миллион сўм маблағ эвазига 8 та оғир шароитдаги оиланинг тураржойи таъмирлаб берилди. Меҳнати билан даромад топиб, рўзғорига барака киритиш истагида бўлган 14 нафар хотин-қизга тикув дастгоҳи олиб берилди, 4 нафар касалманд онанинг даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Пандемия матонатли, меҳр-оқибатли халқимизни яна бир карра синовдан ўтказди. Йўғон чўзилиб, ингичка узилдиган даврда халқимизга хос йиқилганни суяш,

йиғлаганга далда бериш фазилати намоён бўлмоқда. Аммо ишсизлик авж олгани, даромад камайгани ва хасталаниш ҳолатлари кўпайгани туфайли юзлаб оилалар қийналиб қолгани рост. Баъзи фуқаролар коммунал тўловни тўлаёлмай аросатда. Бевосита маҳалла ходимлари уйма-уй юриб, ночор оиладаги шароит ва муҳитни ўрганиши натижасида 15 та хонадоннинг қарздорлиги ёпилди. 15 нафар оғир турмуш шароитидаги хотин-қизга 1 миллион сўмдан пул маблағи берилган бўлса, 21 нафар аёлга реабилитация воситалари, жумладан, 8 та ногиронлик аравачаси, 5 та эшитиш мосламаси, 7 та ҳасса ва 1 та юриш мосламаси бегараз ёрдам сифатида тухфа қилинди.

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш учун

Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини оширишда ўз ўрнимизни топиб олишимиз керак. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорми? Ҳуқуқий саводхонлиги қай даражада? Бу борада биз масъул лавозимда ишлаётган опасингилларимизга таянамиз. Улар иштироки билан «Мамлакат тараққиётида хотин-қизлар улуши» мавзусида давра суҳбатларининг ўтказилиши озми-кўпми, ишсиз ёки оддий лавозимда меҳнат қилаётган хотин-қизлар дунёқарашини кенгайтирган бўлса, ажаб эмас.

Айни пайтда кенжа авлодга эътибор қаратишимиз керак. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида «Ораста қизлар» клуби фаолиятини намунали йўлга қўйдик. Қизлар нимага қизиқишади? Қандай орзу-ниятлари бор? Ўрганиб чиқдик ва 327 нафар уюшмаган қизларни ана шу тўғаракка қамраб олдик. Ҳеч бўлмаганда, уларга оилавий ҳаётда асқатадиган пазандалик, меҳмон кутиш, саранжом-сарийшталик сабоқлари бериб бориляпти.

Муаммолар ечилмоқда, аммо...

Хотин-қизларга оид долзарб муаммолардан бири — бандлик масаласидир. Зотан, ишлаган

тишлайди, рўзғорига даромад киради. Иш ўрнини топа олган аёл жамият ҳаётидан бохабар бўлади, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ўзини ҳам дахлдор деб билади. Жорий йилда 1 минг 265 нафар карманалик хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Жумладан, 215 нафари доимий иш ўрнига эга бўлган бўлса, 322 нафарининг ўзини ўзи банд қилишига эришилди. 320 нафар хотин-қиз меҳнат стажи кафолатланиб, пиллачилик корхоналарида мавсумий ишга жойлаштирилди, 680 нафари эса жамоатчилик асосидаги ҳақ тўланадиган ишларга жалб қилинди. 75 та хонадонда туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда субсидия эвазига иссиқхона, 27 та оилада эса томорқачиликни ривожлантириш мақсадида сув насослари ўрнатиб берилди.

Дафтар иш қуролимизга айланди

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар муаммоларини ҳал этишнинг муҳим воситасига айланмоқда. Ютуқларнинг борлиги яхши, дилни хира қиладиган муаммолардан ҳам халос бўлишимиз керак. Жорий йилнинг 11 ойи давомида оилавий ажралишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 тага ошган, 7 та ўз жонига қасд қилиш, яъни суицид қайд этилган. Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ўтган йилгига қараганда 6 тага камайган бўлса-да, амалдаги йилда 19 нафар хотин-қиз томонидан 22 та жиноят содир этилгани ҳам ҳали эътиборни кучайтириш зарур бўлган жиҳатлар борлигини кўрсатади.

Демак, келгусида аҳоли билан ишлаш тизимини янада жонлантиришимиз, ҳар бир тумандошимиз юриш-туриши, ҳаёт тарзи, режа-мақсадларидан бохабар бўлиш учун янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз, маҳалланинг таъсирчанлик родини оширишимиз лозим.

«Mahalla» мухбири
Холбиби Сафарова ёзиб олди.

Мавзуга оид маълумот:

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тавсияномаси билан 50 нафар хотин-қизга 610 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, уларнинг томорқадан даромад олишига имконият яратилди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида 210 нафар аёлга чорвачилик, паррандачилик, тикувчилик ва иссиқхона фаолиятини бошлаши учун 3106 миллион сўм кредит маблағи ажратилиб, 374 та янги иш ўрни яратилди.

АДОФИГА ЕТМАГАН ИШЛАР

сарҳисобда, албатта, қайд этилади

«Маҳалла ҳам онанг, ҳам отанг» деган нақл бежиз айтилмаган. Биз ким бўлмайлик, қайсидир маҳаллада яшаймиз, яхши-ёмон кунимиз маҳалла-кўй, кўни-кўшни билан ўтади. Жорий йилда ўзбекона бу хислат янада яққолроқ кўринди. Пандемия туфайли мамлакатимизнинг барча ижтимоий тизимларида қийинчилик, танқислик юзага келди. Иш ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган даврда одамларнинг ижтимоий ёрдам ва хизматга бўлган эҳтиёжи бирмунча ошди. Бу эса азалдан меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрғони бўлган маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юклади.

Учқудуқ тумани — Навоий вилояти марказидан қарийб 300 километр олисда жойлашган бўлиб, кўп миллатли аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудда ўзига хос турмуш шароити мавжуд. Учқудуқликлар асли «туғди-битди» эмас, аксарияти тирикчилик важида кўшни туман ва вилоятлардан кўчиб келишган. Албатта, тақдир тақозоси туфайли вақтинчалик ҳудудда яшаётган, аммо бошқа элдан келган турли миллатга мансуб аҳолининг тинч-тотув, ҳамжихатликда ҳаёт кечирishi муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, аввало, давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ҳаммиша қонун устуворлиги ҳамда адолат тамойилларига амал қилиниши лозим. Зеро, адолат бўлмаган жойда адоват юзага келади ва аҳоли ҳамжихатлигига путур етади. Маҳалла тизими ходимлари 2020 йилда бу жиҳатта янада кўпроқ эътибор қаратишди.

Туманимизда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, унда 42 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Карантин даврида ижтимоий қийинчиликка дуч келган 176 та оилага 36,5 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон, гигиеник воситалар етказиб берилди. Учқудуқнинг юраги ҳисобланган Шимолий кон бошқармаси томонидан 200 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаронинг ҳар бирига 930 минг сўмлик, жами 186 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Қурбон ҳайити муносабати билан 205 та эҳтиёжманд оилага 138 млн. сўмлик нақд пул ҳайитлик совғаси сифатида тарқатилди. Шунингдек, «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини



қўллаб-қувватлаш учун 50 млн. сўм маблағ сарфланди.

Иш билан таъминлаш — ҳаммиша эътиборда

Учқудуқ аҳоли сони кам бўлсада, саноатлашган туман. Бу ерда Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи фаолият кўрсатаётгани ва мазкур корхонада кетма-кет янги цехлар ишга туширилаётгани боис бизда ишсизлик даражаси бошқа ҳудудларга қараганда бирмунча паст. Шунга қарамай, туманда тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратяпмиз. Жорий йилда «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда маҳалла ва овулларда ташкил этилган ўқув курсларида «Устоз-шогирд» аъъанасига мувофиқ, 33 нафар устоз томонидан 183 нафар шогирд касб-хунарга ўқитилди. Шунингдек, 9 нафар хунармандга «Хунарманд» уюшмаси томонидан 302 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ўқув курсини тугатган 25 нафар хотин-қиз касаначи сифатида мустақил иш бошлади.

Оғир шароитдаги аёллар — маҳалла ҳимоясида

Хонадонма-хонадон юриб, одамлар яшаш тарзини, оилалар даромадини ўрганиб чиқяпмиз. 32 нафар ўта оғир шароитда истиқомат қилаётган аёл бор экан. Шундан 6 нафари уй-жойга муҳтожлиги боис айни пайтда «Йўлчилар» овул фуқаролар йиғинида бунёд этилаётган кўп қаватли уйдан улар учун квартира ажратиш режалаштирилган. 4 нафар имконияти чекланган аёлга ногиронлик аравачаси, бир нафарига эшитиш мосламаси олиб берилди.

Пандемия шароитида коммунал тўловни амалга ошириш имконияти бўлмаган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Шу

мақсадда 15 миллион 467 минг сўм ажратилиб, 10 та оиланинг коммунал қарздорлиги сўндирилди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг жами 5 миллион сўм пул маблағи 10 нафар эҳтиёжманд аёлнинг ҳар бири учун 500 минг сўмдан тақсимланиб, уларнинг коммунал тўлови ёпиб берилди.

Китоб — энг буюк тарбиячи

Кўп миллатли аҳоли аҳил-иноқ яшаса, оилаларда барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳукм сурса, маънавий-маърифий руҳдаги тадбирлар кўпроқ ўтказилса, ўша ҳудуд гуллаб-яшнайдиган, ривожланади. Китобхонликнинг ривожлантириш ва аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида туман ахборот-кутубхона маркази томонидан барча маҳалла ва овулларда кўчма кутубхона ташкил этилиб, 3 мингдан зиёд китобхон аъъоликка қабул қилинди. Айни пайтда барча маҳалла фуқаролар йиғинлари «Ҳар ҳафтада бир китоб мутулаа қиламиз!» онлайн танловини ўтказишмоқда.

Китобхон оилалар кўпайгани ёшлар тарбиясида катта бурилиш ясайди. Саноат корхоналарида ишловчи, уйда кам бўладиган ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясида китобхонликнинг родини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ота-онаси ҳаммиша банд болаларни мутулаага ўргатиш, китобга ошно қилиш эса тарбия ишончли қўлларда, деганидир. Зотан, дунёда китобдан-да буюк мурабийнинг ўзи йўқ.

Муаммолар ҳам йўқ эмас

Биласизми, бизни нима ташвишлантиради? Фариштага менгзалган аёлнинг жиноят кўчасига кириши, ичкиликка ружу қўйиши қайси маҳаллага ярашади? Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бу масалага асло бефарқ қарай олмайди. Хотин-қизлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлик-



Улуғбек Тўраев,
Учқудуқ тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда йил бошидан буён йиғинларда 191 та тарғибот тадбири ташкил этилди. Оилаларга кириб, хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқот ўтказдик. Амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирларга қарамай, 1 нафар онанинг фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани, 8 нафари ичкиликка ружу қўйгани ҳамда 16 та нотинч оила мавжудлиги маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари масъуллари янада масъулият билан ишлаши лозимлигини кўрсатади. Жорий йил бошидан буён туманимизда 20 та оила ажралиши қайд этилди. Овулларда 9 та расмий никоҳсиз яшаётган оила борлиги аниқланиб, Давлат хизматлари маркази билан ҳамкорликда сайёр хизмат ташкил этилди. 3 та оиланинг никоҳи расмий ийлаштирилди, аммо 6 таси у ёки бу сабабга кўра, расмий никоҳдан ўтмади. Бу ҳолат эса маънавий мезонлари, қолаверса, қонун талабларига зиддир.

Бизни ташвишлантираётган ҳолатлардан яна бири, бу — олиб борилган тарғибот ишларига қарамай, оилаларда маиший зўравонликнинг учраб туришидир. Йил бошидан буён туманда ўз оиласида зўравонлик ва таъйиққа учраган 7 нафар аёлга «Ҳимоя ордери» олиб берилди. 2019 йилда 2 нафар учқудуқлик хотин-қиз ўз жонига қасд қилгани қайд этилган эди, афсуски, жорий йилда бу нохуш ҳолат ҳам биттага кўпайиб, 3 тани ташкил этди.

Иш борми, ютуқ бор, камчилик ҳам йўқ эмас. Бизни қилинган иш эмас, қилинмаган, ечимини кутаётган ишлар кўпроқ қизиқтириши керак. Сарҳисобда эса фақат қўлга киритилган натижалар эмас, балки бу йил адофига етмаган ишлар ҳам қайд қилиниши зарур. Шундай ишлашимиз керакки, халқ ўз ҳаётида маҳалланинг онаси каби меҳрибон, отаси каби суянчиқ эканини ҳис қилсин.

«Mahalla» мухбири
Холбиби Сафарова ёзиб олди.

ФАОЛИЯТ ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ БЎЛСА, ИШДА УНУМ ВА БАРАКА БЎЛАДИ

Зарафшон шаҳрида бугунги кунда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Шаҳарда 84 мингдан ортиқ аҳоли 19 минг 739 хонадонда истиқомат қилади. Худуддаги 11 та маҳалла ўзининг замонавий биносига эга. 2 та маҳаллада хусусий шериклик асосида янги бино қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчаси керакли жиҳозлар билан таъминланган. Қилинаётган шартшароитлар замирида шаффоф ва адолатли хизмат кўрсатиш кераклиги ётади. Шундагина ишда унум ва жамиятга наф тегиши мумкин.

Барчаси назоратга олинган

Жорий йилда амалга оширилган энг катта янгилıklarдан бири сифатида камбағал оилалар ҳисоби юритилиб, улар билан манзилли шуғулланиш бошлангани келтириб ўтиш мумкин. Президентимизнинг йил бошида ушбу йўналишни қатъий белгилаб бергани ҳам ўзига хос тарихий воқеа бўлди, деб айтиш мумкин. Ҳатто оғир пандемия шароитида ҳам айнан «Темир дафтар» шакллантирилгани бизга жуда асқатди. Мазкур тизим бўлмаганда, ишимиз осонлик билан кўчмаслиги, хайр-саховат тадбирларини юқори аниқликда, манзилли йўналтира олмаган бўлар эдик.

Йил бошида бизда 915 та камбағал тоифадаги оилалар мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга қадар 665 та оила бу дафтардан чиқарилди. Қолган 250 та оиланинг 204 тасини йил охирига қадар «Темир дафтар»дан чиқариш имконияти мавжуд. Бугунги кунга қадар бу оилалардаги 990 нафар ишсизларнинг бандлиги таъминлангани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Жорий йил якунига қадар хатлов ишлари тўлиқ якунига етказилиб, 300 та хотин-қиз «Аёллар дафтари»га, 757 та йигит-қиз эса «Ёшлар дафтари»га киритилиб, уларнинг яшаш шароитлари, ижтимоий ҳолати ҳамда бандлигини таъминлаш масаласи алоҳида назоратга олинади.

Тадбиркорликда хотин-қизлар ҳам илдам

Шаҳримизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бугунги кунда 400 нафардан ортиқ аёлимиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Айни йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тавсияси асосида 8 нафар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизга 200 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ушбу кредитларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, тадбиркорлар томонидан 18 та янги иш ўрни яратилгани аниқланди. Бундан ташқари, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 79 нафар хотин-қизга 776,8 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган, ишсиз хотин-қизларни касблар бўйича қайта тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида шаҳарда жорий йилнинг октябрь ойидан тикувчилик, компьютер саводхонлиги, каштачилик бўйича бепул курслар ташкил этилган. Хотин-қизларнинг таклифлари инobatта олинган ҳолда психология курслари ҳам ташкил этилиши йўлга қўйилди.

«Обод маҳалла» тамойили — амалда

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллалар, кўчалар ва хонадонларни обод ва кўркем масканга айлантириш бўйича ҳам самарали ишларни йўлга қўйганмиз. Бу борада алоҳида штаб тузилиб, 10 кишидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди. 48 банддан иборат чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни кўшаман!» шиори остида

ДАРВОҚЕ...

Туманда ҳафтанинг душанба куни — «Оила куни», сешанба — «Чет давлатларга узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтган фуқаролар билан ишлаш куни», чоршанба — «Оилавий ажралишларнинг олдини олиш куни», пайшанба — «Профилактика куни», жума — «Ижтимоий ҳимоя куни», шанба — «Ногиронлар билан ишлаш куни» этиб белгиланган.

медиа-режа ишлаб чиқилди.

Жойларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойили, «Саломатлик учун беш минг қадам» акцияси, «Бизнинг саранжом хонадонимиз», «Намунали оиланинг ҳар ёни саришта», «Бир оила ибрати», «Бизнинг оила — китобхон оила», «Кўчабоши (уйбоши) — ободлик ташаббускори», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Менинг обод кўчам», «Юрт ободлиги хонадондан бошланади» каби мавзуларда аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилди.

Шунингдек, 910 та оиланинг хонадонлари тўлиқ таъмирлаб берилди, 133 та эҳтиёжманд, камбағал оилалар хонадонларининг ташқи уй атрофлари оқлаб берилди. 22 мингдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб оқланди, кўчалар ва ички йўлларда 56 мингдан ортиқ манзарали гуллар экилди, 65 та тунги ёриткичлар ўрнатилди, 910 та хонадонлар намунавий ҳолатга келтирилди. Ҳозирги кунга қадар 2 та қабристон тўлиқ ободонлаштирилди.

Турли ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик ва салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кузатув камераларини ўрнатиш борасида ҳам ишлар олиб борилди.



Учқун ОЧИЛОВ,
Зарафшон шаҳри ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

моқда. Жумладан, Алишер Навоий номли ва «Кончилар» маҳаллаларидаги 326 та кўп қаватли уйларга 202 та видеокамералар ўрнатилди. Йил якунигача худди шундай кўп қаватли уйларнинг 50 тасига видеокамералар ўрнатилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, мавжуд кўп қаватли уйларнинг 292 тасига тунги ёриткичлар ҳам ўрнатилди.

Саломатлик — бирламчи омил

Айни дамда маҳалла ходимларининг тизимга оид билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ҳафтанинг чоршанба кунлари ўқувлар ташкил этилган. Ўқувларга барча соҳа вакиллари жалб этилган бўлиб, республикамизда қабул қилинаётган барча қонунлар, фармонлар ва меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти юзасидан маърузалар қилиб боришди. Ўзаро савол-жавоблар орқали уларнинг моҳияти ўрганилмоқда.

Энг асосийси, Президентимизнинг жорий йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосланиб, бундан ташқари маҳалла ходимлари спортнинг волейбол тури бўйича шуғулланиб келишмоқда. Бундай ҳолат бошқаларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, спорт билан шуғулланиш оммавийлашмоқда десак ҳам бўлаверади. Бу эса айни пайтда аҳоли саломатлигини асраш борасидаги илк қўйилган қадамдир.

Ўзбек олими Бутунжаҳон араб тили иттифоқи
Марказий кенгаши аъзолигига сайланди.

Маҳалла тизимидаги ўзгаришлар ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга асос бўлмоқда. Куни кеча Президентимиз тизим фаолиятига яна бир бор тўхталиб, маҳалла бугун ислохотчига айланиши, энг куйи поғонадаги тизимни ҳақиқатда халқпарвар қилишимиз лозимлигини таъкидлади. Жумладан, маҳалла раисларининг ойлигини кўриб чиқиш, бунда жинойтчилик бўлмаган маҳалла 2 баробар кўп ойлик олиши ҳақидаги хабар барча тизим ходимлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Чиндан ҳам, бугун маҳаллалар том маънода аҳолининг кўмакчиси айланмоқда. Буни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Оилавий тадбиркорлик камбағалликни камайтирмоқда

Ободонлаштириш, тадбиркорликка эътибор, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ғамхўрлик бўйича амалга оширилаётган ишларни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳалларда кам таъминланган оилалар даромадини ошириш, уларни «темир дафтар»дан чиқаришда томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Тумандаги мавжуд 57 та маҳалла фуқаролар йиғинида томорқаси бор ҳовлилар сони 29984 тани ташкил этади. Аҳоли билан самарали иш ташкил этилгани сабабли ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга эришилмоқда. Хонадонлар обод, маҳаллалар файзиёб бўлмоқда. Иссиқхоналар барпо этилиб, чорвачилик, паррандачилик, кўенчилик, асаларичиликка кенг имконият яратилмоқда. Шунингдек, экин майдонларида сабзавот, полиз маҳсулоти, картошка, дуккакли ва мойли экинлар, шоли, тўқсонбости экилиб, аҳолининг даромади ошмоқда.



ЭНГ КҮЙИ ПОҒОНАДАГИ ТИЗИМ ЧИНАКАМ ХАЛҚПАРВАР БЎЛМОҒИ КЕРАК



Туманда тадбиркорлик йўналишида ҳам аҳолига кўмак кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида бугун 1332 та фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Шундай истақда бўлган 817 та фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. Бунда «оилавий бизнес» фаолиятига катта эътибор берилди. «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида маҳалла фуқаролар йиғини тавсиялари асосида 1994 нафар фуқарога кредит ажратилди. 26 нафар фуқаро касаначилик, 109 нафари хунармандчилик фаолиятини йўлга қўйди.

Ишсизлик қандай бартараф этилмоқда?

Ҳудудлардаги ижтимоий вазиятнинг барқарорлиги, аввало, ўша ердаги фуқароларнинг иш билан бандлигига боғлиқ. Ўйлаб кўрсангиз, барча жинойтлар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис туманимиздаги ишсиз ёшлар, аёллар бандлигини таъминлаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Оилаларимизнинг ижтимоий аҳволи ўрганилганда 2047 та камбағал оила борлиги, 3017 та оилада ногирон шахслар яшаши аниқланди. 2020 йилда ишсиз фуқаролар сони 6725 тани ташкил этган бўлса, шу кунгача уларнинг 6226 таси иш билан таъминланди. Айниқса, ишсизларни ишга жой-

лашда бўш иш ўринлари ярмаркалари яхши самара берди. 2020 йил давомида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 129 та корхона ва ташкилот иштирок этиб, 301 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Кексаларга эътиром

Халқимизда: «Қари билганини, пари билмас», деган нақл бор. Чиндан кексаларнинг ҳаёт тажрибасидан унумли фойдаланиш кўп муаммоларга ечим бўлмоқда. Шу мақсадда туманимизда 15 нафардан иборат «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари» ташкил этилиб, «Кексалар маслаҳати» гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ томонидан 355 нафар ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга кўмаклашилди. Шу билан бирга отахон-онахонларнинг ҳаёт тажрибасидан унумли фойдаланиб, 125 нафар ажрим ёқасига келиб қолган оилалар яраштирилди.

Тумандаги 177 нафар фронт орти меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳар бирига патронаж ҳамширалар бириктирилди.

Нуронийларнинг билим ва бой ҳаёт тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш мақсадида «Нуроний кечалари», «Фахрийлар учрашувлари» ташкил этилди. Энг фаол ва жамоатчи фахрийларимиздан 2 нафари I ва II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз нуронийлар доимий эътиборимизда бўлмоқда. Мисол учун, байрам санаси муносабати билан уларни йўқлаш, ҳолидан хабар олиш анъанага айланган. Мустақиллик байрами арафасида туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда 68 нафар фахрийларга 6 миллион



Илҳомжон ИКРАМОВ,
Норин туман ҳокими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

800 минг сўмлик, туман халқ таълими бўлими билан 128 нафар кексаларга 14 миллион 80 минг сўмлик, қишлоқ хўжалик бошқармаси, фермерлар уюшмаси билан 760 нафар фахрийга 14 миллион 80 минг сўмлик эсдалик совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. «Ногиронлар куни» муносабати билан 721 нафар ногирон ҳолидан хабар олинди.

«Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида тумандаги 313 нафар нуронийларнинг турли вилоятларга саёҳати ташкил этилди. Шунингдек, Наманган вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Сенатор Икромхон Нажмиддинов ташаббуси билан ойлик доирасида саёҳат уюштирилди. Норин туманидаги «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши» аъзолари, турли соҳаларда фаол иштирок этган 20 нафар фахрийлар Чортоқ туманидаги «Балиқчи кўл», Наманган шаҳридаги «Ўн бир Аҳмад» зиёратгоҳида бўлиб, Наманган шаҳридаги Нуронийлар чойхонасида бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар.

Туманда 5 та муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» ғояси остида спорт тадбирлари ташкил этилди. Спорт тадбирлари билан биргаликда ҳар куни пиёда юриш, соғлом турмуш тарзини, овқатланиш маданиятини тарғиб этиш ишлари амалга оширилди. 6724 нафар 65 ёшдан ошган кексаларни тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун замон шиддати биздан янгича ташаббус билан ишлашни талаб қилмоқда. Зеро, ҳар бир ходим ўз олдига қўйилган вазифани сидқидилдан бажарса, маҳалла аҳолининг чинакам суянчиғига айланади. Ўз навбатида, фуқаролар йиғини ходимлари обрўси ошиб, мавқеи мустаҳкамланади.



Жамшид Хўжаев МДХ мамлакатлари агросаноат мажмуаси масалалари бўйича ҳукуматларо кенгашни бошқарди.

Маҳалла меҳр-оқибат, тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашару маъракаларни кўпчилик билан бамавқат ўтказиш, яхши ва ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат, анъаналарга бешик ҳисобланади.

Халқимизни маҳалладан, маҳаллани эса халқимиздан айро тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис сўнгги йилларда маҳалла фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни халқчил ва одамларнинг яқин маслақдоши, муаммоларига ечим бўладиган ноёб тузилмага айлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Янгилик ўзини оқлади

Туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолият самардорлигини ошириш мақсадида кадрлар билан ишлашнинг янги тизими йўлга қўйилди. Эксперимент тариқасида 20 та маҳалла раиси лавозимига тўлиқ олий маълумотли номзодлар саралаб олинди. Бугун бу тажриба ўзини оқлаганини кўриш мумкин. Маҳаллалар зиммасидаги масъулият пандемия даврида янада залворли бўлди. Тумандаги кам таъминланган, оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларга ёрдам кўрсатилди. Ташкил этилган «Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказ»ларига 1870 та мурожаат келиб тушган бўлса, барчаси ижобий ҳал этилди. «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобига йиғилган 612 миллион сўм маблағ ҳисобидан 1920 та оилага 307,1 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

«Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойили асосида барча хонадон, кўча ва маҳаллаларда кенг қўламли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди. 5040 та хонадон таъмирланди, 10 683 тадан ортиқ дарахтга шакл берилди ва оқланди, ариқ-зовурлар тозаланиб, маиший чиқиндилар чиқарилди, болалар ва спорт майдончалари, ижтимоий объектлар ободонлаштирилди, зиёратгоҳ ва қабристонлар обод қилинди.

Бундан ташқари, хонадонларни ўрганиш давомида 1920 та камбағал оилада аниқланган ишсизлар бандлиги таъминланди. 267 нафар фуқарога субсидия ва имтиёзли кредит олиб берилди. Бундан ташқари, камбағал оилаларга ғалладан бўшаган майдонлардан ер ажратиш орқали даромад манбаи яхшиланди.

Хотин-қизларга эътибор — янги босқичда

Туманда 18 791 нафар хотин-қиз давлат, 103 нафари нодавлат таш-

РАИСЛИККА 20 НАФАР олий маълумотли сайланди: тажриба ўзини оқладими?



Шухрат ЁҚУББОЕВ,
Уйчи тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

килотларда, 303 нафари хусусий секторда, 8300 нафари норасмий иш билан банд бўлиб, 5572 нафар ишсиз хотин-қиздан 4148 нафари (92 фоиз)нинг бандлиги таъминланди.

Ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди. 270 нафар хотин-қизларни касбга ўргатиш, қисқа ўқув курсларига ўқитиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди. Ҳозирги кунга қадар 130 нафар хотин-қиз турли йўналишлар бўйича ўқитилди. Туманда 276 нафар ёлғиз аёллар мавжуд бўлиб, 310 нафари оиласидаги ногирон фарзандларини тарбиялаб келмоқда. Жорий йилда мазкур тоифадаги хотин-қизларнинг 188 нафарининг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга мотивация бериш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ҳуқуқшунос аёллар», «Илм-фан ва аёл», «Ижодкор аёллар», «Ташаббускор аёллар», «Аёл ва саломатлик», «Фахрий аёллар» жамоатчиликлари уюшмалари ташкил этилди. «Йил аёли», «Ибратли оила» танловлари ўтказилди.

Ҳозирги кунда қизларимизга замонавий таълим, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия бериш, уларни касб-хуна-

га ўргатиш, оилага тайёрлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Қизларжон», «Қиз бола ва ёш оила», «Мустақил ҳаёт остонасида», «Ораста қизлар» каби клублар самарали фаолият олиб бормоқда.

56 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурда «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси» ташкил этилган. Комиссиялар 4148 нафар аёлни иш билан таъминлашда, 39 нафарини касб-хунарга ўқитишда, 271 нафарни хориждан қайтган аёлларни тиббий кўриқдан ўтказилишида, 16 нафар ички ишлар органларида ҳисобда турган аёлларни рўйхатдан чиқаришда, шунингдек, 353 нафар аёлга 250 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилишида кўмаклашди.

2020 йил бошида туман бўйича 122 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар аниқланган бўлиб, шундан, 6 нафари ногирон, 33 нафари кам таъминланган, 353 нафари ишсиз аёллардир. 22 нафар уй-жойга муҳтож аёлларга уй-жойларининг бошланғич бадаллари тўлаб берилди. 21 нафар хотин-қизлардан 13 нафарига реабилитация воситалари берилди. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 6 нафар

хотин-қизнинг 4 нафари ишга жойлаштирилди. 3 нафар хотин-қиз маҳалла кафилиги асосида жазодан озод этилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида жами 328 та иш ўринлари яратилиб, 328 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Биргина «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 3 та кичик цех ташкил этилиб, 300 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. 15 нафарига «ҳимоя ордери» берилиб, назоратга олинди.

Оилавий ажралишларнинг олди олинмоқда

Соҳада оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида жорий йилда жами 156 та оилавий ажралиш қайд этилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 15 тага камайган. 6 та узоқ муддат бирга яшамагани оқибатида ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 5 тасини яраштириш чоралари кўрилиб, оиласига қайтарилди.

Бундан ташқари, 4 та учинчи шахс аралашуви натижасида ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг муаммолари жамоатчилик йиғилишларида муҳокама қилиниб, 77 та оила яраштирилди. Жорий йилда жами 43 та ноқонуний (шаръий) никоҳ асосида яшаётган оилалар аниқланиб, ўтган йилга нисбатан 102 тага камайган. 2020 йил октябрь ойи ҳолатига 43 та ноқонуний (шаръий) никоҳ асосида яшаётган оилалардан 23 тасининг никоҳи расмийлаштирилди.

Бугунги кунда жами 45 та нотинч оила мавжуд бўлиб, ўтган йилга нисбатан 31 тага камайган. Бунда нотинч оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида уларни намунали оилаларга бириктириш тажрибасидан фойдаланилмоқда.



Барча шаҳарларда йўл ҳақи тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

ИШСИЗЛИК БАРҲАМ ТОПСА,

оилалар фаровонлиги ортади

“Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани жуда тўғри йўл бўлди. Нурунийлар, профилактика инспектори, маҳалла фаоллари биргаликда иш олиб бораётгани кутилган натижани берапти.

«...фарзандингга бошқа ота-она топилмайди!»

Наманган шаҳридаги маҳаллаларда ҳам давр талаби асосида иш ташкил этилиб, аҳоли муаммоларига ечим топилмоқда. Аввало бугунги кун раҳбари ташаббускор бўлиши керак. Одамларни оддий маъруза, ваз-насихат билан ишонтириб бўлмайди. Соҳалар бўйича аниқ ечим топиш, аҳоли дардига малҳам бўлиш керак. Биз ҳам ҳар бир масалага шу нуқтаи назардан ёндашяпмиз.

Мисол учун, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ҳудудларда жиноятчиликка барҳам бериш мақсадида профилактик тадбирлар ўтказяпмиз. Оилавий ажримларнинг олдини олиш борасидаги ташаббусимиз ўз натижасини бермоқда. Бунинг учун тасарруфимиздаги барча маҳаллаларнинг кириш қисмига йиғлаб турган болакайнинг суратини илдириб, остига «Ажрашма! Сенга бошқа рафиқа, унга бошқа умр йўлдош топилади. Лекин фарзандингга бошқа ота-она топилмайди!» деб ёзиб қўйдик. Шу биргина сурат сабаб ажрашиш остонасидаги қанча оилалар ярашиб кетди.

Ишсизлик барҳам топса, оилалар фаровонлиги ортади

Маҳаллаларда оилалар иқтисодини яхшилаш борасида ҳам шу каби ташаббускорликка эътибор берапмиз. Йил бошида «темир дафтар»га киритилган 8964 та оилалардан бугун 2678 та қолди. Бунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандчиликка йўналтириш, томорқадан унумли фойдаланиш орқали камбағалликка барҳам бериляпти. Энг муҳими, ҳамма ўз-ўзини банд қиялти.

Масалан, ҳар бир маҳалланинг ҳолатидан келиб чиқиб, қайсидир соҳага йўналтирганмиз. Мисол учун, «Зарбдор» маҳалласида яшовчи 70 фоиз оила хонадониди



иссиқхона мавжуд. Қиш фаслида маҳалладан шаҳар бозорларига қўчатлар етказиб берилса, эрта баҳордан помидор, бақлажон, бодринг ва гул қўчатлари савдоси юришиб кетади. Бу йил эрта баҳор – карантин даврида ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан махсус автоуловлар ташкил қилиб берилди. Аҳоли етиштирган маҳсулотлари ва қўчатларини бошқа ҳудудларга олиб бориб сотишди ва даромад қилишди.

Наманган шаҳри уста хунарманд ва тадбиркорлар шаҳри. Кишини хурсанд қиладиган жиҳати мана шу сахий тадбиркорлар кам таъминланган оилалардан ёрдамларини аяшмаяпти. Ишсизлик барҳам топса, оилалар фаровонлиги ортади, дейди улар. Шу мақсадда тадбиркорлар ўз йўналишлари бўйича маҳаллаларда мутахассислар иштирокида ўқув курслари ташкил этишган. Масалан, гилам тўқиш, чеварлик, пазандалик каби йўналишларда ишсиз хотин-қизлар ўқитилмоқда. Энг муҳими, улар касбий кўникмага эга бўлгач, иш қидириб юрмайди. Айнан шу тадбиркорлар ўз корхоналарига ишга қабул қилишади. Ёки касаначилик орқали ишсизлар бандлиги таъминланади.

«Ўсиш нуқтаси»ни белгилаб олдик

Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифлари давомида маҳалла тизимида доир ажойиб таклифларни билдирдилар. Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳалланинг ролини ошириш, тизимдаги ишларни «маҳаллабай» ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тад-

бирлар белгилаб олинди.

Маълумки, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш дастури «тепадан – пастга» тизими асосида шакллантирилди эди. Хоразм вилояти мисолида илк бор ҳаётга татбиқ этилаётган янги тизимга кўра, эндиликда туманлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради.

Айни шу ташаббус асосида биз ҳам Наманган шаҳридаги 104 та маҳаллани яшаш жойи ва қадим вақтлардан бери шуғулланиб келаётган касб-хунари туридан келиб чиқиб ихтисослаштиряпмиз. Шу орқали маҳаллаларнинг «ўсиш нуқтаси»ни белгилаб оляпмиз. Уларга давлат томонидан кредитлар ажратиш, ҳудудга хос йўналишни яна ҳам ривожлантирмоқчимиз. Масалан, «Зарбдор», «Соҳибкор», «Шишаки» маҳаллаларидаги хонадонларнинг томорқа ери катта ва улар, асосан, иссиқхона орқали даромад топади. «Яккасада», «Сумалак гузари» маҳаллалари шаҳарда бешлик, жавон тайёрлаш билан машхур. Шу сингари бошқа маҳаллаларни ҳам имкониятидан келиб чиқиб, «ўсиш нуқтаси»ни аниқлаб оляпмиз.

Бу дастур бўйича режаларимиз катта. Биринчи босқичда йўналишлар белгиланган бўлса, иккинчи босқичда уларга зарур ёрдам кўрсатамиз. Юқорида таъкидлаганимдек, имтиёзли кредит олишларида кўмаклашамиз. Кейинги галда эса ўша маҳаллаларда айнан ишлаб чиқиётган маҳсулотлар бозорчасини ташкил қилмоқчимиз. Бунда ҳам уларга турли имтиёзлар яратиш ния-



Хайрулло МУҲИДДИНОВ,
Наманган шаҳар ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

тидамиз. Ўйлаймизки, шу тарзда тадбиркор ва хунармандларни қўллаб-қувватласак, уларнинг фаолияти юришади, даромади ортади. Табиийки, ишини кенгайтиради. Муҳими, эртага маҳалладаги ишсиз фуқаролар шу ерда иш билан банд бўлади.

Самарадорлик яратилган шароитга боғлиқ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлиги, аввало, уларга яратилган шароитга боғлиқ. Шу боис, Наманган шаҳридаги 104 та маҳалланинг ҳолати ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 20 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас. Тўғри, бу муаммони ҳал этиш катта маблағ ва куч талаб қилади. Биргина хоҳишимиз билан унинг ечимини топа олмаймиз. Лекин жим қараб туриб ҳам бўлмайди. Шу боис ташаббус билан чиқиб, муаммога ечим топишга ҳаракат қиялти. Наманган шаҳар ҳокимлиги, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси кўмагида ҳозирда 8 та маҳалла фуқаролар йиғинида қурилиш ишлари бошланди. Қолганларига жой ажратишиб, тадбиркорлар билан ҳамкорликда қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилди.

Бугун айрим маҳаллаларда яна бир муаммо мавжуд. Яъни аҳолиси 10 мингдан ортиқ бўлган маҳаллаларда иш олиб бориш қийин. Буни ўзим раис бўлиб ишлаганимда бошдан ўтказганман. Шу сабабли бу муаммога ҳам ечим топишга ҳаракат қиялтиман. Яқинда шу каби 5 та маҳалла масаласини шаҳар сессиясига киритиб, иккига бўлишга эришдик. Яна 9 мингдан ошди аҳолиси бор 5 та маҳаллани келгуси йил режасига киритганмиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла раислари ҳудуддаги аҳоли ишончини қозониши, уларга энг яқин кўмакдош бўлиши керак!



Россияда қолиб кетган юртдошларимиз учун махсус поездлар қатнови йўлга қўйилди.

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун туманимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, илғор технологиялар асосида маҳаллий хомашёдан рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган уста тадбиркорлар талайгина. Бу каби инсонларнинг иқтисодийтимизнинг етакчи кучига айланиб бораётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Мазкур ўзгаришлар туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, десак хато бўлмайди.

Маҳаллада кичик саноат худуди

Туманимизда оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини ошириш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришда қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Масалан, «Кончилар» маҳалласи ўз номи билан ҳам саноатчилар маҳалласи. Ушбу ҳудудда иккита йирик «Муборакнефтьгаз» ва «Муборакгазни қайта ишлаш заводи» МЧЖ бор. Фуқароларимизнинг асосий қисми шу корхоналарда меҳнат қилишади. Ушбу ҳудудда «Муборак текс» масъулияти чекланган жамиятининг ишга тушиши эса аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди.

Ушбу корхона фаолияти, асосан, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулот – пайпоқ ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Фабрика соҳада тан олинган компанияларнинг илғор технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтириш учун зарур барча жараёнлар тўлиқ шу ернинг ўзида бажарилмоқда.

Этиборлиси, аввал-бошда чекланган турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган корхонада ҳозирги вақтда 70 хилдан ортиқ харидор-гир ва рақобатбардош пайпоқ тайёрланмоқда. Улар орасида нафақат катталар, балки кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган товарлар ҳам бор.



Яна бир муҳим жиҳати, корхонада пайпоқдан ташқари маҳаллий бозорда талаб юқори бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Буюртма асосида тикилаётган маҳсус иш кийимлари, чехол ва пардалар шулар сирасига киради. Асосийси, бу каби истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишидан кўзланган мақсад – маҳаллий хомашё негизида асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, янги иш ўринларини яратишдан иборат. Қайд этиш жоиз, туманимиз енгил саноатида амалга оширилган бу истиқболли лойиҳа самарасида 200 га яқин киши доимий иш ўрни билан банд этилди.

Иссиқхона майдони 2 баробар кенгайди

Тумандаги «Эшқулова Гулхумор» масъулияти чекланган жамияти фаолияти, асосан, иссиқхона хўжалигини юритишга ихтисослашган. Авваллари ушбу тадбиркорлик субъекти 40 сотихдан сал кўпроқ майдонда сабзавот маҳсулотларини парваришлаб келарди. Зарур шароит етарли бўлган ҳолда қамровни кенгроқ олишга эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада корхона раҳбари, ёш ишбилармон Зулфия Йўлдошева қўшимча ер олиб, иссиқхона барпо этишга қарор қилди. «Ёшлар – келажакимиз» дастури доирасида ўз лойиҳасини тақдим этди ва тижорат банки томонидан қарийб 430 миллион сўм имтиёзли кредит маблағига эга бўлди. Лойиҳа молиялаштирилган, 50 сотихдан зиёд майдонда замонавий иншоот қурилди.

Асосийси, хўжалик маҳсус саноат худудида жойлашган бўлиб, иссиқхонани иситиш учун энергия тежамкор усуллардан фойдаланиш имконига эга. Худуддаги иссиқлик манбаи ташкилоти керакли ҳароратдаги сув билан таъминлаб турибди. Бу эса сарф-харажат камайишига замин яратяпти.

Бармоғидан хунар томган аёллар

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий хунарамандчилигимиз бор бўйи билан тикланди. Хунарамандман деган одам давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, унга барча имкониятлар йўллари очиб берилмоқда. Шўролар даврида унутилиб кетган, эскилик сарқити деб тақиқланган кўпдан-кўп хунарлар қайта тикланиб, яна тилларда дoston бўлди. Энг муҳими, хунарамандчилик санъати ривож топмоқда. Янги-янги усул ва услублар юз кўрсатмоқда. Бадий ифодаларда истиқлол берган имкониятлар жилоланиб кўринмоқда. Булар нималар? Булар: халқимизнинг руҳияти манзаралари, тинчлик-осойишталик шукронаси, ўтмишга эҳтиром, келажакка ишонч, яратиш ва яшнатиш завқи, бир сўз билан айтганда, ўзликни тўла англашга интилиш.

Туманимизда ҳам хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиб, оилавий даромадларини яхшилаётган ишбилармон уй бекалари талайгина. Албатта, бизнинг вазифамиз тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг эзгу мақсадларини амалга оширишда кўмак беришдир.

Биргина Қарлик қишлоғини олайлик. Азалдан ушбу қишлоқда қизларнинг сепига каштачилик билан безатилган қўлрўмол, белбоғ, сўзана, жойнамоз, такяпўш, халат, нимча, ёстиқ, қуроқ кўрпача тайёрлаб узатиш аънанаси давом этиб келмоқда. Шу боис бу гўшанинг қай бир хонадонига



Ҳанифа Тўраева,
Муборак тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

борманг, қиз ва аёлларнинг каштачилик билан шуғулланаётганига гувоҳ бўласиз. Уларнинг қалб қўри билан тиккан буюмларидаги табиат гўзаллиги, гуллар чиройи ва нақшлар кетма-кетлиги ранглар жилоси билан уйғунлашганини кўриб, гўё ўзингизни сеҳрли мўъжизалар оламига тушиб қолгандек ҳис этасиз.

Томорқанинг ҳар қаричи олтинга тенг

Бугун «деҳқон» деганда, фақат катта майдонда зироатчилик билан шуғулланадиган кишини тасаввур қилсак, бироз янглишамиз. Негаки, озгина бўлса-да, ери бор ҳар бир инсон ҳам ундан самарали фойдаланиб, том маънода деҳқончилик қилиши мумкин. Ахир, турли соҳаларда ишлаб туриб, митти томорқаси туфайли рўзғорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, шундан қўшимча даромад ҳам олаётган одамлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Кувонарлиси, фуқароларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгаришти, яхши яшашга интилиш кучаймоқда. Бунга ишчи гуруҳ билан хонадонларга кириб ўрганиш давомида амин бўляпмиз. Ўрганиш давомида 1849 та оиланинг 52 тасига томорқадан самарали фойдаланиш учун субсидия ажратилди. Уларга уруғликлар олиб берилди. 229 та оилага ғалладан бўшаган 110 гектар ерга донли ва дуккакли экинлар экиб берилди.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилиш орқали ҳомийлар томонидан 89 нафар фуқарога чорва моллари, 14 та оилага қорамол, 15 та оилага эчки, 83 та хонадонга 25 тадан парранда, 6 та оилага қуён, 2 та оилага асаларилар тарқатилиб, бандлиги таъминланди. Ногиронлиги бўлган 68 та оилага имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб берилди.



Сур териларини экспорт қилиш орқали қорақалпоқ бренди яратилади.

ТАРИХИ ЗАЛВОРЛИ, БУГУНИ ФАЙЗИЁБ, КЕЛАЖАГИ ҲАМ НУРЛИ

Ғузор қадимда Ғузор номи билан аталиб, кўхна Насаф ва Кеш каби тамаддунда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган. Ат-Табарий, Истахрий, Самъоний, Ёқут каби ўнлаб муаррихлар асарларида бу ер Буюк ипак йўлининг йирик манзилларидан бири бўлганлиги, Ғузорда бунёдкорлик, савдосотиқ, ишлаб чиқариш, зироатчилик, чорвачилик ривож топганлиги, мазкур манзилда илмий, мард ва тантани инсонлар умргузаронлик қилганлиги айтилади.

Бугун халқимизнинг, жумладан, Ғузор элининг азалий қадрияти бўлган бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи қайта буй кўрсатмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бу қадриятлар янгича маъно ва мазмун билан бойимокда.

Мўъжизалар Ғузордан бошланади

Бир пайтлар «Шўртаннефтьгаз»да бир йилда 0,5 миллиард куб метр газ ишлаб чиқарилган, унинг ҳам асосий қисми иттифоқчилик деган ниқоб остида қаерларгадир ташиб кетилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қирқ баробардан ошиб кетди. Корхона қошида ўнлаб янги конлар очилди. Олтингугурт олиш қурилмаси йилига ўрта ҳисобда 3-3,5 минг тонна кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги учун зарур хомашё – олтингугурт бермоқда. Аҳоли эҳтиёжини қондириш ва газ билан ишлашга мўлжалланган транспорт воситалари учун зарур бўлган суюлтирилган газ маҳсулотлари ҳажмини ошириш мақсадида бир нечта пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмалари ўрнатилди. Мазкур корхонада айни пайтда ҳам бир неча хорижий ҳамкорлар билан биргаликда кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқдаки, улар, ҳеч шубҳасиз, эртанги кунимиз бугунгидан-да, тўкин бўлиши учун хизмат қилади.

2001 йилда туман ҳудудида «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг ишга туширилиши яна бир оламшумул воқеа бўлди. Мазкур



корхона фаолиятини кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш линиялари ташкил этиш борасида яна бир қатор янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқдаки, бу лойиҳаларнинг рўёби юқорида қайд этилган кўрсаткичлар тез орада геометрик прогрессия тарзида ўсишига хизмат қилади.

Иқтисодий тармоқнинг таянчларидан бўлган бу корхоналар томонидан нафақат Ғузорда, балки вилоятимизнинг барча ҳудудларида бозор ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқдаки, бир қанча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхоналари, боғлар, хиёбонлар, равон ва текис йўллар, маҳалла гузарлари, тураржой бинолари шуларнинг ҳосиласидир. 2020 йил 11 ойликда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2194 миллиард сўмни ташкил этди.

Афғон инвесторлари Ғузорда интенсив боғ ташкил қилади

«Шакарбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини Алишер Навоий массивида замонавий интенсив боғ ташкил этиш учун коммуникация тармоғига эга 2 минг гектар ер майдони ажратилганди.

Этиборлиси, бу ҳақда афғонистонлик ишбилармонлар ҳам хабар топишиб, қўшни давлат инвесторлари Ғузор тумани ҳокими билан учрашишди. Музокаралар натижасида Ғузорда «BOUSTAN SABZ» МЧЖ деб номланган янги хорижий корхона иш бошлайдиган бўлди.

Шундан сўнг ушбу хорижий корхонага ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш туман комиссияси томонидан интенсив боғ



Нафиса ШУКУРОВА,
Ғузор тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.



жамияти раҳбари Дилафрўз Мухаммадиева рўёбга чиқараётган лойиҳа ҳам нозик жинс

вакиллари иштирокисиз олға силжидмайди. Тўғриси,

Ғузорнинг сайёҳлик имкониятлари паст баҳоланади. Шуни инобатга олиб,

ишбилармон аёл ҳудудга туристларни олиб келиш эмас, балки уларни мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига сафар қилдиришга урғу берди. У бўш турган

тиббийёт муассасаси биносини «ноль» харид қийматида олиб, 300 миллион сўм инвестиция киритиб, каштачилик цехини йўлга қўйди. Натижада 30 нафарга яқин хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Ёшлар шижоатига қанот

Туманимиздаги таълим муассасаларининг деярли барчаси замонавий ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналар билан таъминлангани ғузорлик педагоглар, уларнинг шогирдлари қўлга киритаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда.

Ғузорда спорт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлганини, бу ўзгаришлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида қайд этмасликнинг сираям имкони йўқ. Мустақиллик йилларида бу ерда 8 та жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган стадион, 4 та сунъий қопламали мини-футбол майдончаси, 2 та спорт мажмуаси барпо этилди. Мактаблар қошида 38 та спорт зали қурилди. Бугун юздан ортиқ спорт объектлари аҳоли билан гавжум. Натижада спортчи ёшларимиз юқори натижаларга эришиб келмоқдалар.

учун 300 гектар ер инвесторларга ажратиб берилди. Мазкур боғда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари чет давлатларга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Туманда жорий йилда 1 миллион 342 минг доллар миқдоридида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ёки белгиланган прогноз 268 фоизга бажарилди.

Қўл меҳнатининг кадри ўлмайд

Тарихий манбаларда Ғузор эли тадбиркор эл бўлгани, бу ҳудудда ишлаб чиқариш, яъни хунармандчиликнинг кўпгина турлари ривожлангани, катта-катта маҳаллалар, қишлоқлар аҳли хунармандчиликнинг махсус бир тури билан шуғуллангани айтилади.

Сир эмас, туризм энг кўп иш ўрни яратиш имконига эга тармоқдир. Соҳанинг жадал равақ топишидан эса хотин-қизлар ҳам бебаҳра қолмайди. Сайёҳлик салоҳияти юқори саналган ҳудудларда меҳнат билан банд бўлганларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Тумандаги «Sunbula luxe tourism» масъулияти чекланган



Сув таъминоти соҳасига Корея Республикаси тажрибаси олиб кирилмоқда.

НУРОНИЙНИНГ ёшини сўраманг, ишини сўранг...

Чехрасидан нуронийлик, хокисорлик ёғилиб турган отахону онахонларни кўрсак, кўксимизга қўлимизни қўйиб, ҳурматини жойига қўямиз. Улар босиб ўтган катта ҳаёт йўли ёшларга ҳамиша ибрат бўлиб келган. «Қариси бор уйнинг париси бор» дейилиши ҳам бежиз эмас. Ёши улуг инсонлар яшайдиган хонадон фойзабаракали бўлиб, қинғир ишга қўл урилмайди. Бобо ва момолари тарбиясини олган набиралар эса ҳаётда асло «қоқилмайди».

Юртимизнинг қайси тумани, маҳалласи, қишлоғи ёки овулига борманг, кексаларга иззат-икром кўрсатилаётганига гувоҳ бўласиз. Уларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, яшаш тарзи, умр кўриш даражасини яхшилаш, бой ҳаётнинг тажрибасидан ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш ҳукумат миқёсидаги масалага айланиб бормоқда. Хўш, Қарши туманида кекса авлод вакиллари қўрсатилаётган эътибор қандай? Уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

Кексалар маслаҳати сув ва ҳаводек зарур

Халқимизда ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиغان, паст-баландини кўрган ёши улуг кишилар билан бамаслаҳат иш тутиш анъанаси бардавом бўлиб келади. Бундан мақсад нима? Кексалар ҳар бир масалада етти ўлчаб, бир кесадилар, мўлжал тўғри олинса, натижа қандай бўлишини биладилар. Демак, нуронийларнинг жамиятдаги ўрни ва роли катта.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрда кучга кирган «Кекса авлод вакиллари янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, жорий йил 23 майдан

кучга кирган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилиги кенгашларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари кейинги йилларда кенг жамоатчиликнинг кекса авлод вакиллари фаоллигини оширишга доир муносабатларини тубдан ўзгартирмоқда.

Туманимизда 53 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Турли ёшдаги 250 минг нафар аҳолининг 25 минг 450 нафарини 60 ёшдан ошган фуқаролар ташкил этмоқда. Шундан 19 минг 900 нафари ёшга доир нафақа олувчи меҳнат фахрийлари ҳисобланади. Маҳалла ва унинг таркибига кирган барча қишлоқларда катта ҳаёт йўлини босиб ўтган кишилар рўйхати шакллантирилган. Ана шу рўйхат асосида тузилган «Кексалар маслаҳати» гуруҳи қисқа муддатда катта кучга айланиб улгурди.

Туруқ аъзолари маҳалла аҳолиси сонига қараб 7-11 кишидан иборат. Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида кексаларимиз йўл-йўриғи, маслаҳати билан ажрим ёқасига келиб қолган 35 та оила тикланди. Бундан ташқари, «Толлиқўрон», «Бунёдкор», «Пахтакор» маҳаллаларида вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган майда ҳуқуқбузарликлар кескин камайди. Кўпни кўрган кишилар тўй-маъракаи исрофгарчиликсиз ўтказиш, аҳоли бандли-



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қарши туманида ногиронлик пенсиясини олувчи 2892, боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчи 1 минг 388 нафар шахс амалдаги қонунчилик талабларига кўра, ижтимоий ҳимоя қилинмоқда.

гини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш каби масалаларда ҳам бизга маслаҳаттўй бўлишмоқда.

«Нуронийлар маскани»да ҳаёт қайнайди

Ёши бир жойга борса, айрим қариялар уйга қамалиб қолишади. Бу эса уларни фаол жисмоний ҳаракатдан чеклаб, куч-қувватдан қолишига сабаб бўлади. Республикаимиз миқёсида кексалар ва меҳнат фахрийларининг фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсати 2016 йилдан бошлаб кўпроқ урғу қаратилмоқда.

Туманимизда 2018 йилнинг ёзида замонавий типдаги «Нуронийлар маскани» қурилиб, фойдаланишга топширилган экан, маросим иштирокчилари хурсандлигидан дуога қўл очиди. Чунки бундай гўша аввал бўлмаган, қариялар бир-бирлари билан фақат тўйхона ёки чойхонада учрашиб туришган. Замонавий меъморлик услубида бунёд этилган маскан кутубхона, тиббиёт хонаси, мажлислар зали, ошхона, спорт зали, оналар ва болалар хонаси билан диққат-эътиборни тортади.

«Нуронийлар маскани»да ўтказилаётган турли-туман тадбирлар ҳар бир иштирокчида катта таассурот қолдирапти. «Кексалар ҳафталиги» доирасида «Бобом, бовим ва мен китобхон» шиори остида ўтказилган китобхонлик акциялари, «Кекса авлод – оилавий ажримларга қарши», «Биз бор жойда жиноятга ўрин йўқ» каби мавзуларда уюштирилган тарбиявий



Отаниёз РАҲМОНОВ,
Қарши тумани ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

руҳдаги тадбирлар туманимизда маънавий муҳитнинг яхшиланишига омил бўлмоқда. Эпидемиологик ҳолат юзага келгани учун бундай тадбирлар бироз бўлса-да, чекланиб қолди. Вазият юмшагани боис «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши» ва «Кексалар маслаҳат гуруҳи» аъзолари энди бу ерга тез тез тўпланиб туришибди. Уларнинг нотинч оилалар, профилактик ҳисобда турган ёшлар билан суҳбат ўтказиши ўз самарасини бермоқда.

«Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!»

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари доимий равишда жисмоний ҳаракатда бўлиб турган киши узоқ умр кечиришини таъкидлашади. Бу ҳаққоний фикр эканига мисоллар жуда кўп. Бардам, тетик ва хушчақчақ юрган кишилар доимо соғлом турмуш тарзига риоя қилиб келган бўлишади. Президентимизнинг жорий йил 30 октябрда қабул қилинган «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони туманимизнинг энг чекка қишлоқларида яшаётган нуронийлар кўксини тоғдек кўтариб юборди.

Туман марказида 10 дан ортиқ маҳалла бўлиб, жами аҳоли сони 85 минг нафардан зиёддир. Уларнинг маълум қисми ёши улуглар улуглига тўғри келади. Ҳар тонг юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун дуо қиладиган отахону онахонлар соғлом турмуш тарзига риоя қилиш узоқ умр кўриш кафолати эканини чуқур англашади. Айниқса, Навоий номидаги, «Навбахор» ва «Наврўз» маҳаллаларида истиқомат қилаётган кўтлаб нуронийлар ҳафтасига икки кун бадантарбия машқларини бажариш учун марказий стадионга тўпланиб, фарзандларига, неварачевараларига ибрат бўлишмоқда. Улар спортнинг югуриш, шахмат-шашка, футбол, теннис, волейбол, бокс каби турлари билан шугулланишяпти.

Кўпни кўрган — кўп билади. Ёши улугларда тажриба катта бўлгани учун ўлчовни кенгроқ олишади, фикр-мулоҳазаси тош босади. Зеро, қайси вилоят ёки туман бўлишидан қатъи назар, кекса авлод вакиллари билан бамаслаҳат иш тутишимиз, улардан ўрганишимиз керак. Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддилари бу борадаги фаолиятларини келгуси 2021 йилда яна ҳам кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.



Самарқандга Индонезиядан тўғридан-тўғри
авиақатновлар йўлга қўйилади.



Оила ва маҳалла тинч бўлса, Ватанда осойишталик бўлади. Самарқанд вилоятининг чекка ҳудудларидан бири бўлмиш Нарпай туманидаги маҳаллаларда амалга оширилган юмушлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шухрат САМАДОВ билан бўлган суҳбатимиз «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили бўйича туман маҳаллаларида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилишдан бошланди.

Масъулиятни ҳис этмаётганлар энди

УЙҒОНИШИ КЕРАК!

— Оиланинг тинчлиги ва ундаги маънавий муҳит кўпроқ аёлларга боғлиқ бўлади. Айтинг-чи, туманда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасида нималарга эътибор берилляпти?

— Туманимизда жами 14 минг 45 нафар хотин-қиз турли соҳаларда фаолият юритишмоқда. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида туман бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб, 882 нафар хотин-қиз мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 288 нафари иқтисодийнинг турли тармоқларида ишга жойлаштирилган, 510 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, бандлиги таъминланган. 40 нафар аёл ишсиз деб эътироф этилиб, уларга ишсизлик нафақаси тайинланган, 16 нафари «Устоз-шоғирд» анъаналари бўйича касбга қайта ўқитилди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг муаммолари қандай ҳал қилиняпти?

— Нарпай туманида жорий йилнинг охиригача уч ойи давомида мавжуд 56 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ушбу маҳаллаларда истиқомат қиладиган 2 минг 601 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила рўйхати шакллантирилди. Жумладан, биринчи сектор ҳудудида 840 та, иккинчи сектор ҳудудида 516 та, учинчи сектор ҳудудида 404 та ва тўртинчи сектор ҳудудида 841 та оила рўйхати «Саховат ва кўмак» дастурига киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 июлдаги 6038-сонли фармони асосида «Қурбон ҳайити» байрами арафасида «темир дафтар»га киритилган 511 нафар якка-ёлғиз, ногиронлиги бор ва кам таъминланган ночор оиланинг ҳар бирига бир миллион сўмдан, жами 511 миллион сўмлик пул маблағи берилди.

Бундан ташқари, «Жонажон юртим ободлигига ўз хиссамни қўшаман!» шиори остида таъмир-



талаб бўлган 821 та кўча, 3 минг 766 та хонадон, 41 та маҳалла биноси қайтадан таъмирланди, шундан 15 таси ҳомийлик ва ҳашар йўли билан янгидан қурилди ва фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларда ҳафтанинг шанба куни «Кўча сайли» тадбири ўтказилиб, хонадонлар ободлиги ва аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш бўйича кўздан кечирилмоқда.

— Нарпай тумани маҳаллаларида томорқадан самарали фойдаланиш қай даражада йўлга қўйилган?

— Халқимизда «Ерни боқсанг — ер ҳам сени боқади», деган пурмаъно ҳикмат бор. Замин ҳалоллик ва жиддий эътиборни талаб қилади. Ким уни алдайман, деса, элни, ўзини алдаган бўлади. Қолаверса, Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг: «Кишининг ўз қўли билан қилган меҳнати ҳамда ҳар қандай шубҳали ва хиёнатдан холи бўлган савдо», деган ҳадисларига амал қилиб, фидойи меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан ризқ-рўз топишимиз керак.

Туманимиз ҳудудидаги 4 та маҳалла фуқаролар йиғинида «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида иш ташкил этилди. Жумладан, «Беклар» йиғинида карам, «Оқ олтин» маҳалласида иссиқхона, «Наврўз» фуқаролар йиғинида булғор қалампири ҳамда «Дедан» маҳалласида сабзи етиштириш йўлга қўйилди.

Томорқа еридан мақсадли ва самарали фойдаланиб, экин

турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилига камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва парранда бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғи ставкасини пасайтирувчи имтиёзнинг қўлланилиши ҳам ўзининг ижобий самарасини берди.

Жумладан, туманнинг «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мақсуда Аҳмедова иссиқхонадан даромад қилиш борасида ўзига хос рекорд ўрнатди. У жорий йилда 5 сотих ерда бодринг парвариш қилиб, ундан қарийб 60 миллион сўм соф фойда олди. «Фалон миллион сўм фойда олди» дейиш осон. Қишнинг изғиринли кунларида одамлар иссиқ ўринда дам олаётганида, бу одамлар экин экиш, уларни парвариш қилиш, суғориш, ўғит бериш билан банд бўлишади.

«Тортувли» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, маҳалладаги 55 та камбағал оила соҳибаларидан бири — пиллакор Фотима Назарованинг фидокорлиги, меҳнати ва шижоати олдида эса ҳар қандай таъриф ожизлик қилади. У жорий йилда 5 қути уруғнинг ҳар қути-сидан 70 килограммдан пилла олди. Фарзандларини ёнига олиб, турмушнинг барча заҳматларига дош бераётган, қотмагина бу аёл ногирон эрини ҳам, рўзгорини ҳам эплайпти.

Туманнинг «Беклар» маҳалла

ДАРВОҚЕ...

Нарпай туманида 56 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Аҳоли сони 213,1 минг нафар бўлиб, шундан 109 минг нафарини эркаклар, 104 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Туманда жами хонадонлар сони 38 минг 761 та, оилалар сони эса 45 минг 877 тадан иборат.

фуқаролар йиғини аҳолиси фермернинг даласида ишлашдан ташқари, ўз томорқасида карам ва сабзавот етиштириш билан шуғулланади. Мазкур йиғинда истиқомат қилувчи 75 ёшли Абдузойир бобо Хўжанов 5 сотих томорқадан йилига 3 марта ҳосил оляпти. У кишининг ўтган йили шу майдондан олган умумий даромади 100 миллион сўмдан ошиб кетди.

— Бошпанасиз йиғинлар масаласи дозарб муаммолардан бири. Бу муаммо ўз ечимини топяптими?

— Бинони давлат куриб беради, деб оғзимизни очиб ўтирсак ўтираверамиз, чунки туманимизда маҳаллий бюджетга кўз тикиб ўтирган соҳалар жуда кўп. 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Тева» маҳалла фуқаролар йиғини тумандаги ўз биносига эга бўлмаган 20 дан ортиқ йиғинлардан бири. Яқинда маҳалла фаоллари ўзаро келишиб, ҳашар йўли билан йиғин учун янги бино қуришга киришдилар.

«Кўпчилик бир муштдан урса ўлдиради, бир бурдадан берса тўйдиради», деганларидек, карантин шароитида ҳам маҳалладошларимиз бирлашиб, ўзаро ҳамжиҳатлик билан ишладилар. Натижада аҳоли ва ҳомийлар ёрдамида йиғин биносини тиклаб олди. Янги йилда тумандаги яна 8 та йиғин ходимлари янги бинода иш бошлайдилар.

Гарчи туманимизнинг барча фуқаролар йиғинларида бу борада аҳвол турлича бўлса-да, аммо бир ҳақиқат дилга таскин беради. Маҳаллаларда одамлар уйғона бошлади. Улар ердан самарали фойдаланишни, айрим муаммоларни ўзлари баҳамжиҳат ҳал қилишни ўргана бошладилар. Бу эса, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Ахир, «Иш билганга — минг танга» деб бежиз айтмаганлар-ку!

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Эрмамат РУСТАМОВ
суҳбатлашди.



Судлар фаолиятида назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинмоқда.

ДУНЁҚАРАШ ЎЗГАРМАСА, ТИЗИМНИ ЎЗГАРТИРИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Маҳалланинг ободлиги, тинч-осойишталиги, саранжому саришталиги, авваламбор, у ерда истиқомат қилувчиларнинг дунёқарашини, бирдамлиги ва аҳиллигига боғлиқ. 69 та маҳалла фуқаролар йиғинида 264 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи, ўз ҳудуди ва ижтимоий-иқтисодий салоҳияти жиҳатидан Самарқанд вилоятининг энг йирик туманларидан бири бўлмиш Каттақўрғонда бу борада тилга олса арзигулик ишлар амалга ошириляпти.

Каттақўрғон тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шерзод ПўЛАТОВ билан суҳбатимизни шу нуқтадан бошладик.

— **Айтинг-чи, Каттақўрғонда маҳалла тизимида қандай ўзгаришлар ва янгиликлар кузатиляпти? Одамларнинг кайфияти, ҳаётга муносабати қандай?**

— Гапнинг очигини айтсам, бу лавозимда яқинда иш бошладим, ҳали катта ўзгаришлар ҳақида гапиришга биров эрта. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим. Маҳаллаларда одамларнинг дунёқарашини ўзгармас, тизимни ўзгартириш, турли тадбирлар уюштириш билан бирор натижага эришиш қийинлигини англаб етдим. Дунёқарашнинг ўзгариши эса, менимча, инсоннинг меҳнат қилиши, унинг яхши яшаши учун муносиб шароитларни яратишга боғлиқ. Шу боис дастлаб ишни энг долзарб масала бўлмиш — бошпанасиз йиғинларга бино қуриш, ёрдамга муҳтож оилаларга муносиб турмуш шароитини яратишдан бошладик.

Туманда «Жонкел», «Файзи-



кент», «Кумоқ», «Кадан», «Чарағон», «Кумушқирғоқ», «Кумушкент», «Ойжон», «Нисбат», «Ёнбошсой», «Жумабой», «Мойбулоқ» сингари 12 та йиғин ўз биносига эга эмас. Бошпанасиз маҳаллаларнинг 7 таси корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар балансида бўлган биноларда, 5 таси эса таълим, тиббиёт муассасаларида фаолият юритиб келмоқда.

«Болтабек», «Қирғиз», «Янгиобод», «Вайрот», «Ёви», «Жавлон», «Мадраса», «Мулладоғай», «Тарнов», «Янгиравот», «Чуянчи», «Янгикўрғонча», «Меилихўжа», «Уйшун», «Полвонтепа», «Қушбеги», «Қоракўлча», «Зарқўрғон», «Олмазор», «Омонкалхат», «Янгиқийёт», «Жизмонсой», «Қўшқўтон», «Қўшховуз», «Чиғатой» каби 25 та маҳалланинг бинолари ҳам эскириб, жуда таъмирталаб ҳолга келиб қолган.

Бошлаган саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, яқинда туманимизда 2 та фуқаролар йиғини янги бинога эга бўлади. Ҳозирда «Қоракўлча» ва «Муллақўрпа» маҳалла фуқаролар йиғинларида кўриб, кўз қувонадиган даражада бунёд этилаётган янги бино қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, «Кумушқирғоқ», «Кумушкент», «Қоракўлча», «Янгиобод», «Муллақўрпа», «Ойжон», «Андоқсой», «Ёнбошсой» «Нисбат», «Жумабой» маҳаллалари ҳудудида жами 4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди. Бунда маҳаллаларнинг муҳандислик-коммуникация, ижтимоий соҳа муассасалари,

йўл ва бошқа инфратузилмалари янгилангани алоҳида эътиборга сазовордир.

Шунингдек, «Обод маҳалла» дастури ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида туманининг «Боғот» маҳалласи ҳудудида 10 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога туман ҳокимлиги ҳомийлигида янги, замонавий тураржой берилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатларимиз натижасида «темир дафтар»га киритилган 3 минг 556 та ночор оиланинг 2 минг 340 таси камбағалликдан чиқарилди.

— **Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича нималар қилинмоқда? Бу борадаги режалар қандай?**

— «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилиши натижасида 2020 йилнинг ўтган 11 ойи давомида умуман жиноят содир этилмаган маҳаллалар 32 та, жиноят сони камайган маҳаллалар 8 тани, жиноят сони барқарор бўлган маҳаллалар 10 тани ва жиноят ошган маҳаллалар 19 тани ташкил этмоқда.

Айнан жиноят сони ошган 19 та маҳаллада ҳар ҳафтанинг пайшанба куни ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликда профилактик тадбирлар ўтказилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти ўрганиляпти.

Жорий йилда туман маҳаллаларида 138 та оилавий ажралиш қайд этилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 4 тага камайган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 11 ойи давомида жойларда 342 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, тумандаги 116 та нотинч оиладаги 270 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган ва профилактик ҳисобда турувчи фуқаролар билан профилактик тадбирлар ўтказилиб, уларга маҳаллалардаги кекса авлод вакиллари мураббий сифатида бириктирилди.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда 32 нафар жиноятчиликка мойиллиги бор шахснинг рўйхати шакллантирилиб, доимий

равишда улар билан иш олиб борилмоқда.

— **Томорқадан самарали фойдаланиш борасида Каттақўрғон маҳаллалари кўшнилари Иштихон ва Нарпайдан ўрганиптими? Аҳоли мурожаатлари қандай ҳал этиляпти?**

— Бу масалада бир-биримизга устоз-шогирдимиз. Баъзан биз кўшнилардан, гоҳида эса улар биздан ўрганишади. Айни пайтда Каттақўрғон туманида 51 минг 850 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари мавжуд бўлиб, уларнинг жами экин майдони 5 минг 444 гектарни ташкил этади.

2020 йил туманда 1 минг 709 гектар деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбосоти усулида экспортбоп сабзавот экинлари жойлаштириш режалаштирилган. Бугунги кунда аксарият хонадонларда саримсоқпиёз экиш якунига етказилди. Шунингдек, айрим жойларда аҳоли томорқаси шудгорланмоқда.

Аҳоли томонидан қилинаётган қўллаб-қувватлашнинг мазмуни, асосан, ички йўллари таъмирлаш билан боғлиқдир. Шу мурожаатлар асосида «Қийёт», «Ёдгорхўжа», «Чуянчи», «Чиғатой», «Нисбат», «Жумабой» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ўтувчи асосий йўл тўлиқ асфальт қилинди.

— **Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида маҳалла муаммоларини ҳал этиш бўйича билдирган тақлифларига муносабатингиз?**

— Дарҳақиқат, Хоразмда жуда долзарб масалалар, юракдаги гаплар айтилиб, маҳалла тизими борасида ажойиб тақлиф илгари сурилди. Мен бу тақлифни қўллаб-қувватлайман. Унда қайд этилганидек, маҳалладаги муаммоларни пастдан, куйидан туриб, йиғин раиси билан биргаликда ўрганилса, нур устига аъло нур бўларди. Ташриф давомида Президентимиз томонидан билдирилган тақлифлар маҳалла тизимида янги бир босқични бошлаб берди, жамият бошқарувида ўзига хос қадриятлар асосида шаклланиб келган, миллатимизнинг ўзлигини, турмуш тарзини ўзида мужассам этган маҳаллаларимиз бугун янги бир босқичга қадам қўйди, десак муболаға бўлмайди.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

«Mahalla» мухбири
Ёрмамат РУСТАМОВ
ёзиб олди.



ЯНГИ ТИЗИМ ЯНГИЧА ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Маҳалла шундай масканки, унда бори билан бўлишиш, йўғини тўлдириш мумкин. Ҳар биримизнинг коримизга маҳалла-кўй яраши, яхши-ёмон кунимизда камарбаста бўлиши ҳам бор гап. Шу боис бу тизимга азалдан одамларнинг ишончи катта бўлиб келган. Албатта, бу ишончни оқлаш, муаммоларга ечим топишдан аввал маҳалланинг ўзида ҳам муносиб шарт-шароит бўлиши керак. Шундагина одамлар оёғи узилмайдиган, халқнинг дардию қувончи, ташвишлари билан яшаш уйғун бўлади.

Янги кийим кийсак, кайфиятимиз кўтарилади. Агар мавжуд тизим янгиланса, эски қолипда ишлаб бўлмайди. Юзага келган барча муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ечимини янгича ёндашув билан ҳал этиш лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти оила, хотин-қизлар, кексалар ҳаёти билан боғлиқ катта-кичик масалаларни тўлақонли кўриб чиқишга ажизлик қилгани боис тизимни янгилаш зарурати пайдо бўлди. Шу боис Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти ташкил этилгач, юртимизда функциялари бирлаштирилган янги тизим вужудга келди.

Ҳаётимизнинг бир қатор муҳим ижтимоий йўналишларининг бирлаштирилиши мутасаддилар масъулиятини ҳам икки-уч қарра оширади. Биринчи галдаги вазифа нимадан иборат бўлиши керак? Албатта, ҳар бир маҳалла ўзининг кўркам, салобатли ва барча қулайликлари яратилган биносига эга бўлиши лозим. Ана шундагина янги тизим янги



ишлай олади. Жамиятда ривожланиш ва фаровонлик акс этиши мумкин.

17 та маҳалла идораси йўқлиги аниқланди

Иштихон туманида 62 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Худуд аҳолиси 256 минг нафар бўлиб, 42 мингта хонадонда истиқомат қилади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ҳар бир маҳалла мутасаддиларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса авлод вакиллари фаоллигини оширишга доир масъулияти кучайтирилмоқда.

Биз йил бошидан ишни маҳалланинг ўз биноси борми, у ташландиқ ҳолатда эмасми, деган саволларга жавоб беришдан бошладик. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизга Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асос бўлмоқда. Туман маҳаллалари биноси ўрганиб чиқилганда, 17 таси талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Бошқа ташкилотлар биноларида фаолият юритаётган, умуман идораси бўлмаган ма-

ДАРВОҚЕ...

Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 136 миллион 228 минг сўмлик қурилиш материаллари ва 13 миллион 240 минг сўмлик дори-дармон воситалари тарқатилди.

ҳаллалар борлиги эса ачинарлидир. Чунки ишлаш учун шароити бўлмаган жойда иш унумдорлиги ҳам талабга жавоб бермаслиги тайин.

Барча бинолар йил якунигача топширилади

Бугунги кунда маҳалла биноларининг иккитаси реконструкция қилиниб, 15 таси замон талаблари асосида қурилиб, йил якунигача топширилиши режалаштирилган. Айти дамда Қ.Қаршиев номи ва «Баҳрин» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг 1 декабрига қадар эса «Сафохўжа», «Зарбанд», «Борлос», «Зартепа» «Янгиравот» ва «Боғбон» маҳаллаларининг янги биноси қуриб битказилди.

Мисол учун, «Сафохўжа» маҳалла маркази биноси тадбиркор Шомил Эшонов томонидан 90 миллион сўм маблағ эвазига қурилди. Бинода мажлислар зали, маҳалла раиси, ходимлари ва профилактика инспектори учун алоҳида хоналар замон талаблари асосида жиҳозланган. Шу пайтга қадар «Нурли қайнар булоқ» мактабгача таълим муассасаси биносида фаолият юритиб келган «Зартепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам тадбиркорлар Дўстбек Юсупов ва Иззатилло Ибодуллаев томонидан ажратилган 100 миллион сўм маблағ эвазига янги

Шаҳобиддин ЎСАРОВ,
Иштихон тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

замонавий бинога эга бўлди. Уларга маҳалла биноси ёнидан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун жой ажратиб берилди. Бу ерда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ва савдо дўконлари барпо этилади.

Йил якунига қадар давлат-хусусий шериклик тамойилига мувофиқ, «Хумо», «Равот», «Кўктепа», «Хонақа», «Бойлата», «Кўтарма», «Орлот», «Моҳпар» ва «Ўзбекқўрғон» маҳаллалари бинолари тамоман янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилади. Барча қулайликлари билан ишга тушириладиган бу бинолар эндиликда аҳолининг барча қатламлари кириб чиқадиган, «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида ишлайдиган масканга айланади.

«Обод маҳалла» тамойили амалда

Бунёдкорлик ишларига ҳамоханг равишда худудда ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, «Обод маҳалла» тамойили асосида маҳаллалар, кўчалар ва хонадонларни обод ва кўркам масканга айлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб берилмоқда. Жумладан, «Самарқанд — Бухоро» М-37 йўлининг туман худудидан ўтган 24 км. қисмида жойлашган хонадонлар таъмирлаб берилди.

Шунингдек, 2 минг 515 та камбағал оиланинг рўйхати ишлаб чиқилган бўлиб, улардан «маҳаллабай» тарзида таъмирталаб хонадонлар ажратиб олинди ва уларда қурилиш ишлари бажарилди. Қолаверса, маҳаллалардаги 152 та қабристон ва 1 та зиёратгоҳ обонлаштирилди. Ҳомийлар ва ёшларни жалб этган ҳолда эҳтиёжманд ва камбағал оилаларнинг, яқка-ёлғиз кексаларнинг хонадонларида (тиморқаларида) ҳашарлар уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ободлик бор жойда хотиржамлик ва ишда унум бўлади. Фаолиятимиз давомида шундай ҳолатларга гувоҳ бўлдикки, маҳалла идораларининг қурилиши бошланиши билан айрим жойларда аҳолининг ўзи ҳашар уюштириш орқали ёрдамга ошиқди. Демак, бу тизим халқ ичига кириб бора олган. Энди фақат бу ишончни оқлаб, уларга тиргак бўлган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса тизимдаги барча ходимларнинг мажбурияти ва маъсулиятидир.



КИЧИК ШАҲАРДАГИ катта ўзгаришлар

Сирдарёнинг мўъжазгина Ширин шаҳри ҳақида кўпчилик эшитган. «Энергетиклар шаҳри» деб ном олган бу шаҳарга эҳтимол йўлингиз ҳам тушгандир. Бир неча йил аввал бу жойларни кўрганлар шаҳардаги бугунги ўзгаришлардан ҳайратга тушиши аниқ. Негаки, бугун Ширин ўз номига муносиб шаҳарга айланиб бормоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва ҳаётий тажрибаси, салоҳияти билан яқунланаётган йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да салмоқли натижаларга эришдик. Биргина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳақида тўхталадиган бўлсак, январь-ноябрь ойида 2 триллион 910 млн. сўмни ташкил этиб, кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 100,4 фоизга ўсди.

Ширин шаҳрида бир қатор ўзгаришлар, қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, «Бунёдкор», «Нуробод», Фарҳод ва Амир Темура номи маҳаллаларда «Обод маҳалла» дастури доирасида кенг кўламда қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бунинг натижаси ўлароқ, маҳаллалардаги ички йўлларга асфальт қопланди, маҳалла бинолари қурилди, ичимлик ва оқова сув қувурлари янгиланди. Кўп қаватли уйларнинг том ва ертўла қисмлари таъмирланди. Шаҳарнинг қоқ марказидаги бир неча йиллардан бери қаровсиз бўлиб турган ҳудудда «Ёшлар хиёбони» бунёд этилди.

Бугун бу ажойиб кўнгилочар маскан нафақат ёшларнинг, балки барчанинг ҳордиқ чиқарадиган масканига айланган. Унинг ёнгинасида эса очиқ осмон остидаги музей сифатида ташкил этилган, ҳарбий техникалар саф тортган «Ватанпарвар» майдонида кўзингиз тушади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ширин том маънода энергетиклар шаҳри ҳисобланади. Бу бежизга эмас. Ширин шаҳрида мамлакатимиз энергетикасининг қалдирғочи бўлган «Фарҳод ГЭС»и ва энг катта иссиқлик электр станцияларидан бири бўлган «Сирдарё ИЭС»и жойлашган. Шаҳарнинг бунёд этилиши тарихи ҳам мазкур икки йирик иншоотнинг қурилиши билан боғлиқ.

Яқинда шаҳарда энергетиклар шарафига атаб, «Энергетиклар хиёбони» бунёд этилди. Мазкур хиёбонга кирар экансиз, икки нурхонанинг қурилиши билан боғлиқ маълумотлар билан танишасиз.

Дарҳақиқат, бугун бу шаҳар тарихининг янги саҳифаси очилди, унинг янги, замонавий кўриниши бунёд этилаётир. Турли йўналишларда кўплаб тадбиркорлик кластерлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, энергетиклар аъъанасини давом эттирган



ҳолда янги электростанциянинг қурилиш ишлари бошланган. Яна бир йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан «Ўзбекистон-Хитой» кўшма корхонаси сифатида ташкил этилган металл куюв цехи эса яқинда ўз фаолиятини бошлайди.

Аёллар ишли бўлди, оиласига барака кирди

Шаҳримиз аҳолисининг 9600 нафари аёллар бўлиб, улардан ногиронлиги бўлган аёллар 142 нафар, яқка-ёлғиз аёллар 2 нафар, фарзанд тарбиялаётган ёлғиз оналар 36 нафар ҳамда боқувчисини йўқотган аёллар 37 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг январь ойида ишсиз аёллар 394 нафарни ташкил этган бўлса, 1 декабрь ҳолатига кўра, 237 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 5 нафарига уй-жой ажратилган бўлса, 5 нафарининг уйи таъмирланди. 5 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилиб, яна шунча оилага суолтирилган газ баллонлари тарқатилди.

Оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар 45 та бўлиб, жорий йилда уларнинг барчасига озиқ-овқат ҳамда (15 млн. сўм миқдоридан) моддий ёрдамлар кўрсатилди. 50 нафар хотин-қизга 5 млрд. 323 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. 4 нафар хотин-қизни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-қувватлаш давлат мақсад-

ли жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошланғич 10 фойз тўловлари тўлаб берилди.

Зуравонликдан жабр кўрган 26 нафар аёлга ҳимоя ордерлари берилиб, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг барвақт олди олинди. Шунингдек, 60 та низоли оилалар яраштирилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларни кўллаб-қувватлаш, «темир дафтар»га киритилган оилаларни рўйхатдан чиқариш ҳамда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шаҳар миқёсида 313 та оила ҳамда унинг 1058 нафар аъзоси «темир дафтар»га киритилган. Бугун 162 та оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, бандлиги таъминланди. Шу боис улар «темир дафтар»дан чиқарилди.

19 та лойиҳа эвазига 359 та иш ўрни яратилади

Ширин шаҳрида 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция дастурига асосан, 19 та лойиҳа шакллантирилган. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши ҳисобига 359 та янги иш ўринлари яратилади. Белгиланган режага мувофиқ, жорий йилда 7 млрд. 240 млн. сўмлик жами 9 та лойиҳа ишга туширилиб, 43 та иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар 2 та қишлоқ хўжалиги лойиҳасининг ишга туширилиши натижасида 9 нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Иш жойларини ташкил этиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали ишсизлик даражаси ва норасмий бандлар сонини камайтириш бўйича жорий йилнинг ўн бир ойи давомида 627 нафар ишсиз фуқаро доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, 1892 нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 38 нафар ишсиз фуқарога эса ишсиз-



Рафиқ БОЙҚОБИЛОВ,
Ширин шаҳар ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва
оилани кўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиғи.

лик нафақаси тайинланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 70 нафар ишсиз фуқарога тадбиркорлик субъектлари очиш, енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун 174,8 млн. сўм ва белгилангандан ортиқ квота иш ўринлари ташкил этган 3 та корхонага 17,3 млн. сўм, жами бўлиб 192,1 млн. сўм миқдоридан Бандлик жамғармаси субсидиялари ажратилди.

Янги маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш ва янги бозорларга кириб бориш бўйича Ширин шаҳрида тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ширин Элис Текстиль» МЧЖ ташкил этилди. Шунингдек, Фарҳод номи маҳалла ҳудудида 2 гектар ер майдонида замонавий гидропоника усулида иссиқхона ҳамда Мирзо Улуғбек номи маҳаллада балиқчилик кластери ташкил этилмоқда.

Болаларнинг 85 фоизи боғчага қамраб олинган

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг 1209 нафари, яъни 85,2 фоизи боғчага қамраб олинган. Жорий йилда «Нуробод» маҳалласида янги 160 ўринли 6-сонли мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди. Шунингдек, шаҳардаги 2 та мактабгача таълим муассасасининг бинолари ҳозирги замон талабларига мос равишда мукамал таъмирланди. 2021 йилда «Ватанпарвар» маҳалласида давлат-хусусий шерикчилик асосида 200 ўринга мўлжалланган нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилиши режалаштирилган.

Аҳоли ўртасида оммавий спортни тарғиб қилиш, ёшларни спортга жалб қилиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримиздаги 37 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, улар спортсеварлар хизматида. Айни кунда Болалар-ўсмирлар спорт мактабида 450 нафар, Академик эшкак эшиш спорт базасида 330 нафар, сунъий қопламали спорт майдонларида 80 нафар ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ҳа, бугун бу шаҳарнинг нафақат кундузги, тунги манзараси ҳам кишида ажиб таассурот қолдиради. Йирик ўзгаришлар юртимиздаги ёрқин истиқболлардан сўйлаётгандек, гўё.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида Гулистон шаҳрида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар тўғрисида дастур ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида вилоят касаба уюшмаси билан ҳамкорликда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор оилалар ўрганилиб, 32 нафар хотин-қизга соғлигини тиклаши учун 1,5 млн. сўмдан пул маблағлари, 32 нафар аёлимизга тикув машинаси ҳамда 6 та микротўлқинли печь берилди. Шунингдек, 22 нафар аёлимизнинг уй-жойлари таъмирланиб, 3 нафар аёл уй-жой билан таъминланди. Оғир шароитдаги оиланинг 1 нафар фарзанди учун контракт тўлови тўлаб берилди.

«UZ.Hunarmand-Ta'lim» лойиҳаси доирасида

«UZ.Hunarmand-Ta'lim» лойиҳаси доирасида 49 нафар имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар «Устоз-шогирд» аънарасига асосан, тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик, заргарлик, каштачилик, кўрпа қавиш каби йўналишлар бўйича уч ойлик ўқув курсларида ўқитилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 97 нафар хотин-қиз Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан ўқитилиб, сертификат билан таъминланди. 27 нафар хотин-қизларимизга «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида 498 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. 40 нафар ишсиз фуқарога эса Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш орқали бандлиги таъминланди.

Омадли аёллар кооперативи

Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласида фаолият юритаётган «Омадли аёллар кооперативи» МЧЖ томонидан хотин-қизларнинг ишсизлик даражасини камайтириш, бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи ташкил этилмоқда. Йил якунига

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЗАРУР ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА



тизими ишга туширилди. Бундан буён фуқаролар ўз мурожаатларини электрон манзил орқали юборишади ва ҳар бир фуқародан келган аризалар тўғридан-тўғри ҳокимиятнинг масъулларига келиб тушади. Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди.

48 нафар хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилди

Энг оғрикли нуқталаримиздан бири, бу – оилавий ажралишлардир. Шу боис барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ажралиш ёқасига келиб қолган 44 та оила билан биргаликда «Бахтли оила» акцияси ўтказилди.

Акцияга малакали психологлар, фаол маҳалла раислари, отинийлар, имом-хатиблар, жамоатчилик вакиллари жалб қилиниб, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан мулоқот қилинди. Ҳар бир оилада соғлом муҳитни яратиш орқали яраштириш чоралари кўрилди. Натижада 18 та оилани яраштиришга эришдик. Шунингдек, маҳаллалардаги Оилавий кадрларнинг мустаҳкамлаш комиссиялари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида 98 та оилалар яраштирилди.

Лекин оилавий ажралиш учун ФХДЁ бўлимига ариза берганлар ҳам бор. Шу боис соҳа вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳ томонидан ушбу оилаларда тарғибот-тушунтириш ишлари ҳамда ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатилиб, яраштириш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йил 192 та ажрим қайд этилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 14 тага камайди.

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Гулистон шаҳар ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими билан ҳамкорликда 48 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерлари берилди.



Олия ТУРДИЕВА,
Гулистон шаҳар ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

Жисмоний фаоллик жиноятчиликни камайтиради

Коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканини кўрсатди.

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича маҳаллаларга жисмоний тарбия бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини ва ИИБ ходимлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, кўча бошилар, спортчилар ва бошқа кўнгилчилар бириктирилди. Бугунги кунгача хотин-қизлар ўртасида 103 та эрталабки бадантарбия, кексалар ўртасида 127 та «Беш минг қадам» ҳамда ёшлар иштирокида 112 та спорт тадбирлари ўтказилди.

Мана шундай жисмоний фаоллик тадбирларининг тизимли ва самарали ташкил этилиши ўз натижаларини берди, яъни аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг камайишига эришилди. Энг муҳими, аҳолининг вақтини тўғри тақсимлашга, соғлом турмуш тарзига риоя этиш ҳамда зарарли одатлардан воз кечиш кўникмалари шакллантирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаятир.

Вазирлик 2020 йилда нималар қилди?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида Сенат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда соҳанинг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вазирликнинг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

Йиғилишда вазирликнинг 11-46 ишонч телефони ҳамда унинг аҳоли муаммоларини аниқлаш бўйича аҳамияти ҳақида фикр билдирилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда 797,1 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 69 мингдан ортиқ фуқаро хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқачилик каби йўналишларга жалб этилгани қайд этилди.



Шунингдек, оғир ижтимоий шароитда яшаётган 1127 нафар хотин-қизга уй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан 19 млрд. 426 млн. сўм миқдоридagi бошланғич бадаллар тўлаб берилгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларига грант асосида танловда иштирок этишлари учун тавсиянома берилган хотин-қизларнинг 950 нафари грант асосида ўқишга қабул қилинди. Барча ҳудудлар миқёсида хотин-қизлар билан ишлаш бўйича янги



тизим — «Аёллар дафтари» жорий этилди.

Нуронийлар иштирокида маҳаллалардаги 3978 та нотинч оила яраштирилди, 3784 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобдан чиқарилди, спиртли ичимликка ружу қўйган 2668 нафар шахсларнинг бундай иллатдан халос бўлишига ёрдам берилди. Маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида профилактика инспектори лавозими бўйича қўшимча 2753 та штат бирлиги жорий этилди ва барча маҳаллаларда улар фаолияти йўлга қўйилди.

Йиғилиш давомидa вазирликнинг фаолият йўналишлари бўйича Сенат аъзолари ва бошқа иштирокчилар томонидан берилган саволларга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосарлари — Ботир Парпиев ва Содиқжон Турдиевлар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди

Боғот туманидаги «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган, барча шароитларга эга янги биноси фойдаланишга топширилди.



Тадбиркор А.Матёкубов томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида қад ростлаган бинога 210 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, Янгибозор туманида ҳам «Очақалъа» ва «Манғитлар» маҳалла фуқаролар йиғинлари хизмат бинолари фойдаланишга топширилди.

Биноларнинг очилиш маросимида туман ҳокими Ў. Қурбанов иштирок этиб, айтиб кунда тумандаги яна 12 та маҳалла фуқаролар йиғини биноларида қурилиш ишлари давом этаётгани, яратилаётган бу каби қулай шароитлар соҳа ходимларининг аҳоли мурожаатлари билан янада самарали ишлашига хизмат қилишини таъкидлади.

У.ИБОДИНОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Аёллар дафтари» шакллантирилмоқда

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъуллари томонидан Ангрэн ва Олмалик шаҳрида аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича ўрганилди.



Жумладан, Ангрэн шаҳридаги «Озодлик», «Истиқбол», «Янги ҳаёт», «Майдон» ҳамда Олмалик шаҳридаги «Ойдин», «Шошилоқ», «Бобур» ва «Саховат» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Аёллар дафтари» бўйича хатлов жараёнларини сифатли ташкил этиш, бу борада ҳудудларда сектор ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида амалга ошириладиган ишларнинг натижадорлиги муҳокама этилди.

Шунингдек, хатлов ишлари

яқунланган маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар муаммолари бўйича уларга манзилли кўмак кўрсатиш, аёлларга ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш, бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, «темир дафтар»га киритилган аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали эҳтиёжмандликдан чиқариш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Носир ҲАЙДАРОВ.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Маҳалла фаолларининг малакаси оширилмоқда

Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Қарши, Косон, Яккабоғ, Қамаш, Миришкор, Шаҳрисабз тумани бўлимлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимлари учун ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Соҳа ходимларининг тажриба ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган мазкур семинарлар орқали иштирокчиларга маҳалла институти олдида турган долзарб масалалар, хусусан, «темир дафтар»га киритилган оилалар билан тизимли ишлаш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, «Аёллар дафтари»ни шакллантириш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» тамойили асосида ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан зарур тушунча ва маълумотлар берилмоқда.

Ш.БОЗОРОВА.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Меҳр-мурувват — азалий қадрият

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 57-сонли махсус болалар учун мослаштирилган меҳнат таълими мактабида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви билан ҳамкорликда «Болаларга меҳр улашиб...» номли маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Маълумки, жорий йилнинг 1 декабридан 31 декабрига қадар республикамизда «Меҳр-мурувват ойлиги»ни ўтказилмоқда. Ойлик доирасида ўзгалар парвариши ва ёрдамига муҳтож ноғи-

ронлиги бўлган болалар ҳолидан хабар олиниб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур хайрия кечасида ҳам ушбу аънава давом эттирилиб, мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган бадий чизиқлар намойиш этилди. Эстрада хонандаларининг қўшиқлари эса даврага янада файз киритди.

Тадбир сўнггида таълим муассасаси ўқувчиларига вазирлик томонидан совға-саломлар улашилди.

Ғулом ХИДИРОВ.

МУАММОЛАРНИ шунчаки ўрганиш эмас, ҳал этиш зарур

Термиз шаҳри воҳанинг рамзий дарвозаси, таъбир жоиз бўлса, юраги ҳам ҳисобланади. Халқимизда эрта тонгдан дарвоза олдига сув сепиб, супуриб қўйиш одати бор. Зеро, «Ватан остонадан бошланади», деб бежиз айтилмаган. Шу маънода Термиз шаҳридаги ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, тинчлик бутун воҳанинг тақдирига қайсидир маънода дахл қилади, десак муболаға бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, бугун шаҳардаги ҳар бир масъул шахс ана шундай масъулиятни теран ҳис этган ҳолда баҳоли-қудрат ўз вазифасини бажаряпти.

Эҳтиёжманд оилалар — доимий эътиборда

Бугун маҳалла фаоллари ўз вазифасини тўла адо эта олса, муаммолар имкон қадар ўша жойнинг ўзида ҳал этилса, бажарилаётган ишлар кўлами ошиб бораверади. Бунинг учун, аввало, маҳалла фаолларига етарлича имконият яратиб бериш керак. Қолаверса, маҳалла фаолларига номзодларни тавсия этиш жараёнига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундан келиб чиқиб, шаҳримизда қатор ишларга қўл урилди.

Жумладан, шаҳардаги жами 37 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли сони, ижтимоий-маънавий муҳит ва ҳудудий географик жойлашуви бўйича тоифаларга ажратилди ҳамда шу асосда йиғин ҳодимларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Агар шаҳардаги 6 та маҳалланинг қўшни Афғонистон билан чегарадош эканини ҳисобга олсак, бундай чора-тадбирларнинг нечоғли муҳим эканини билиш мушкул эмас.

Қолаверса, ҳаётнинг барча жабҳаларида глобал ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврда ҳар бир ҳудуд билан алоҳида ишламасдан туриб, бирон натижага эришиб



бўлмайди. Бунда, энг аввало, оғир шароитга тушиб қолган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга эътибор бериляпти. Хусусан, Термиз шаҳридаги маҳаллаларда яшовчи камбағал оилаларни аниқлаш мақсадида ишчи гуруҳлар тузилиб, манзилли хатлов ўтказдик. Мазкур хатлов натижасига кўра, жами 545 та камбағал оила ва уларнинг 2 минг 396 нафар аъзоларидан 472 нафари меҳнатга лаёқатли экани аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари томонидан 709 та оғир турмуш шароитида кун кечириётган оилаларга 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, пандемия даврида ишсиз қолган 179 нафар юртдошимиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 237 нафари «ЗИФ ТЕКСТИЛ» қўшма корхонасига ишга жойлаштирилди.

Қанча оила камбағалликдан чиқарилди?

Бир вақтнинг ўзида барчани иш билан таъминлаш имконсиз. Бунинг турли сабаблари бор, масалан, ишсиз юртдошларнинг аксари ҳунарсиз бўлса, бир қисмига ўз мутахассислиги бўйича иш ўрни топиш муаммо. Аммо бу муаммога кўз юмишга сабаб бўлмаслиги керак. Демокчимизки, бугунги кун маҳалла раиси ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам масалага ечим топа олиши керак. Шундан келиб чиқиб, 116 нафар ишсиз фуқаронинг томорқа майдонларини ўрганиб чиқдик ва уларга ҳеч қандай тўловларсиз 15 минг дона турли экин кўчатлари эҳтиёжларига қараб манзилли етказиб берилди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларни камбағаллик даражасидан чиқариш мақсадида 10 та хонадонга бир бошдан қорамол берилди. Парранда боқиш истагида бўлган 50 та оилага 20 тадан

ДАРВОҚЕ...

Аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш учун 33 нафар фуқарога керакли асбоб-ускуна, сув чиқариш насослари, жиҳозлар, уруғ, ўғит ва бошқа зарур нарсаларни олиши учун 69,1 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилди. Шунингдек, шаҳар ҳудудида бўш ер майдонлари камлигини ҳисобга олиб, «Ҳар бир ёшга 2 сотих» тамойили асосида «Гулистон» ва «Саховат» маҳаллалари ҳудудида 120 сотих ер майдони ажратилиб, иссиқхона қуриш ишлари олиб борилмоқда.

парранда бердик. Албатта, фақат бир бош сигир ёки парранда билан оилаларни камбағалликдан чиқариб юбориш мушкул. Шу боис камбағал оилаларнинг 18-30 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли оила аъзолари билан бевосита суҳбатлашиб, уларнинг қизиқишларини ўргандик. Ёшлар орасида ердан унумли фойдаланиш истагида бўлган 50 нафар фуқарога ҳеч қандай тўловларсиз ер ва уруғликлар берилиб, ишларини тўғри ташкил этиб олишлари учун тажрибали мурабийлар бириктирилди.

Умуман, ҳозирги кунда эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилган ёрдамлар ҳисобига жами 1 минг 102 та оилани камбағалликдан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилишга эришдик. Эътиборлиси, ушбу оилаларнинг 1 минг 205 нафар аъзоси доимий ишга жойлаштирилди.

Ҳамкорлик самара беряптими?

Хабарингиз бор, 2019 йил 2 апрелда Президентимизнинг «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирла-



Зокиржон МЕЙЛИЕВ,
Термиз шаҳар ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ри тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Ушбу тарихий ҳужжат «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосидаги ҳамкорлик тизими асос бўлди. Бу эса, ўз навбатида, йиғин раисларининг маҳалласидаги долзарб муаммоларга тезкор ечим топишда қўл келяпти.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор аъзолари, йўл, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси юзасидан сектор раҳбарлари ва Халқ қабулхонасига маълумотлар киритиб борилмоқда. Бу ўз-ўзидан мавжуд вазиятни кўра олиш, муаммоларга тизимли равишда ечим топишда самара беряпти. Дарҳақиқат, бугун муаммоларни шунчаки ўрганиш эмас, ҳал этиш зарур.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак. Маълумки, юртимизда оилалар фаровонлигини таъминлаш, улардаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини барқарорлаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Бунинг учун махсус ишчи гуруҳлар тузилиб, тизимли ишларни йўлга қўйганмиз. Эътиборлиси, ҳар бир гуруҳ таркибига профилактика инспекторлари, нуроний отахон ва кайвони онахонлар, имом-хатиблар каби қатор маҳалла фидойилари бириктирилган.

Кувонарлиси, бундай тадбирлар бесамар кетмаяпти. Жумладан, оилавий муаммоларнинг бартараф этилиши эвазига ажралишлар сони камайишига эришдик. Яъни ажралишлар сони ўтган йилга нисбатан 58 тага камайди. Шунингдек, никоҳдан ўтувчи ҳар бир ёш келин-куёвни оилага тайёрлаш бўйича психологлар, тажрибали, обрўли отахон ва онахонлар бириктирилган.

Юқоридаги кўрсаткичлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўнглаш учун бажарган ишларимизнинг бир қисми, холос. Шунингдек, Термиз шаҳрида ҳар куни амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ҳам эътироф этиш зарур. Бунинг натижасида юртдошларимиз учун янги уйлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилмоқда. Бу шаҳримиз чиройига-чирой қўйиш баробарида янги иш ўринларини яратиш, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қиляпти.



2021 йил 1 январдан жамоат транспортида нақд пул тўлови бекор қилиниши мумкин.

МУАММОНИНГ ОҚИБАТИ ЭМАС, САБАБЛАРИ ҚИЗИҚТИРИШИ КЕРАК

Халқимиз азалдан аёлларни ардоқлаб, улар сиймосида она тимсолини кўрган. Шу боис уларни доим эъзозлаймиз. Аммо эҳтиром кўрсатиш шунчаки қуруқ гап бўлиб қолиши керак эмас. Уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдалана олиш, жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини ошириш учун етарлича шароит яратиб бериш зарур. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар бунга тўла имкон беради.

Масала ечимида, аввало, пухта режа зарур

Қизирӣқ туманидаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 106 нафар аёлдан 21 нафарининг бандлигини таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда 17 нафар аёл ишли бўлди. Бундан ташқари, Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда 23 нафар хотин-қизга тикув машиналари ва 4 нафарига маиший техника жиҳозлари олиб берилиб, бандлиги таъминланди.

Бу ишлар бир қарашда арзимас бир амал бўлиб кўриниши мумкин. Аммо биргина тикув машинаси сабаб ўша фуқарога ишонч ҳам берилмоқда. Қолаверса, маҳалла фаоллари доимий равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб туриши, ишларини тўғри йўлга қўйиб олишига кўмаклашиши аёлларнинг шижоатини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, масалани ҳал этиш учун, аввало, пухта режа керак. Ушбу суҳбатлар эса ана шу режани тузишга замин яратмоқда.

Шу ўринда яна бир маълумот: «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан 23 нафар кам таъминланган оилага 45 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 46 та оилага тикув машинаси олиб берилди ва уй шароитида бандлиги таъминланди. 19 нафар хотин-қизга соғлигини тиклаши учун 4 миллион сўмдан пул маблағи тўлаб берилди.

Худудда 57 минг 128 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, улар камбағал, ёлғиз, турмушидан ажрашган, ногирон каби тоифаларга ажратилган.



«Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан 465 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 19 та иш ўрни яратилди. Қолаверса, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ижроси учун 9,0 млн. сўмдан пул маблағи ўтказиб берилди».

Бу эса ишларни тизимли ва тўғри ташкил этишда қўл келяпти. Негаки, мана шу рўйхатни тузиш жараёнида ҳам, ундан кейин ҳам маҳалла фаоллари ушбу тоифадаги фуқаролар билан индивидуал суҳбатлар олиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларни қийнаётган масалаларга ўз вақтида ечим топишда қўл келяпти.

Ёшлар бандлиги қандай таъминланяпти?

Ишсизлик кўп муаммоларнинг бош сабаби. Шу боис аҳоли, жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш бугун жуда муҳим. Аслини олганда, бу масаланинг ечими осон ва содда. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган киши ҳеч бўлмаганда 3-4 нафар одамни иш билан таъминлаши аниқ.

Орамизда шундай хайрли ишга қўл уриб, қўни-қўшнилари ва маҳалладошларининг ҳалол меҳнат билан пул топиши учун шароит яратиб бераётган ҳамюртларимиз ҳам талайгина. Жорий йилда туманда 30 ёшгача бўлган 21 минг



195 нафар йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилди. Шундан 18 минг 753 нафари «Ёшлар дафтари»га киритилди. Улар ҳам алоҳида тоифаларга ажратилиб, муаммоларига ечим топиш чоралари кўриб бориляпти.

Жумладан, суҳбатлар давомида 2 минг 177 нафар ёш тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, имтиёзли кредитлар ажратиш ва ишларини тўғри йўлга қўйишига кўмак бериб келяпмиз. Бундан ташқари, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Заробод» маҳалласида жойлашган «Ғайратбек ёшлар меҳнат гузари» хусусий корхонаси томонидан хумумий қиймати 530 млн. сўмга тенг бўлган Ёшлар меҳнат гузари ташкил этилиб, 18 та янги иш ўрни яратилди.

Иш ўрни яратиш учун малакали кадрлар керак

Яна бир қувонарли ҳолат: туманимиздаги 432 нафар ёш «Устоз-шогирд» аънанаси асосида фаолият юритиш истаги борлигини билдирган. Албатта, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, уларнинг ҳам истакларини қондириб келяпмиз. Жумладан, «ЯТТ Хусанов Ўрол Азимович» тадбиркорлик субъекти ҳозирги кунда туман ёшларини ёнига олиб, уларга санъат сирларини ўргатмоқда. Шу билан бирга, хунармандчилик маҳсулотлари дўконлар, маҳаллий ва хорижий савдо уйларида шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Шунингдек, туманда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан 465 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 19 та иш ўрни яратилди. Қолаверса, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ижроси учун 9,0 млн.

Эркин САПАРОВ,
Қизирӣқ тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими бош-
лиғи.



сўмдан пул маблағи ўтказиб берилди. Ишсиз сифатида рўйхатга олинганлардан 159 нафари (шундан аёллар 80 нафар), шунингдек, 141 нафар ёш касбга қайта ўқишга юборилди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида ташкил этилган мономарказга 1 нафар, КОИКИ ўқув марказига 3 нафар, Шеробод туманида ташкил этилган туманлараро ўқув марказига 16 нафар, тумандаги «Янги ҳаёт» ва «Заробод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ўқув масканларига 35 нафар ҳамда «Устоз-шогирд» аънанаси асосида 104 нафар ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилмоқда.

Аёлларни касбга йўналтириш учун тумандаги собиқ иқтисодий коллежи биносида 21 нафар аёл ўқиб, кредит олиш бўйича сертификат олди ва яна 20 нафар аёл ҳозирги кунда тикувчилик касби бўйича ўқитиляпти. Педагогика коллежи ошхонасида 20 нафар хотин-қиз қандалатчилик йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсида ўқияпти.

Тажрибадан кўриняптики, муаммонинг оқибати билан эмас, сабаблари билан курашиш керак. Шундагина ҳар қандай масалага тўла ечим топса бўлади. Бугун жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг бир қисми ишсизлик сабаб келиб чиқаётган бўлса, ўз ўрнида ишсизлик сабаби хунар билмаслик, ўқиб-ўрганишга иштиёқ ёки имконият йўқлиги билан боғлиқ. Амалга ошираётган ишларимизда айнан шу масалаларни ҳал этишга қаратганмиз. Ўйлаймизки, бугун амалда бажараётган ишларимиз эртага ўзининг самарасини кўрсатиб, халқимиз фаровонлигини таъминлайди.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ МУМКИН

Иқтисодий муаммолар бартараф этилган жамиятда таълим ва тарбияга етарлича эътибор қаратиш имкони бўлади. Шу боис бугун юртимизда, аввало, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада туманимизда ҳам фахр билан тилга олишга арзийдиган юмушларнинг бажарилаётгани бизни қувонтиради.

Туманининг иқтисодий аҳволи қандай?

Айтиш керакки, Шўрчи тумани узоқ йиллар давомида воҳанинг кўзга кўринган худудларидан бири бўлиб келган.

Бугун ана шу мавқени нафақат сақлаб қолиш, балки янги марраларни забт этиш, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўлиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Масалан, жорий йилда кўрилган изчил чоратadbирлар ҳисобига туманда макроиқтисодий кўрсаткичлар янада яхшиланди. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 944,8 млрд. сўмга бажарилиб, 103,5 фоизга ўсди. Аммо бу билан қувониб, тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ. Зеро, 2021 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этиладиган 11 та йирик янги лойиҳани ишга тушириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини 1 триллион 325,4 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, туманда 14 та экспортёр корхона фаолият юритмоқда. Йилнинг ўтган даврида улар 11 млн. 129 минг доллар қийматидаги саноат ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди. Келгуси йил экспорт салоҳиятини янада ошириш учун янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, «Зонг Вей» МЧЖ томонидан қиймати 1 млн. 300 минг доллар бўлган қум тош ва шағал ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 10 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, «Surxon Technotak» МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 3 млн. 270 минг доллар бўлган лойиҳа амалга оширилиб, «Лайлакхона» маҳалласида шағал ишлаб чиқиш йўлга қўйилди ва 10 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Яна бир қувонarli ҳолат: туманда жорий йилда 2 та янги хорижий корхона ташкил этилди. Ушбу корхоналар томонидан 1 гектар майдонда иссиқхоналар қурилиб, кўчат етиштириш ишлари олиб борилмоқда.

Қолаверса, кичик саноат зо-



наларини ташкил этиш, хориж инвестициясини жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаб, даромадини ошириш, таълим-тиббийёт каби ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий хунармандчилик каби соҳаларда ҳам янги марраларни забт этиш кўзланган.

Хунармандчилик қонида бор...

Шу ўринда туманимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутаятган хунармандларимиз ҳақида ҳам сўз юритишимиз керак. Туманимиздаги «Ойнакўл» маҳалласида яшовчи Эшпўлат Ҳасанов тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши натижасида хунар ўрганишга иштиёқманд ёшларнинг орзуси амалга ошди. Гап шундаки, ёшлигидан хунарга қизиққан Э.Ҳасанов 12 ёшидан касибчиликнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганган ва у қизиқишларини қатъий мақсадга айлантдириб, имкониятлар қамровини кенгайтириб борди.

Ўзи истиқомат қиладиган «Ойнакўл» маҳалласида моҳир уста сифатида танилиб, аҳолининг талабига кўра, мавсумий оёқ кийимлар тайёрлашни йўлга қўйди. Асосийси, у оёқ кийимларни қўл меҳнати орқали тайёрлайди. Эътиборлиси, у 3 нафар тенгдошини иш билан таъминлаб 15 нафар ёшга «устоз-шогирд» аънанаси асосида хунар сирларини ўргатяпти. Бир кунда 15-20

ДАРВОҚЕ...

Компьютер технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ахборот технологиялари соҳасидаги тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида туманда замонавий ИТ маркази фаолият бошлади. Мазкур марказ 200 миллион сўмлик замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланиб, компьютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компьютер графикаси асослари каби ихтисослашган ўқув курсларини ташкил этиш учун мўлжалланган.

Шу билан бирга, ўқув марказида тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги малакасини ошириш режалаштирилган.

дона пойабзал ишлаб чиқарадиган тадбиркор келгусида фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилганди. Шу боис унга туманимиздаги 2-сон касб-хунар мактабидан махсус хона ажратиб берилди. Ҳозирда шу ерда шогирдларга хунар ўргатиш билан бир қаторда, беш турдаги сифатли ва бежирим оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Шўрчилик хунармандлар ҳақида гап кетганда, «Сауртепа» маҳалласида истиқомат қилувчи Фотима Жумаевани ҳам эсга олиш жоиз. Негаки, бу юртдошимиз 15 йилдан зиёд вақт мобайнида тикувчилик билан шуғулланиб келяпти. Ҳозирги кунда у маҳалладошларига ҳам кўрпа-ёстиқ ва тўн тикишни ўргатмоқда. Шунини



Шерали САФАРОВ,
Шўрчи тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ҳисобга олиб, тадбиркор аёлга «Кўрпача ва миллий тўн қавиш» ўқув маркази фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди. Айни вақтда 8 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган марказда 20 нафар қиз ва келинлар хунар ўрганмоқда.

Ёшларга намуна бўлиш керак

Бугун ёшлар тарбияси ҳақида жуда кўп ишлар қилиш борасида турли таклифларни айтяпмиз, янги-янги йўللارни ўйлаб топишга уринмоқдамиз. Аслида уларга ўзимиз яхши намуна бўлишимиз кифоя. Шўрчида эса ёшларга нафақат яхши намуна бўладиган, балки уларни ёнига олиб, улар онгига ўзлигимизни сингдираётган юртдошларимиз ҳам бор.

Шу ўринда «Лайлакхона» маҳалласида яшовчи Жанғил Умираниев фахр билан тилга олиш зарур. Ж.Умираниев 1-гуруҳ ногирони. Шунга қарамай, ҳаётдан, яшаш шароитидан нолимайди. 15 йилдан буён аравачага миҳланиб қолган онахон момоларимиздан ўрганган хунарини давом эттириб, ёшларга гилам тўқишни ўргатяпти. Албатта, «Хунар — хунардан унар» деганларидек, Жанғил Умираниев қўл меҳнати билан тўқиётган «Жанона», «Ғожари», «Тақир» гиламлар, бойсуни, қадимий, атлас нусхали жойнамозлар рангларининг ёрқинлиги кишида катта таассурот қолдиради.

Бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳисси билан яшаётган юртдошларимизнинг орзуларини амалга оширадиган давр келди. Бунинг учун барча имкониятлар яратиб берилган. Айниқса, касб-хунарли бўлган аёллар, қизлар тикиш-бичиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, бундай имтиёزلардан унумли фойдаланишмоқда. Бунинг натижасида кундан-кун обод бўлаётган юртимиз тараққиётида зукко, ишбилармон хотин-қизларнинг улуши ортмоқда. Рўзғор ишларидан ортиб, ишбилармон, тадбиркор бўлаётган бундай аёлларимизни эса замона бунёдкори, десак адашмаймиз.



Андижонда Иқтисодиёт ва қурилиш институти иш бошлади.

РАҚАМЛАР

Хотин-қизлар ва ёшлар – аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилди.

ортидан қувиш ҳеч нарсани ўзгартирмайди



Нигора МУХАМАДИЕВА,
Чиноз тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда – маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди. Мақсад – бу борадаги ишларни жонлантириш, самарадорликни ошириш эди.

Дарҳақиқат, янги тизим билан анчайин яхши натижаларга эришилди, мавжуд муаммолар аниқланди, ечими борасида ишлар бошланди. Хусусан, бўлимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилди, уларнинг муаммолари бўйича рўйхати шакллантирилди.

Ҳаётга муҳаббат билан...

Кишининг иш жойи тайин бўлса, жамиятга нафи тегаётганини ҳис қилса яшашга иштиёқи баланд бўлади. Шу маънода хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ишлаш, касб ўрганиш истагидагилар билан манзилли ишланмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида 54 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси томонидан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар аниқланди. Тузилган рўйхат асосида, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилди. Хусусан, тумандаги тижорат банклари томони-



дан имтиёзли кредитлар ажратиш, ишга жойлаштириш ва тумандаги фермер хўжалиklarининг ғалладан бўшаган ер майдонидан ажратиш, тақрорий экин, қўшимча даромад топиши учун имкониятлар яратилди. Ишлаш имкони йўқ, оиласида ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг 15 нафарига эса Касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан тикув машиналари бегараз етказиб берилди.

Касб ўрганишдан — тадбиркорликкача

Туман «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» томонидан 86 нафар хотин-қиз тикувчилик, томорқачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ҳамширалик касбига қайта ўқитилди. Уларнинг 10 нафарига Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан имтиёзли кредит маблағлари берилди, пировардида 22 та янги иш ўрни яратилди.

Туман «Хунарманд» уюшмасига аъзо аёлларга 36 нафар ишсиз, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар «Устоз-шоғирд» анъаналари асосида бириктирилди.

Опа-сингилларимиз ҳуқуқлари — ҳимояда

Ҳаёт турли паст-баландликлардан иборат. Синовларни энгиб ўтишга барчанинг ҳам иродаси етмайди. Гоҳида арзимасдек туюлган воқелик, эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик ёки оилавий можаро киши руҳиятига қаттиқ таъсир қилиши, унга катта зарба бериши, яшашга иштиёқини сўндириши ҳеч гап эмас.

Баъзида нозик ҳилқат вакиллари мана шундай босим остида билиб-билмай хатога йўл қўяди. Шундай ҳолатларда улар мададга муҳтож бўлади. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази айна шу мақсадда ташкил этилган. Марказ ҳудудимиздаги «Хўжа» маҳалласи туман тиббиёт бирлашмаси биносига жойлашган.

У ташкил этилгандан буён жами 115 нафар хотин-қиз турли масалалар билан мурожаат қилган. Марказ билан ижтимоий шерикчилик асосида руҳий зарба олган хотин-қизларга тиббий, психологик ёрдамлар мунтазам кўрсатиб келиняпти.

Жорий йилда марказга мурожаат қилганларнинг 45 нафарига туман ички ишлар бўлими билан биргаликда ҳимоя ордери берилди. Натижада опа-сингилларимизда «Мен оиламга, жамиятга керакман», деган ички ишонч уйғонди. Касб-хунар ўрганишга киришишди.

Аёл нега эгри йўлни танлади?

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан якка тартибда ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганларнинг ижтимоий реабилитацияси жараёнига айна

шу савол билан ёндашилди. Хўш, нима учун меҳрибон она, саришта уй бекаси, севимли ёр, дея алқанадиган оқилалар жиноятга қўл урмоқда? Уларнинг эгри қадам ташлашига қайси омиллар сабаб бўлаётир? Йўналишдаги фаолиятни ташкил этишда, аввало, мазкур саволларга жавоб излади. Ахир, ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди, ҳеч ким бесабаб эгри қадам ташламайди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар туманда хотин-қизлар ўртасида жами 16 та жиноят қайд этилган бўлиб, уларнинг 4 нафари бошқа туман, шаҳар аёлларидир. Бу кўрсаткич 2019 йилда 13 тани ташкил этганди, афсуски, бу йил 1 тага кўпайган.

Шу боис ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаби, унга билвосита ва бевосита таъсир қилган омиллар ўрганилди, таҳлил этилди, алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Туман ички ишлар ва Ёшлар иттифоқи бўлими билан йўналишдаги ишлар тизими белгилаб олинди.

Аслида бу масалада рақамларнинг кетидан қувиш, уни ошириб ёки камайтириб кўрсатиш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Чунки аёлнинг зиммасида оила, болалар тарбияси билан бирга жамиятнинг эртаси учун жавобгарлик масъулияти бор. Унинг биргина ножоиз қадами нафақат бир оила, балки жамият келажагини-да хавф остида қолдиради. Масалага айна ракурсдан ёндашув эса ҳар биримизни сергак торттиради, йўл қўйилган камчиликларни кечиктирмай ҳал этиш жавобгарлигини юклайди.

Шу боис хотин-қизларимизнинг дунёқараши, ҳаётдаги ўрни ва турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ҳаракатларга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Ўрганишларда аксарият ҳолларда руҳий беқарорлик, оилавий турмушдан норозилик ва ўз-ўзидан қониқмаслик ҳолатлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига сабаб бўлгани ойдинлашяпти. Тушунтириш тадбирларини эса шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ташкил этияпмиз.

Ўйлаймизки, йўналишдаги ишларимизда ҳадемай ижобий натижалар қайд этилади. Пировардида, оилаларимиз мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айланттириш, ишбилармон оқилаларимиз сонини оширишга эришилади.



ИШ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ, ДЕГАНИ НАТИЖАНИ КАФОЛАТЛАМАЙДИ

Иш тизимли ташкил этилса, режалар вақтида бажарилса, вазифаларга масъулият билан ёндашилсаю натижа кутилганидек бўлмаса. Ажралишлару жиноятлар сони ошиб борса, маҳаллалардаги ижтимоий муҳит барқарорлиги таъминланмаса. Хўш, нега? Чунки биз доим оқибатлар билан курашамиз. Уни келтириб чиқарган сабаблар билан доим ҳам қизиқвермаймиз.

Аслида касални даволагандан кўра, унинг олдини олиш осон экани исбот талаб қилмас ҳақиқат-ку. Киши жиноят содир этиб, панжара ортига киргандан сўнг нега бу йўлни танлагани бўйича сўроқ қилишдан бирон наф борми? Тўғри, у хулоса қилар, қайтиб бу жарга ўзини ташламас. Бироқ ғишт қолипдан кўчгач, уни ўз ўрнига жойлашга уриниш иш берармикин?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари иш жараёнини ташкил этишда нималарга эътибор қаратмоқда? Жиноятчиликка қарши курашда татбиқ этилаётган тажрибалар амалда ўзини оқлаётими? Бўлимлар қандай ташаббусларни илгари сурмоқда. Айни саволлар билан



Оҳангарон тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Маҳмуд ХОЛТЎРАЕВга мурожаат қилдик.

– Туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан мулоқотларимизда бу ҳақда кўп суҳбатлашамиз, – дейди Маҳмуд Холтўраев. – Жиноятларнинг барвақт олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаяпмиз. Ахир, битта бўғиндаги эътиборсизлик бутун тизимни ишдан чиқариши ҳеч гап эмас.



Йўналишдаги ишларимизни жонлантириш учун, аввало, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосидаги тизимни самарали жорий этишга урғу бердик. «Йўл харитаси» ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият ташкиллаштирилди.

Тумандаги 29 та маҳалла фуқаролар йиғинида раиснинг ҳуқуқ-тартибот ва ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди. Пировардида ҳар бир йўналишдаги вазифалар ўз «эгаси» томонидан бажарилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган 10 нафар шахс ишли бўлди.

Халқимизда бекорчидан ҳамма безор, деган нақл бор. Чиндан ҳам, кишининг кўлида бир юмуши, иши бўлмаса, хаёлига турли бўлмағур фикрлар келаверади. Баъзилар эса ўқиши, кўлида хунарию иши бўлишига қарамай, вақтидан унумли фойдаланмайди. Гоҳида кўнгилсизликлар шу орқали келиб чиқади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, ички ишлар бошқармаси ва Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан ҳамкорликда олиб борилган рейдлар айни шу каби ҳолатларга қарши курашга қаратилган. Тунги кўнгилочар жойларда 146 маротаба ўрганишлар ўтказилди. Шукрки, вояга етмаганлар томонидан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Маҳаллаларда «Ҳамжихатлик бор жойда жиноятга ўрин йўқ!» мавзусида тарғибот тадбирлари эса кутганимиздан ҳам яхшироқ самара берди. Уларда содир этилган жиноятлар юзасидан 55 та муҳокама йиғилишлари ўтказилди.

– Аслида кишининг хулқ-атвори оилада шаклланади. Шу маънода жиноятчиликка қарши курашни, аввало, оилалардаги ижтимоий муҳитни яхшилашдан бошлаш керак, назаримизда. Айтинг-чи, бу борада бўлим томони-

дан жорий йилда қандай ишлар қилинди?

– Маҳаллаларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш борасида 29 та маҳаллада миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар кенг тарғиб қилинди. Чунончи, «Маънавият оиладан бошланади» ойлиги доирасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Оилада фарзанд тарбияси, бу борада ота-оналарнинг ўрни, маҳалла ва мактабнинг ҳамкорлиги каби мавзулардаги суҳбатлар жонли мулоқотларга айланиб кетди.

«Маҳалла – қадриятлар маскани» ҳафталиги доирасида эса маҳалладаги кўчаларнинг ҳар бирида 16 тадан хонадон иштирокида «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаймиз» шиори остида учрашувлар уюштирилди.

Тумандаги барча маҳаллаларда оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам, камчиқим қилиб ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилгани бундай тадбирлардаги дабдабазликларга барҳам бермоқда. 719 та тўйлар ихчам ва камчиқим тарзда ўтказилгани айни шу гуруҳ аъзолари меҳнатининг маҳсулидир.

– Фаолиятнинг жонланиши ўзига хос ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Сиз раҳбарлик қилаётган бўлим томонидан қандай лойиҳаларга қўл урилди?

– Қолипдаги иш жараёни чиндан ҳам, натижани кафолатламайди. Янгича фикр ва янгича дунёқараш эса вазифалар ижросини таъминлашда ҳам қўл келади. Жорий йил бўлимимиз ходимлари билан «Оила – муқаддас» деган эзгу ғояни тарғиб қилишда бир нечта ташаббусларни илгари сурдик. Аввало, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга кўмаклашиш борасида маҳаллаларда яшовчи нотинч оиланинг яшаш шароити билан танишилди.

Бу хонадонларда вояга етаётган болалар билан психологик-коррекцион ва ривожлантирувчи ишлар олиб борилди. Шу мақсадда, «Аҳил оила» дастури асосида тренинглар ўтказилди. Машғулотлар давомиятида психологик тестлар, тарбиявий суҳбатлар ташкил этилгани, айниқса, тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши иш бошлади. Тумандаги ижтимоий муассасалар ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

«Оила – муқаддас» шиори остида «Энг яхши оилавий видеоуролик» онлайн танлов эълон қилгандик. Бу орқали ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсади кўйилганди. Эътиборлиси, қизиқувчилар жуда кўп бўлди, яқинда «Тут» маҳалласида яшовчи Режабоевлар оиласи ғолиб, деб топилди. Йўналишдаги бу ишларимиз самарасиз кетмади. 29 та ажрим ёқасига келиб қолган оилалардан 10 таси сақлаб қолинди.

Ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 79 нафар хотин-қизга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган 668 нафар аёлга манзилли ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилди. 1 нафар оғир турмуш шароитида яшовчи аёлга тикув машинаси берилди.

– Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда «маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» ҳамкорлик тизими жорий этилганига ҳали кўп бўлмади. Бу тажриба амалда ўзини оқлаётими?

– Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда тизимлилик таъминланмаса, вақт беҳудага сарфланади. Бундан ҳам масъул ташкилот, ҳам фуқаро вақт ютқазади. Шу асосда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда таъсирчан жамоатчилик назорати амалга оширилди. Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига виртуал, Халқ қабулхонаси, туман ҳокимлиги, секторлар томонидан юборилган 288 та мурожаат тўлиқ ўрганилди. Уларнинг 264 тасига жавоб берилган бўлса, 168 та мурожаат қаноатлантирилди, 23 тасига рад жавоби берилди.

Уйма-уй юриш орқали аниқланган 344 та мурожаатнинг 156 таси секторга йўналтирилган бўлса, 302 таси қаноатлантирилди.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



Ўзбек миллий таомлари калорияси ҳисоблаб чиқилади.

ОБОД ВА ФАЙЗИЁБ МАНЗИЛДАН ҚУТ-БАРАКА АРИМАЙДИ

Ота-боболаримиз азалдан ҳудудлар озодлигию ободлигига алоҳида эътибор қаратиб келган. Аммо сўнгги пайтларда «иш кўп», «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида кўча-кўй, маҳалла ободлигига эътибор қаратилмаётган ҳолатлар кўпайиб бораётгани. Очиғини айтиш керак, маҳалла аҳолисининг ўзи яшайдиган ҳудудини асраб-авайлаш ва сақлашга масъулият билан ёндашиш ҳисси сусайганди.



Барно ЖАББОРОВА,
Бўка тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари.

Табиийки, бундай ҳолатда жонажон Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, уйларимизда фаровонлик, файз-барака бўлмайди, қолаверса, маҳалларимизнинг ободлиги таъминланмайди.

Ўз навбатида, ҳудудларда аҳолига хизмат кўрсатадиган тузилмаларнинг фаолияти доимий равишда йўлга қўйилмагани оқибатида аҳоли кундалик ижтимоий-маиший масалалар билан ҳам маҳаллий ҳокимлик ва давлат органларига мурожаат қилишга мажбур бўлаётгани. Ҳудудларда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилинмагани сабаб жойларда ўзбошимчалик билан бетартиб қурилишлар кўпайгани ҳам бор гап. Ички йўллар талаб даражасида эмас ва уларнинг ўтказиш қувватлари фойдаланиш учун мослашмаганди.

Маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, мавжуд инфратузилмани комплекс ривожлантириш, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, шу асосда аҳолининг турмуш шароитини юксалтириш мақсадида «Обод маҳалла» дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан, 2022 йилга қадар камида 3 тадан маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Дастурда белгиланган вази-фалар ижроси туманимизда ҳам шиддат билан амалиётга татбиқ этилди. «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонлари бўйича бир талай ишларга улгурилди. Жумладан, ободонлаш-



тириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доирасида 52,4 га. ер майдонлари ва 38,7 км. ариқ ва зовурлар тозаланди, 102,3 тонна чиқиндилар олиб чиқилди.

Маҳаллалардаги 76 та қабристон ва 4 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Деворлари нураган, анча йиллардан буён таъмирланмаган 2385 та хонадон бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди. Хонадонларнинг том, фасад қисмлари, тандир ва ўчоқхоналари таъмирланди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлардаги йўллар, кўчалар ҳамда чиқиндиҳоналар тартибга келтирилди.

Электр симлар алмаштирилиб, тунги ёриткич чироқлари ўрнатилгани эса аҳолига қулайлик яратди. Маҳаллалардаги 16 та кўчага сув қувурлари келтирилиши билан фуқароларнинг орзуси ушалди.

Биргина «Мой тепа» маҳалла аҳлини кўп йиллардан буён ичимлик суви йўқлиги муаммоси қийнаб келарди. Жорий йилда ҳудудга 115,1 млн. сўм эвазига 2,3 км. янги сув тармоғи тортилди ва 3 та кўча сув тармоғи билан таъминланди. «Кўкорол» йиғинида эса 1,4 км. ичимлик суви қувури тортилиб, янги сув кудуғи қазилди, сув минораси ўрнатилди.

Орртирилган маблағ эвазига йўллар таъмирланди

Туман электр таъминоти

томонидан яроқсиз ҳолга келиб қолган эски ёғоч устунлар темир бетон устунларга алмаштирилипти. Эътиборлиси, бу борада олиб бораётган ишларимиз сабаб маҳалларимиз кундан-кунга чирой очаётир. Хусусан, «Наврўз», «Хўжақўрғон», «Олтиш», «Кўчқорсўйган», «Мойтепа» каби яна 4 та маҳаллага шағал ётқизилди. Шунингдек, «Мирзабек», «Бўка», «Паркент» ҳамда «Ровот» маҳалласидаги ички кўчаларга асфальт қопламаси ётқизилиб таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, халқаро аҳамиятдаги 17 км., давлат аҳамиятдаги 24 км., маҳаллий аҳамиятдаги 90 км. автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

431 та эҳтиёжманд оилага иссиқхоналар қуриб берилди

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан секторлар кесимида тумандаги «Олтмиш», «Ўзбек», «Жағалбайли», «Катта ровот», «Гулистон», «Ачамайли Файз-барака», «Янги ҳаёт» ва «Қорақўйли», «Ибрат», «Кўчқорсўйган», «Қорақудук», «Кўкорол» маҳаллаларида 431 та эҳтиёжманд оиланинг томорқаларига имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қуриб берилди.

Эътиборлиси, бундан руҳлан-

ган аҳоли вакиллари иссиқхонага кўкат, помидор, редиска, қулупнай ва бодринг каби маҳсулотлар экишди. Бу орқали рўзгорларига барака инди.

Эътибордан четда қолиши мумкин бўлмаган масала

Шунингдек, туманимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда. Бу борада тумандаги 42 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлари томонидан ўрганишлар олиб борилди. Хонадонлар секторлар кесимида электрон рўйхатга олиниб, «Аёллар дафтари» шакллантирилмоқда. Бу рўйхатлар «темир дафтар»дан алоҳида бўлиб, унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилмоқда. Натижада улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Ўрганиш давомида шу кунга қадар рўйхатга олинган «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларнинг ижтимоий аҳоли ҳам таҳлил қилинди. Шу асосда янги инвестиция лойиҳалари, ўзини ўзи банд қилиш бўйича манзилли режалар шакллантирилди. Бундан ташқари, «Ҳар бир оила – тадбиркор» Давлат дастури доирасида ишбилармонликка жалб этиш режалаштирилган.

Яқинда Бўка тумани ҳокимлиги фаоллар залида ўтказилган «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз хотин-қизларда тадбиркорлик ва оилавий бизнес кўникмалари ҳосил қилиш (мотивация бериш) бўйича ташкил этилган семинар-йиғилишида жорий йил декабрь ойи 2021 йил январь ойларида 150 нафар хотин-қизни қайта касбга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Сирасини айтганда, зиммамиздаги вазибаларни ўзаро ҳамкорликда бажаряпмиз. Албатта, камчиликларимиз ҳам бор, келгусида уларни ҳал этиш учун ҳаракат қиламиз.



Бухорода «I Халқаро ёшлар
туризм форуми» бўлиб ўтди.

Ҳаммамиз ҳар куни кузатадиган, лекин ҳар доим ҳам эътибор қаратмайдиган бир неча ҳолатларни келтириб ўтаемиз. Биринчиси, тонг отиб, қуёш чарақлаб турса ҳам қатор симёғочларда кўча чироқлари ёниб туради. Иккинчиси, одамлар ўтиб-қайтадиган кўча бўйидаги жўмрақлардан беҳуда сув оқиб туради.

Учинчиси, кўздай яқин қўшни-миз оч-наҳор бўлса ҳам, яқинларимиз, ҳатто, ака-укаларимиз, қариндошларимиз орасида фарзандларининг ўқув-шартнома пулларини тўлай олмаётганини ёки маҳалламизда эҳтиёжманд оилалар борлигини билсак-кўрсак-да, лекин дабдабали тўй қилаверамиз. Ёшларнинг орзу-ҳаваси деб биргина «ЗАГС»нинг ўзига бир талабанинг бир йиллик ўқув-шартнома пулини сарфлаймиз...

Рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Шу мавзуда ҳаёлимизга келган ҳамма нарсани тизиб чиқсак, бир мақола у ёқда турсин, ҳатто бир нечта китоб бўлиши ҳам турган гап.

Хўш, биз қачондан бери дабдабага ўч, хўжақўрсинга, кимўзарга мойил, исрофга муккасидан кетадиган бўлиб қолдик?..

Аллоҳ таоло Қуръони каримда қаттиқ ва қатъий (!) қоралаб: «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилгучиларни севмас», деб марҳамат қилади («Аъроф» сураси 31-оят).

«Исроф» дейилганда ҳамма нарса қамраб олинади. Маънавий эҳтиёжлардан ташқари, Қуръони карим тиловати, зикр, тасбиҳ, ибодатлар, китоб мутулаасидан бошқа ҳамма нарсанинг, ҳатто сувнинг ҳам меъёридан ортиқча ишлатилиши – исрофдир!

Нега тонналаб обиҳаёт исроф қилинади?

Иссиқ кунларда кўп қаватли уйлар олдида гилам юваётган кишиларга кўзингиз тушгандир. Ёки маҳалларга йўлингиз тушса, жўмрақларни борича очиб қўйиб, тарвуз-қовунни ташлаб қўйилган ҳолатни-чи? Ёки узун пластмасса ичакларда сув пуркаётган кишиларни кузатгандирсиз. Аслида бир ёки икки челақ сув билан ҳал бўладиган ишларга тонналаб

«ЕНГЛАР

ИЧИНГЛАР, АММО ИСРОФ ҚИЛМАНГЛАР»



обиҳаёт оқизилади.

Парвардигори олам Қуръони каримда: «Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдиргучимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?», дея бизни огоҳлантиради. («Воқеа» сураси 68–70-оятлар).

Маълумотларга кўра, она сайёрамизнинг 75 фоиздан кўпроқ қисми сув билан қопланган экан. Лекин Ер юзидаги сувларнинг бор-йўғи 3 фоизи чучук, яъни истеъмолга яроқли, холос.

Расулulloҳ таҳоратга қанча сув ишлатганлар?

Ота-боболаримиз сувни исроф қилишдан жуда эҳтиёт бўлганлар. Биргина мисол, уйимизга қишлоқдан ёши улуғ меҳмон келса, унинг таҳорат олишда сувдан устамонлик билан, яъни исроф қилмасдан фойдаланганини кузатганмиз.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху ривоят қилади: «Бир куни Саъд таҳорат қилаётганида, Жаноби Пайғамбаримиз алайҳи васаллам унинг олдида ўтиб қолдилар



ва унга: «Бу қандай исрофгарчилик, эй Саъд?» – дедилар. Шунда у: «Таҳоратда ҳам исроф бўладими?» – дея ажабланди. Жаноби Расулulloҳ алайҳиссалом: «Гарчи дарё бўйида яшасангиз ҳам, таҳоратда сувни ортиқча ишлатманг», – дея унга танбеҳ бердилар (Имом Аҳмад ривоятлари).

«Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам бир соъдан беш муддгача бўлган сув билан гусл қилар ва бир мудд сув билан таҳорат олар эдилар» (Муттафақун алайҳ). Яъни Жаноби Расулulloҳ алайҳиссалом тахминан 0,688 литр сув билан таҳорат қилар эдилар.

Тўлдирилган энг ёмон «идиш»

Уламоларнинг айтишларича, мақоламиз бошида келтирилган «Аъроф» сурасининг 31-оятда таобат илмининг ярми жамланган экан.

Исроф деганда, ҳаёлимизга кўп нарсалар келади-ю, лекин ортиқча овқатлишни унутиб қўямиз. Жаноби Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам: «Нафсингиз хоҳлаган ҳар нарсани еяверишингиз ҳам исрофдир», – деганлар (Имом Ҳофиз Абу Яъло ривоятлари).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони – қорин. Кишига ҳаракат қилиши учун керак бўлган микдордаги таом кифоя қилади. Ёки у қорини уч қисмга ажратсин, бир қисми таом учун, бир қисми сув учун, яна бир қисми нафас учун» (Имом Аҳмад ривоятлари).

Хулоса ўрнида

Ҳорун Рашиднинг бир насроний ҳозиқ табиби бор эди. У бир

куни уламолардан Али ибн Хусайн ибн Воқидга: «Қуръон китобларингизда таобат хусусида ҳеч нарса йўқ. Ваҳоланки, илм икки хилдир. Бири – дин илми, иккинчиси – бадан, яъни тиб илми» деганида, у жавобига: «Аллоҳ таоло таобатнинг ҳаммасини яримта оятга жойлаб қўйган», – деб, мазкур оятни ўқиб берганида, табиб: «Пайғамбарингиз бу хусусда ҳеч нима демаган», – дебди. Шунда олим: «Ақсинча. Ошқозон – дард манбаи, парҳез – барча давонинг боши. Бадани унга мос нарса билан парвариш қилинг!» деган ҳадиси шарифларини ўқиб берди. Шунда табиб: «Китобингиз билан Пайғамбарингиз Жолинус ҳакимга таобатдан ҳеч нарса қолдирмабди», – деган экан.

Беқиёс ва бетакрор, катта ва бой тажрибага эга доно халқимиз ҳам неча минг элақдан ўтказиб, бекордан-бекорга «Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан», деб айтмаган. Бежиздан-бежизга

«Тежам билан ишлатсанг – уй-рўзгоринг бут.

Исроф билан ишлатсанг – ёмон кунни кут!»

демаган. Меҳрибон Парвардигоримиз барча нарсани биргина «Аъроф» сураси 31-оятининг ярмига, Жаноби Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам биргина ҳадиси шарифларига жамлаб қўйган эканлар, биз чин саодатни истасак, ҳеч кимга ҳеч нарса қолдирмаган КИТОБ – Каломуллоҳ ва ҲИКМАТ – ҳадиси шарифга амал қилсак – марра бизники!

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари.

**БИЛИБ
ҚҲЙИНГ!**

? Баъзилар сувга Қуръон оятларидан ўқиб дам уриб беради. Шу иш тўғрими? Ўша сувни ичса бўладими?

! – Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Албатта, бўлади. Қуръон ўқиб, сувга дам солиб, уни шифо мақсадида ичиш мумкин. Бу иш жоизлиги

кўплаб салафи солиҳларимиздан нақл қилинган. Шунингдек, бирор идишга ёзиб, ўша идишга сув қўйиб ичиш ҳам мумкин. Валлоху аълам.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво ҳайъати.

МОЛДОВА

Европа Иттифоқига юз очадими?

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Молдовадаги сайловлар халқаро сиёсат учун билинмай ўтди, чунки мамлакат кўп ҳам танилмаган. Қора денгиз соҳилида, Руминия ва Украина ўртасида жойлашган бу кичик давлат мураккаб тарих, курашлар, ишғол, талафотлар натижасида бунёд бўлган мамлакатдир. Молдова ҳар доим турли қиролликлар ва империялар ўртасида турган, бу унинг маданияти ва жамиятнинг қутблашувида акс этади.

Бир томондан, у 300 йилдан зиёд вақт Усманийлар империясининг бир қисми бўлиб келди, мустақил вассал давлат бўлиб қолиш учун ўлпон тўлади. Бошқа томондан, совет иттифоқининг ҳукмронлиги ва таъсири йилларида мамлакатда маданиятни руслаштириш бўйича оммавий сиёсат юритилди. Ушбу таъсир мамлакат шимоли-шарқидagi ярим мухтор минтақа — Днестрбўйида сақланиб қолмоқда. Молдованинг сиёсий саҳнаси Украинаникига ўхшаб кетади, у ерда ҳам бойлар ва олигархлар таъсир ва назорат учун кураш олиб боради. Ўнг қанот партиялар одатда Европа интеграцияси ғояси билан боғланган, айна пайтда сўллар Россия билан муносабатларни афзал кўради.

Европапараст номзод, «Ҳаракат ва бирдамлик» партияси вакиласи Майя Санду кўплаб молдованлар учун коррупциядан холи ва эскирган тузумдан юз ўгирадиган сиёсатчи рамзига айланган. Майя Сандунинг коррупция ва олигархлар томонидан эгаллаб олинган заиф институтларни қаттиқ танқид остига олган овози аҳолининг катта қисмини ишонтира олди. У ислохотлар ўтказишга, эски сиёсий синфни ўртадан кўтариб ташлашга ва мамлакатни ЕИ билан интеграциясини бошлашга ваъда берди. Бу модернизация ва тараққиётга муҳтож Молдова келажаги учун муҳим қадамлар.

Сўнгги 10 йил ичида Молдова Европа билан муносабатларини қайта қуришга муваффақ бўлди, ўз савдоси ва энергетик ўзаро алоқаларини Европага кўчирди. Мамлакат Руминия билан газ қувурларини очди, шундай қилиб, Россия газига муқобил манба топилди. Мамлакат бошқарувида европапараст кайфиятда бўлмаган етакчи-



лар турган пайтда ҳам жамият ва бизнес ЕИ билан муносабатлар ҳисобига гуллаб-яшнади.

Янги президент нега тан олинмаяпти?

Майя Сандунинг президентлик сайловидаги ғалабаси оёққа туриш босқичидаги мамлакатда демократиянинг тантанаси сифатида кўрилади. Аммо чуқур тузилмавий ўзгаришларга оид йўл мураккаб кечади. Зеро, бунинг учун парламентда кўпчилик ўринларни қўлга киритишга порахўрликка чўмган «каркидон»лар халал бериши муқаррар.

Айнан бўлғуси президент ва амалдаги президент тарафдорлари кўпчиликни ташкил этган парламент ўртасида кучли қарама-қаршилиқ пайдо бўлган. Буни кўпчилик кичик инқилоб деб аташга ҳам улгурди. Парламент президентнинг шундоқ ҳам катта бўлмаган ваколатларидан маҳрум қилувчи қатор қонунларни қабул қилди. Бундан ташқари, яқинда президентлик сайловини бой берган Игор Додон қистаган рус тилининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Натижада Санду хоним тарафдорларини кўчага олиб чиқди. Ўн минглаб одамлар пойтахт Кишинёвдаги Буюк Миллий Мажлис майдонида йиғилди.

Мамлакатнинг янги сайланган президенти тарафдорлари парламентнинг зудлик билан тарқатилиши, муддатидан илгари парламент сайлови чақирилиши ва ҳукуматнинг истеъфосини талаб қилишди. Майя Санду 24 декабрь куни Молдованинг янги президенти сифатида иш бошлаши керак. Аммо унинг Додонга мойил парламент билан ишлашга тўғри келади. Оммавий норозилик акцияси иштирокчиларига кўра, «парламент қонунийлигини буткул йўқотган ва ортиқ Молдова фуқаролари манфаатларини

намоён этмайди». Сандунинг «Ҳаракат ва бирдамлик» партияси раиси муовини Игорь Гросу Додон ва молдовалик кувғиндаги тадбиркор Илан Шорни ғалабани ўғирламоқчи бўлганликда айблади.

Социалистлар ва «Шор» партиясидан иборат депутатлар Майя Сандуга қарши исён кўтарди. Рус тили мақомини кўтаришдан ташқари, АҚШнинг янги элчихонаси қурилиши режалаштирилган ер участкасини давлат ихтиёрига қайтариш учун ҳам овоз беришди. «Шор» партияси асосчиси Игор Шор у ерда спорт саройи ва кўнгилочар «Moldova Land» паркни қурмоқчи. Бу қадамни Ғарбга ва Сандуни дастаклайдиган соросчиларга қарши очиқ чақириқ сифатида баҳолашмоқда. Навбат — қочоқ олигарх Влад Плахотнюкнинг бошқаруви йиллари тайинланган амалдорларнинг люстрацияси ҳақидаги қонун лойиҳасига келди. Қонун лойиҳаларининг бир қисми қабул қилинди, айримлари биринчи ўқишда маъқулланди.

«Молдова социалистик партияси ва «Шор» менинг мамлакатда тартиб ўрнатишимга имкон берадиган ваколатларни кесишни хоҳлайди. Бу йўл билан улар сайлов натижаларини бекор қилмоқчи. Мен сизларни кўчаларга чиқиб, ўз овозингизни ҳимоя қилишингизни сўрайман», — деди Санду. Унга кўра, агар хавфсизлик хизмати президент ихтиёридан чиқиб кетса, давлат раҳбариди коррупцияни тергов қилиш учун керакли воситалар қолмайди. Хавфсизлик хизмати ўтган йили президентга бўйсундирилган, аммо сайловларни бой берган социалист депутатлар эски вариантга қайтишга қарор қилишган.

Қайта сайловлар ўтказиладими?

Европа Иттифоқи дарров

Молдова ички ишларига ара-лашишга ўтди. Иттифоқ қабул қилинган қонунлардан ҳафсаласи пир бўлганини, улар регламентни бузган ҳолда овоз беришганини таъкидлади. Бу билан Ғарб Санду қўлидан ҳокимиятнинг чиқиб бораётганидан ташвишга тушган. Албатта, Сандуда «Б» режа — муддатидан илгари сайлов ўтказиш режаси бор. Аммо шунда ҳам парламентда кўпчилик ўринларни қўлга киритиши осон бўлмайди. Санду олдин ҳам муддатидан илгари сайлов ўтказиш зарурати ҳақида гапирган. Чунки у ислохотларни яна икки йилга кечиктир-ролмайди.

Қизиғи, қарама-қарши лагерда ҳам муддатидан илгари сайловларга қарши эмаслар. Балки бу оғизда бўлса ҳам. Бу амалга кўчадими ёки йўқ, номаълум. Ваҳоланки, Додон ниҳоят парламентда коалицияни шакллантиришга муваффақ бўлди. 101 ўринли парламентда Додоннинг социалистлари билан бирга «Шор» партиясининг 8 нафар депутати овоз бермоқда. Унинг етакчиси, олигарх Илан Шор шовшувли «миллиард иши» дан кейин хорижга чиқиб кетди, унинг назорати остидаги банклардан 6 йил илгари 1 миллиард доллар олиб чиқилганидан кейин ишнинг пачаваси чиққан эди.

Илгари Додон «Шор» партияси билан жиноий ўтмиши туфайли бирлашишни истамагани, аммо Санду билан зиддиятдан кейин унинг бошқа йўли қолмади. Плахотнюкнинг Демократик партиясидан воз кечган «Пентру Молдова» ва «Про Молдова» гуруҳи билан бирлашгач, «олтин акция» «Шор» партияси қўлига ўтди. Энди истаса, Додон билан, хоҳласа, Санду билан савдолашиши мумкин. Аммо парламентдаги мураккаб вазият туфайли Додон ҳам, Санду ҳам муддатидан илгари сайлов ўтказиш қарорига келиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ҳар икки томон пиар тайёр-гарликни бошлаб юборди. Парламентда рус тили мақомининг илгари сурилиши, Сандунинг рус кўшинларини Днестрбўйидан олиб чиқиш чақириқлари сайловолди баёнотларидан бошқа нарса эмас деб баҳолашмоқда. Сандунинг чақириғи ғарбпараст сайловчи ва диаспорага қаратилган. Аммо ҳозир шундай бир вазият юзага келдики, Санду ваколатсиз британия қироличасига айланиб қолмоқда, бош жанг эса парламент учун авж оладиган кўринади. Яқин вақтларда Молдовада ҳар икки томондан яна оммавий норозиликлар юз берса ажабмас.



Автомашиналарни исталган ҳудудда техник кўриқдан ўтказишга рухсат берилиши мумкин.

ТАДРИК

Янги йилда корпоратив байрамлар ўтказилмайди...(ми?)

— Хар йили янги йил арафасида ишхонадаги ҳамкасблар билан байрамни нишонлардик. Бу йил пандемия шароитида бунга рухсат берилганми?

Нодирбек ҚОДИРОВ.
Тошкент шаҳри.



Нурмат ОТАБЕКОВ,
Коронавирусуга қарши курашиш штаби аъзоси:

— Республика махсус комиссиясининг тегишли қарори билан вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларга турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди. Бунинг ўрнига тежаб қолинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, Меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди.

Юқоридаги чеклов ресторан, кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектларида 30 кишидан ошмаган ҳамда карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди. Фуқароларга янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилади.

ИМТИЁЗ

Аҳоли қайта рўйхатта олинганми?

— Шу кунларда мамлакатимизда аҳолини қайта рўйхатта олиш тадбирлари амалга ошириляётгани тўғрисида эшитдим. Мавзу юзасидан маълумот берсангиз.

Гулнора АРАББОЕВА.
Жиззах вилояти.



Ёдгоржон ШАРОФБОЕВ,
Жиззах вилояти Янгибод тумани статистика бўлими бошлиғи:

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган. Аммо тўлиқ рўйхатта олиш ишлари ҳали бошлангани йўқ. Зеро, қарорга кўра, Ўзбекистонда 2023 йилда аҳолини рўйхатта олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Келгуси йили 1-25 ноябрда Андижон вилояти Хўжаобод тумани, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилояти Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳри Яшнобод туманида аҳоли синов тариқасида рўйхатта олинади. Бутун аҳолини рўйхатта олиш эса 2023 йил 1-25 ноябрда амалга оширилади.

ТРАНСПОРТ

Транспорт имтиёзи сақлаб қолинадими?

— Ягона транспорт картаси тўлиқ жорий этилса, ўқувчилар, талабалар, нафақахўрлар учун ҳам имтиёзли йўл чипталари бўладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Алишер НОРҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти.



Наврўз АШИРМАТОВ,
Транспорт вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Маълумки, 2020 йил январь ойидан Тошкент шаҳар жамоат транспорти автобус ва метрополитен йўналишларида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Мазкур тизим имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2021 йилда республиканинг барча шаҳарларида шаҳар ичи, 2022 йилда шаҳар атрофи йўналишларида йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш режалаштирилган.

2021 йил январь ойидан бошлаб, йўлқира ҳақини тўлаш учун махсус дифференциаллашган тариф тизими жорий этилади. Бунда йўловчилар томонидан 5, 10, 15, 20 ва 30 кунлик йўлқира тўловлари олдиндан харид қилинганда, 30 фоизгача чегирмалар тақдим қилинади ҳамда умумий фойдаланувчилар учун кўк, нафақахўрлар учун қизил, ўқувчилар учун сариқ, талабалар учун яшил рангдаги транспорт карталарини сотувга чиқариш режалаштирилмоқда.

УЙ-ЖОЙ

Хонага бўлинмаган квартирага кредит ажратиладими?

— Ипотека кредити асосида уй олмоқчи эдим. Бироқ янги қурилган уйларнинг аксарияти хоналарга бўлинмай сотиляётгани боис кредит олиш муаммо бўляпти. Бу борада қандай енгиллик яратилмоқда?

Сирожиддин АЛИЕВ.
Тошкент шаҳри.



Махсума ОРТИҚОВА,
хусусий амалиёт билан шуғullanувчи нотариус:

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6126-сонли фармонида мувофиқ, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан хоналарга бўлинмаган ҳолда қурилган квартираларни сотиб олиш учун берилган ипотека кредитларининг чекланган миқдори Тошкент шаҳрида — умумий майдони 60 метр квадратгача бўлган квартиралар учун — 264 млн. сўм, 60 метр квадратдан ортиқ бўлганлари учун — 352 млн. сўм, бошқа ҳудудларда мос равишда 240 млн. ва 320 млн. сўм этиб белгиланди.

Шунингдек, фармон билан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сонли қарорига киритилган ўзгартиришларга кўра, субсидия олиш учун ариза топшириш муддати 2020 йил 31 декабрга қадар ва тўлов муддати 2021 йил 1 июлга қадар узайтирилди. Субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига бошқа шахслар даромадлари ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланди.

ХУҚУҚ

Гиёҳванд модда етиштиришга рухсат берилдими?

— Одамлар орасида юртимизда гиёҳванд моддалар етиштиришга рухсат берилгани, бунинг учун маълум миқдорда тўлов қилиш кераклиги ҳақида гап-сўзлар юрибди. Шу тўғрими?

Илҳомжон НУРУЛЛАЕВ.
Сурхондарё вилояти.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 декабрдаги 770-сонли қарорига кўра, таркибида 0,2 фоиз гиёҳвандлик моддаси мавжуд каннабис ўсимлигини фақат sanoat мақсадларида етиштиришга рухсат берилди. Бунда уни sanoat мақсадларида (тола ва уруғ) етиштириш учун БХМнинг 3000 баравари, олиб кириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), олиш ва ташиш учун БХМнинг 200 баравари миқдорида тўлов белгиланган.

Агар каннабис ўсимлиги ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар таркибида тетраканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоиздан ошганда, маҳсулотлар белгиланган тартибда олиб қўйилади ва йўқ қилинади. Мазкур амалиёт учун лицензия 5 йил муддатга берилди, уни етиштириш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқарилган ерлар ажратиб берилди. Каннабис ўсимлигини етиштириш ва фойдаланиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

